

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Э. ХОЛИҚОВ, М. ЛАФАСОВ, М. РУСТАМОВ,
У. УБАЙДУЛЛАЕВ, Х. ЖУМАНИЁЗОВ

МИЛЛИЙ ҒОЯ ҒАНИДАН СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

(қисқа матнлар, услубий тавсиялар)

ТОШКЕНТ
«TURON-IQVOL»
2010

Тақризчилар:

- Гулором Машарипова* — тарих фанлари номзоди, доцент;
Турсунбой Султонов — фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Ушбу методик қўлланмада семинар машғулоти ярасидан Президентимиз асарлари бўйича «ғоя» ва «мафкура» тушунчаларининг моҳияти глобаллашув шароитида миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши, мафкуравий имунитетни шакллантириш, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғоянинг зарурлиги, миллий ғоянинг ўзликни англаш ва Ватан тараққиётидаги роли, маънавий қадриятлар билан боғлиқлиги, умумбашарий тамойиллари, миллий ғояни ёшлар қалбига синдириш ва бошқа масалалар ёритилади.

КИРИШ

Мамлакатимизда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, ўта шиддатли ва жуда мураккаб бир замонда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари босқичма-босқич қадам ташлаб борилаётган айни дамларда «Миллий истиқлол ғояси» фани бўйича пухта ва мукамал билим, тушунча, кўникмага эга бўлишда семинар машғулотларининг аҳамияти ниҳоятда ортиб бормоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, истиқболимиз, келажагимиз сизу бизнинг бугунги ҳаракатимизга, тadbиркорлигимизга, имону виждонимизнинг поклигига ва Ватан манфаатини шахс манфаатидан қай даражада устун қўя олишимизга боғлиқдир.

Демократик жамият қуришнинг қонун-қонуниятларини, бу борада орттирган тажрибаларимизни пухта ўрганган ҳолда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдек ўта муҳим масалаларни муваффақиятли ҳал этиш учун энг аввало ва биринчи навбатда тўқис амалий иш олиб бора билиш жуда муҳим.

Шундай экан, маърузалар вақтида ўзлаштирган назарий билимимизни амалда қўллай олиш, кундалик ранг-баранг жўшқин ҳаётга талабдагидек жорий эта билиш учун керагича кўникма ва малака орттириш шу куннинг долзарб талаби.

Кўлингиздаги ушбу қўлланмада айнан шу жиҳатга кўпроқ аҳамият берилаётганининг боиси ҳам ана шунда.

Кўлланма ҳақидаги қимматли фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга ёзиб юборишингизни сўраймиз:

100070, Тошкент, Юсуф Хос Хожиб, 103-уй.

Семинар машғулотларининг тахминий режаси

Т/р	Мавзу	Ажратилган соат	Адабиёт
1	«Ғоя» ва «Мафкура» тушунчаларининг моҳият ва мазмуни	2	
2	Глобаллашув шароитида миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши	2	
3	Мафкуравий иммунитетни шакллантириш — хавфсизлик ва барқарорлик омили	2	
4	Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғоянинг зарурлиги ва аҳамияти	2	
5	Миллий ғоя халқнинг ишончи ва эътиқоди	2	
6	Миллий ғоя — ўзликни англаш ва тараққиёт омили	2	
7	Миллий ғоя ва миллий-маънавий қадриятлар	2	
8	Миллий ғоянинг умумбашарий тамойиллари	2	
9	Миллий истиқлол ғоясининг бош мақсади — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт	2	
10	Миллий ғоя ва демократик ривожланиш	2	
11	Миллатлараро тотувлик, миллий ва диний бағрикенглик	2	
12	Миллий ғоя ва ёшлар. Миллий гуруҳ ва орномус	2	
13	Миллий истиқлол ғоясининг инсон онги ва қалбига сингиши: янгича услублар, ёндашувлар ва технологиялар	2	
14	Яқуний машғулот	2	
	Жами:	28 соат	

1-МАШҒУЛОТ. «ҒОЯ» ВА «МАФКУРА» ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ

Мазкур мавзу юзасидан машғулот ўтказаятганда талабаларни аввало фанни ўрганишнинг ташкилий жиҳатлари билан яхши таништириш зарур.

Бу фан қачондан буён, нима мақсадда ўрганилаётгани хусусида яна бир бор эслатиб ўтиш зарар қилмайди.

Фаннинг мақсад, вазифалари, соҳалари бўйича талабалар ўзлаштирган назарий билимларни текшириб кўриш ва нималарга алоҳида эътибор берилиши кераклигини аниқлаб олиш, семинар машғулотларида ана шу муаммоларга кўпроқ эътибор бериш керак. Бунинг учун гуруҳ талабаларининг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида қисқа суҳбатлашиб кўриш айти мудида бўлади.

Суҳбатни қай йўсинда ташкил этиш бу машғулот ўтказаятган ўқитувчига боғлиқ. Хоҳласа, ҳар бир талаба билан бирма-бир қисқа савол-жавоб қилиб кўриши, истаса беш-олти саволни ўртага ташлаб, биргалашиб жавоб қидиришлари ёки ёзма аноним жавоб ёздириши ҳам мумкин. Лозим топса тарқатма карточкалардан фойдаланади.

Қисқаси, гуруҳ талабалари фаннинг предмети, мақсад ва вазифалари бўйича қайси масалаларни яхши, мукамал тушуниб олмаганликларини аниқлаб олгач, машғулот давомида кўпроқ шуларга жиддий эътибор бериш лозим.

Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, талабаларнинг кўпчилиги миллий истиқлол ғоясининг тарихий асослари, илмий, фалсафий илдизлари, яхлит таълимот сифатидаги қонун, қонуниятлари, асосий хусусиятларини унчалик яхши тушунмайдилар. Шу боис бу масалаларни талабаларнинг ёши, тафаккури, дунёқарashi, қизиқишини ҳисобга олган ҳолда яна бир бор тушунтириб бериш фойдали бўлади.

Илгарилари «ғоя» сўзи ўрнида «идея» атамаси ишлатиб келинган. «Идея» юнонча сўз бўлиб, том маънода кўриниб турган нарса, «кўриб турганим» деган маънони англатган. Инсонни қуршаб турган нарсаларнинг барчаси «идея» деб тушунилган. Кейинчалик бу сўз «фикр», «образ», «тушунча» каби маъноларда ишлатила бошланган.

Мустақиллик йилларида эса юнонча «идея» атамаси ўрнини арабча «ғоя» сўзидан фойдаланиладиган бўлинди. «Ғоя» ҳам «фикр», «маъно», «тушунча» сингари маъноларни англатади.

Фалсафий нуқтаи назардан олганда, «идея» ёки «ғоя» атамаси воқелик, ҳаёт, фаолият таъсирида пайдо бўладиган, уни акс эттириш асосида шаклланидиган дунёни билиш назариясининг ўзига хос шаклларида биридир.

Ҳар бир инсон муайян ғоя билан яшайди. Инсоннинг бутун онгли ҳаёти давомида унинг онгида жуда кўп ва хилма-хил ғоялар пайдо бўлади. Бу ғояларнинг баъзилари инсон онги ва қалбида мудом ўрнашиб қолади ва уни нималаргадир даъват этади, айримлари эса пайдо бўлади-ю, узоққа чўзилмайди, маълум вақт ўтгач, унутиб юборилади. Аммо баъзан шундай ғоялар шаклланидики, улар нафақат шу шахснинг ўзига, балки айни вақтда унинг яқинлари, таниш-билишлари, атрофидагиларга ҳам ёқиб қолади. Бошқача айтганда, улар учун умумий бир ғояга айланади, муайян мақсадларни ифодалайди, уларни шу йўлда жипслаштиради, уюштиради, мақсадли фаолиятга ундайди, сафарбар этади, амалий ҳаракатга чорлайди.

Ғоя ижтимоий характерга эга. Ҳар қандай бошқа воқеа сингари ғояларнинг ҳам ибтидоси ва интиҳоси бор. Қўпчилик онги ва қалбига сингиб улгурган ғоялар жамият тараққиётига ёрдам беради.

Бундай ғоялар жуда катта сафарбар этувчи куч ҳисобланади, жамиятни улкан мақсадларга эришишга сафарбар қилади.

Баъзан ғоя — бу инсоннинг орзу-истаклари, интилиши, қизиқиши, манфаати деб биладилар. Лекин ғоя тушунчаси бунданда кенг маънога эга. Ғоя кишининг ички дунёсига сингиб боради ва чуқур ўрнашиб олиб, инсонни фаолиятга ундайди, ягона эзгу мақсад сари етаклайди. У — жуда улкан ва қудратли руҳий-ақлий куч.

Шу ерда талабалар билан ғоя хусусида фикр алмашиб олиш ўринли бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар қандай ғоя аввало бирон бир шахс онгида шаклланади. Ундан кейингина, агарда у олижаноб ғоя бўлса, бошқаларга тарқалади, ўзгалар онги ва қалбини чулғайди.

Машғулотда қатнашаётган ҳар қайси талаба онгида албатта муайян ғоялар мавжуд. Бинобарин, улар билан шу хусусда гурунглашиб кўриш зарур: ким қайси ғоя соҳиби, нима учун айнан шу ғояни ёқтирган, бу ғоя соҳиби (соҳибаси)га қандай таъсир қилмоқда, нимага ундамоқда, қаёққа етакламоқда.

Бундай фикр алмашинув талабалар «ғоя» тушунчасини нечоғлик яхши тушунганликларини аниқлаш имконини беради.

Ғоялар қўп ва ниҳоятда хилма-хил. Моҳиятан, мазмунан ҳам турли-туман. Уларнинг ҳар бири муайян шарт шароитларда намоён бўлади, шаклланади ва ўз «умри»ни ўтаб, ё йўқолади, ё унутилади, ёинки ўз ўрнини янгиларига бўшатиб беради. Бу жараён доимо, тўхтовсиз, узлуксиз давом эта беради. Шуниси борки, ғояларнинг ҳаммаси ҳам инсонга наф келтиравермайди. Баъзилари, аксинча зарар келтиради, эгри-қинғир йўлга бошлайди, ҳунук, нохуш оқибатларга олиб келади. Инсонни тўғри йўлдан адаштиради, бадном қилади.

Шу жиҳатдан ғоялар икки турга бўлинади: бунёдкор ғоялар ва вайронкор ғоялар.

Бунёдкор ғояларга қуйидаги ғоялар киради:

тинчлик	адолат
тенглик	ҳамкорлик
озодлик	бирдамлик
ватанпарварлик	мустақиллик
дўстлик	халқпарварлик
хурфикрлик	инсонпарварлик
бағрикенглик	маърифатпарварлик

Бу ғоялар, оддий сўз билан айтганда, яхшиликка хизмат қилади, эзгуликка ундайди, тараққиётга элтади.

Вайронкор ғоялар эса ғайриқонуний мақсадларга етаклайди. Халқ, жамият, давлатларнинг таназзулига сабаб бўлади.

Бундай ғояларни қуйидаги ғоялар ташкил этади:

миллатчилик	ақидапарастлик
босқинчилик	жаҳолатпарастлик
ирқчилик	ватансизлик
маҳаллийчилик	террорчилик
ёвузлик	мустабидлик

Бу ғояларнинг ҳар бири инсонни, жамият, давлатни жар ёқасига олиб келади, хонавайрон қилади, нотинчлик, беқарорликка сабаб бўлади, тўс-тўполон, жанжал, ўзаро низо, адоват, ҳаттоки урушларга йўл очиб беради.

Машғулот давомида бу масалаларга алоҳида ва жиддий эътибор бериш зарур. Ҳар бир талаба вайронкор ғояларнинг пайдо бўлиш сабаблари, оқибатлари ҳақида тўлиқ ва яққол тасаввурга эга бўлиши керак. Вайронкор ғояларнинг қайси бири қай жиҳатдан хавфли эканлиги ва уларнинг оқибатини яхши тушуниб олсин.

Шу ҳақда фикрлашаётганда мустақилликка эришилган дастлабки йилларда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида рўй берган мудҳиш воқеаларни яна бир бор эслаб, уларнинг асл, туб сабабларини қисқа таҳлил этиб кўриш ва улардан тўғри хулосалар чиқарилишига аҳамият бериш лозим.

Ғоялар келиб чиқиши, мазмуни, намоён бўлиши жиҳатидан ҳар хил бўлиши мумкин:

- илмий ғоялар;
- фалсафий ғоялар;
- диний ғоялар;
- бадий ғоялар;
- ижтимоий-сиёсий ғоялар;
- миллий ғоялар;
- умуминсоний ғоялар ва бошқалар.

Бу ғояларнинг ҳар бирининг замини, асоси, келиб чиқиш, ривожланиш тарихи мавжуд.

Илмий ғоялар фан тараққиётининг самараси ўлароқ пайдо бўлади, илмий кашфиётлар, турли фан соҳаларида ишлаб чиқилган устувор қоидалар таъсирида шаклланади. Масалан, «атом» тушунчаси, дунёнинг маркази Ер эмаслиги, Ньютон механикаси ва ҳ.к.

Фалсафий ғоялар — бу олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлардир.

Бундай ғояларга мисол тариқасида Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий каби даҳоларнинг комил инсон, тана ва рух муносабати, адолат ва инсонийлик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Чунончи Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асаридаги «Ихсо ал-улум» (илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида) рисоласида сонлар, ўлчаш, юлдузлар, мусиқа, табиатшунослик илмларини келтириб чиқарган сабаблар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан таништириб ўтиш айна муддао бўлади.

Машғулот пайтида ана шу рисоладан парчалар ўқиб, улар тўғрисида фикрлашиш яхши натижа беради.

Худди шунинг сингари бадий ғоялар, ижтимоий-сиёсий ғоялар, озошлик, мустақиллик, адолат, ҳаққоний ғоялар хусусида ҳам мисоллар воситасида мулоқот олиб бориш жуда фойдали бўлади.

Булардан ташқари синфий ғоя, миллий ғоя, умумхалқ ғояси, умминсоний ғоялар ҳам бор. Уларнинг ҳар бири ҳақида бироз сўзлаб бериб, бу ғоялар аҳамиятини яхшилаб тушунтириб ўтиш керак.

Ғоялар ҳақида сўз юритганда Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. «Маънавият» нашриёти томонидан 2008 йилнинг апрель ойида босилиб чиққан бу асар тўрт боб, 173 бетдан иборат.

Китобнинг биринчи боби «Маънавият — инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир» деб номланган. Унда маънавиятни англаш, маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар, маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги масалалари ёритилган.

Иккинчи боби «Мустақиллик — маънавий тикланиш ва юксалиш» деб аталган бўлиб, миллий ғоя ва маънавий ҳаёт, маънавият ва жамиятнинг янгилиниши, ислохотлар ва уларнинг маънавий мезони бўлимларидан иборат.

Учинчи боби «Маънавиятга таҳдид — ўзлимиз ва келажагимизга таҳдид»да глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя муаммолари ҳақида сўз юритилади.

Ва, ниҳоят, тўртинчи боби «Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори», яъни инсон қалбига йўл, энг буюк жасорат масалаларига бағишланган.

Асар тўғрисида сўз юритаётганда бизнинг мавзуимизга бевосита боғлиқ бўлган иккинчи боби тўғрисида кўпроқ тўхталиб ўтиш керак бўлади.

Ғоялар ҳақида фикрлашиб олгач, мафкура ва унга оид масалалар хусусида мулоқот олиб борилади. Мафкура нима, унинг қандай хиллари мавжуд, фалсафий, тарихий илдизлари, ғоя ва мафкураларнинг шакллари (фетишизм, теизм, синфий антогонизм, диний ақида-парастлик), ғоя ҳамда мафкуранинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти мавзуларига ўтиш ҳақида суҳбатлашилади.

Мафкура нима?

Уни ким, қандай тушунади?

Кўпчиликка маъқул бўлган таърифга кўра, мафкура — муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир.

Президент Ислоҳ Каримов мафкурани қуйидагича таърифлайди:

«Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажакини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаси ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб билман».¹

Мафкуралар ҳам ғоялар сингари кўп ва хилма-хилдир. Уларни, аввало, икки асосий турга бўлиш мумкин: бунёдкор мафкуралар ва вайронкор мафкуралар. Булар ҳам бунёдкор ғоялар ва вайронкор ғоялар сингари муайян мақсадларга хизмат қилади.

Семинар машғулотида талабалар билан шу ҳақда савол-жавоб қилиб кўриш керак. Шу билан улар айни вақтда ғояларга оид айрим тушунмаган масалаларини яхшироқ тушуниб оладилар.

Талабаларга ғоя ва мафкуралар бўйича олдиндан тайёрлаб қўйилган савол-жавоб карточкаларини тарқатиб, машғулот тугаши олдиндан уларни қисқа таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш керак бўлади (2-илова).

Машғулот охирида ғоя ва мафкураларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти хусусида суҳбат ўтказилади.

Ўқитувчи лозим топса, ҳар бир талабага ёки истаганларга ғоя ва мафкура мавзуи бўйича топшириқлар бериши мумкин.

¹ *Ислоҳ Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин.* — Т.: «Ўзбекистон», 7-жилд, 89-бет.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

«Хўш, Янги асрга биз қандай онг, қандай мафкура билан — халқимизни бирлаштирадиган, унга йўл кўрсатадиган қандай миллий ғоя билан кириб борамиз?»

Бу даврда бизнинг маънавий қараш ва нуқтаи назарларимиз нимадан иборат бўлади? Кундан-кунга ўзгариб, ғоят мураккаблашиб бораётган жаҳон ҳамжамияти тизимидан бу қарашлар ўзига муносиб ўрин топа оладими? Уларнинг халқаро тажрибалар ва демократик тамойиллар билан уйғун ривож топиши учун биз нималарга эътибор беришимиз керак? Умуман, бизда Янги аср учун мўлжалланган маънавий-мафкуравий фаолият мақсадлари — концепциямиз борми? Бор бўлса, у ўзида нималарни ифода этади? Йўқ бўлса, бу хусусда кимлар, қайси ижтимоий-сиёсий кучлар ишламоқда?

Кўриниб турибдики, саволлар бир-биридан кескин, бир-биридан долзарб ва мураккаб. Лекин уларга жавоб топмасдан, бу муаммоларни ечмасдан биз олға қараб ҳаракат қилолмаймиз. Бир жойда депсиниб тураверамиз. Чунки ҳеч қачон кишилиқ жамиятида ғоявий бўшлиқ бўлмаган. Агарки шундай бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини бизнинг табиатимизга бегона турли хил мафкуравий таъйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар.

Бундай хавфни ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз ва унинг олдини олишимиз — бугунги куннинг энг долзарб, энг мураккаб вазифаларидан биридир»¹.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ғоя нима?
2. Бунёдкор ғояларга мисоллар келтиринг.
3. Вайронкор ғоялар қандай оқибатларга олиб келади?
4. Мафкура нима?
5. Мафкураларнинг қандай турларини биласиз?
6. Ғоя ва мафкураларнинг аҳамияти.

МАВЗУ БЎЙИЧА ҚИСҚА ТЕСТ

1. «Ғоя» атамасининг туб маъноси
А) Юнонча сўз «кўриб турганим»
В) Лотинча — предмет

¹ *Ислом Каримов. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз.* — Т.: Хуррият газетаси, 1999, 3—9 февраль сони, 3-саҳифа.

- C) Буюм, образ
- D) Талқин, ҳикоя

2. Ғоя нима?

- A) Онг
- B) Фикр-мулоҳаза
- C) Тушунча
- D) Инсон тафаккури маҳсули

3. Ғоялар асосан неча хил бўлади?

- A) Уч хил
- B) Тўрт хил
- C) Икки хил
- D) Кўп

4. Бунёдкор ғоя қандай ғоя?

- A) Тараққиётга элтувчи
- B) Эзгулик, яхшиликка даъват этувчи
- C) Яхши ғоя
- D) A, B

5. Вайронкор ғоя қандай ғоя?

- A) Таназзулга элтувчи
- B) Ёмон ғоя
- C) Ёвуз ғоя
- D) Тараққиётга қарши ғоя

6. Бунёдкор ғоялар қайсилар?

- A) Тинчилик, тенглик, озодлик
- B) Дўстлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик
- C) Хурфикрлик, бағрикенглик, адолат
- D) Ҳаммаси

7. Вайронкор ғоялар қайсилар?

- A) Босқинчилик, миллатчилик, ирқчилик
- B) Маҳаллийчилик, ёвузлик, адолат
- C) Террорчилик, мустабидлик, ёвузлик
- D) A, C

8. Миллий истиқлол мафкураси қанча ғояни ифодалайди?

- A) Беш хил
- B) Тўрт хил
- C) Етти хил
- D) Олти хил

9. Улар қайси ғоялар?

- A) Ватан равнақи, юрт тинчилиги, халқ фаровонлиги
- B) Эзгулик, бунёдкорлик
- C) Комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик
- D) A, C

10. Ғоялар келиб чиқиши, мазмуни жиҳатидан неча хил бўлади?

- A) Илмий, фалсафий, диний
- B) Бадиий, ижтимоий-сиёсий
- C) Миллий, умумбашарий ва ҳ.к.
- D) Ҳаммаси

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН МАВЗУЛАР

- 1. Ғоя — ҳаракат дастури.
- 2. Мафкурамизнинг тарихий илдиэлари.
- 3. Миллий мафкуранинг асосий хусусиятлари.
- 4. Миллий мафкуранинг фалсафий асослари.
- 5. Миллий ўзлик ва мафкура.
- 6. Ғоя ва мафкура.

АДАБИЁТЛАР

- 1. *Ислои Каримов*. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 7 жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил.
- 2. *Ислои Каримов*. Бунёдкорлик йўлидан, 4 жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил.
- 3. *Ислои Каримов*. Маънавият юксалиш йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1998 йил.
- 4. *Ислои Каримов*. Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. — Т.: «Ўзбекистон», 2000 йил.
- 5. *Б. Тўраев, Ж. Раматов*. Миллий истиқлол ғояси. Асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдиэлари. — Т.: 2002 йил.
- 6. *К. Назаров*. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. — Т.: 2002 йил.
- 7. *З. Ислоиов* ва бошқалар. Бунёдкор ғоялар. — Т.: 2002 йил.

2-МАШҒУЛОТ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ҒОЯГА ЭЪТИЁЖНИНГ ОРТИШИ

Жамият тарихидан аёнки, илк моддий ва маданият масканларининг кўпчилиги Шарқда шаклланган. Қадимги Миср, Вавилон, Турон, Эрон, Ҳиндистон ва Хитойда пайдо бўлган цивилизациялар бунга яққол мисол бўла олади.

Қадимда амалга оширилган кўпгина кашфиётлар ана шу заминда ихтиро қилинган. Жумладан, ерга ишлов бериш илк бор айнан ана шу қадимги Шарқ халқлари томонидан амалга оширилган, табиатдан танлаб олиш йўли билан маданий ўсимликларнинг кўплаб навларини етиштира бошлаганлар, мураккаб суғориш мосламалари ва иншоотларини яратганлар, дастлабки сув тегирмонлари обжувозларини қурганлар, ёввойи ҳайвонларни кўлга ўргатганлар, ипак қурти боқиб, ундан табиий ипак олишни кашф этганлар. Меъморчилик санъати соҳасига асос солганлар. Хилма-хил ғояларни яратганлар ва амалга ошириб келганлар.

Халқимизнинг кўп минг йиллик ўтмиши даврида миллий ғоя ва мафқуранинг тарихий шакллари ва кўринишлари ҳам ривожланиб келган.

Бундан 2700 йил илгари қадимги Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия ҳудудларидаёқ эзгулик ғояларининг кенг тарқалгани бунга яққол далил бўла олади. Зардуштийликдаги яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш; эзгулик ва инсонпарварлик ҳақидаги қарашлар узоқ йиллар давомида асосий ғоялар ҳисобланиб келган. Минтақага ислом дини кириб келгунга қадар туркий халқлар ўртасида зардуштийлик билан Кўк тантри (осмон ва қуёш)га сизгиниш (шаманизм), буддавийлик (буддизм) ҳам диний эътиқод сифатида ҳукм суриб келган.

Зардуштийлик дастлабки давлат бирлашмалари Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрияда расмий мафқура вазифасини адо этган.

Кейинги тарихий воқеалар (Туроннинг босқинчилик ҳужумига учраши, ахмоний шоҳлари даври, Македониялик Александрнинг босқинчиликлари, Кушон подшолиги, Буюк Турк хоқонлиги салтанатлари замони ва ниҳоят, араб босқинчиларининг истилоси) хусусида гапириб, бу йиллардаги озодлик учун кураш, мустақиллик ғоялари тўғрисида тўхталиб ўтиш, ислом динининг тарқалиши. IX—XII асрларда буюк алломаларнинг ўлмас асарлари таъсирида юзага келган ва Мовароуннаҳрда кенг тарқалган ғоялар ҳақида сўзлаб бериш керак.

Комил инсон ғоялари, адолат ҳақидаги қарашлар, Амир Темурнинг «Темур тузуклари». Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида акс эттирилган одоб, инсоф, диёнат, эл — юрт тинчлиги ва озодлиги ҳақидаги ғоялар жамият ривожига катта таъсир кўрсатиб келганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Хусусан «Авесто» китобида айтилган қуйидаги сатрларни талабаларга ўқиб бериш даркор.

«Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу ишлар билан, — деб ёзади Зардушт, — эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу ишни алқайман. Ўзимни эзгу фикрга, эзгу сўзлар айтишга, эзгу ишлар амалига баҳшида қиламан, барча ёмон фикрлардан, ёмон сўзу, ёмон ишлардан юз ўтираман».

Шарқ халқларининг буюк ижодкорлиги, бунёдкорлиги, қадриятлари ғарбда, хусусан антик Юнон — Рим маданиятига кучли таъсир кўрсатган ва унинг беқиёс даражада юксалишига олиб келган.

Арасту (Аристотел), Суқрот (Сократ) ва бошқаларнинг ғояларини эслаб кўринг.

Арасту устози Афлотун ғояларини бойитди, унга муҳим ўзгаришлар киритди. У жамиятдаги барча воқеликлар табиатга хос деб ҳисоблайди ва жамиятни тубдан ўзгартириш ғояларига қарши чиқади. Унинг фикрича, жамият табиий жараёнлар тарзида ривожланмоғи керак.

Афлотун ғоялар умумий тушунчалар сифатида одам ақлига боғлиқ эмас, балки у илоҳий тушунчалар деб изоҳлайди. Эзгулик ва ягоналик унинг асосий ғояси бўлган. Олий ғоя кўпинча Худога тенглаштирилади.

Суқрот муайян масалаларни ўртага қўйиш ва уларга жавоб топиш йўли билан ҳақиқатни аниқлаш мумкин деб ўйлаган. Унинг тушунишича, эзгулик — билим ва донишмандликдир, яхшилик моҳиятини тўғри англаган инсонгина яхшилик қила олади. У адолатта хилоф бўлган давлат бошқарувининг ҳамма шакллари танқид қилади, фақатгина адолатли, демократик давлат бошқарувини ёқлайди.

Шарқда, яъни Турон заминида IX—XII аср илм-фан намоёндаларининг ўлмас асарларида ифода топган бунёдлик ғоялари диққатга сазовордир.

Бу ерда Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий асарларидан намуналар келтириб, улар олға сурган ғоялар ҳақида талабаларда яққол таъассурот ҳосил этишга ҳаракат қилиш лозим.

Жумладан, Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асаридан ташқари унинг «Фуқаролик сиёсати», «Бахт-саодатга эришув ҳақида» каби китоблари билан таништирилса яхши бўлади.

Ҳудди шунинг сингари Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий қаламларига мансуб китобларга мурожаат қилиб, талабаларни улардаги олижаноб жамият, адолатли тузум, идеал жамоа, разолатга, барқарорликка, урушу жанжалларга, маърифатсизликка қарши кураш ғояларидан хабардор этиш лозим.

Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва амалий фаолияти ҳақида сўзлаб бериш керак.

Айни вақтда Хитой ва Ҳинд мутафаккирларининг жамият ривожига ҳақидаги қарашлари, бунёдкорлик ғоялари Осиенинг «Шарқона» маънавиятида ўзига хос аҳамият ва ўринга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Хитой халқи мафқурасида ҳозиргача етакчилик қилиб келаётган буюк мутафаккир Конфуций, Ҳинд халқининг буюк фарзанди Махатма Гандининг илғор қарашлари, ўлмас ғоялари хусусида гапириб бериш зарур.

Юқорида айтиб ўтилганларга асосланиб туриб, ғоялар ҳукмронлигининг тамал тоши айнан ҳукумат цивилизациялар даврида қўйилган деб дадил айтиш мумкин.

Қадимий цивилизациялар заминида ижобий ғоя, қадриятлар билан бирга империячилик тафаккур тарзи ҳам шакллана бошлаган. Бу тафаккур бошқа давлатларни босиб олишга рағбатлантирувчи, ундовчи куч сифатида рол ўйнаб келган.

Ўрта асрларга келиб антогонизмга асосланган турли ғояларнинг кенг тарқалиши ҳамда атеизмнинг кучайиши рўй берди. Вақт ўтиши билан алоҳида сиёсий кучлар бундай ғоялар ва худога мурасизликка асосланган атеизмдан ҳам ўзларининг мафқуравий мақсадлари йўлида фойдаландилар.

Большевизм, фашизм мафқуралари пайдо бўлди.

XVII асрдан бошлаб Европада «Инсоният насли»ни турли ирқий гуруҳлар («оқ», «қора», «сарик»)га ажратишни тарғиб қилувчи ирқчилик кенг ёйилди. Ирқий айирмачилик сиёсати юргизиладиган бошланди, кўп миллатлар ирқий таҳқирланди, камситила борилди. Ҳаттоки «Ку-клукс-клан» сингари террористик ташкилот пайдо бўлди ва агрессив фаолият юргиза бошлади.

Яна бир ёвуз ғоя — терроризм ғояси ҳукм сура бошлади.

Мустабидчилик мафқуралари ёйилди.

XXI аср инсоният учун катта ўзгаришлар асри бўлмоқда. Икки қутбли дунё тугатилди. «Икки мафқуравий тузумнинг кураши ва бу курашнинг халқаро ҳаётнинг ҳамма соҳаларига соя ташлаши остида ўтган кучли қарама-қаршилик барҳам топди»¹.

Лекин, дунёнинг турли минтақаларида рўй бериб тураётган можаролар камайгани йўқ. Ташвишли ҳодисалар ҳамон рўй бермоқда. «Огоҳ бўлинг, одамлар!» — деган даъват ҳамиша янграб турибди.

¹ *Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.* — Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил. 19-бет.

Бу ҳақда Президентимиз бундан 17 йил олдин огоҳлантириб айтган эди. «... алоҳида олинган бир давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кета олмайди. Бир қанча сабабларга кўра бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши муқаррар. Бу эса эртами, кечми қўшни давлатлар олдига барча салбий оқибатлари билан бирга қатор муаммоларни кўндаланг қўяди»¹.

Шу ҳақда гап бошлашдан олдин талабаларнинг ўзидан сўраб кўриш керак. Ким қандай ташвишли воқеаларни билади. Қайси можаролар, фалокатлар ҳақида хабардор.

Билишса, хабардор бўлишса, шу ҳақда қисқа сўзлаб беришларини илтимос қилиш зарур. Айтилаётган воқеа, ҳодиса, можаро, фалокатларнинг сабаби, оқибати хусусида нима дейиша олади. Улардан қандай хулосалар чиқаришади.

Бу жуда муҳим. Машғулот дўстона, самимий фикр алмашиш руҳида олиб борилса, талабалар бирон воқеа, ҳодиса таҳлилига илмий ёндашишга ўрганадилар. Бўлиб турган воқелик тўғрисида шунчаки гапириб қўяқолмай, унинг туб моҳиятига, илдизига бориб етадиган, сабабларини аниқ тасаввур эта оладиган ва бинобарин, бундан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олиш имконига эга бўладилар.

Машғулот вақтида иложи борица талабаларнинг ўзларини кўпроқ сўзлатишга ҳаракат қилиш зарур. Чигилини ўзлари топсинлар, ечимини ўзлари айтиб берсинлар. Бундай ҳодиса, воқеаларга йўл қўймаслик, уларни газак олдирмаслик, ёйилиб, тарқалиб кетмаслиги учун қандай чоралар кўриш зарурлиги бобида ўзларидан эшитиш лозим.

Ҳозирги замоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у чегара билмайдиган, ҳудудни писанд қилмайдиган хилма-хил муаммоларга сероб. Бирон давлат — у хоҳ катта, хоҳ кичик давлат бўладими, — ичида вужудга келган муаммо тез суръатлар билан нафақат ёнверидаги, қўшни давлатларга, шу билан бирга олисдаги давлатларга ҳам кириб бормоқда. Бир давлатнинг ташвиши бошқа давлатларни ҳам ташвишга солмоқда. Муаммолар кўлами ёйилиб кетмоқда, бошқача айтганда, глобаллашмоқда.

Глобаллашув, Президентимиз таъбири билан айтганда, бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир.

Ҳозирги вақтда, юқорида айтиб ўтганимиздек, ер юзининг қайси бурчагида қандай воқеа юз бермасин, ундан шу топдаёқ дунёнинг бошқа чеккасида хабардор бўлишмоқда.

¹ Ўша ерда, 24—25 бетлар.

Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келмоқда. Диний экстремизм, буюк давлатчилик шовинизми, агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция, жиноятчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, экологик муаммолар, наркомания, наркобизнес, турли юқумли касалликлар, СПИД ер юзининг дам у, дам бу сарҳадларида инсониятни безовта қилиб келмоқда. Бу иллатларнинг ҳар бири давлатлар, минтақа, ҳудудлар, ер юзи хавфсизлигига таҳдид қилмоқда.

Шу ҳақда фикр юритаётганда ёвуз ғоя ва унга асосланган мафкураларнинг энг кўп тарқалган шаклларида бири диний ақидапарастлик хусусида тўхталиб ўтиш ўринли бўлади.

Бу ижтимоий иллат дунёдаги тинчлик ва тараққиётга катта хавф туғдирмоқда. Шуниси ачинарлики, бу иллат таъсирига тушиб қолаётганлар ҳозирда ҳам йўқ эмас.

Шу боис талабалар ақидапарастликнинг туб моҳияти ва зарарини яхшироқ тушуниб олишларига катта аҳамият бериш лозим.

Ислом фундаментализми — ақидапарастликнинг таҳдиди нима-ларда намоён бўлмоқда деган саволга жавоб бериш керак.

Ақидапарастлар демократияни, дунёвий давлатни, кўп миллатли ва кўп динли жамиятни обрўсизлантирмоқчи бўлаётирлар.

Фундаменталистлар адолат ҳақида жар солиб, бакироқ ва асосиз даъватлари билан одамларни ўзларига кўр-кўрона эргашишларига уринмоқдалар. Улар одамларнинг ақлигагина эмас, балки тақдирига ҳам ҳукмрон бўлиб олишни истамоқдалар. Улар мусулмонларни «ҳақиқий» ва «сохта» диндорларга бўлиб, улар ўртасида қарама-қаршилик келтириб чиқармоқчилар, террорчилар, жангариларнинг янгидан-янги авлодлари вужудга келмоқда.

Фундаменталистлар бизнинг мустақил Ўзбекистонимиз ҳақида турли-туман фикрларни ёймоқдалар, бизни гоҳ динсиз даҳрийлар қилиб, гоҳ давлатни исломлаштиришнинг яширинча тарафдорлари қилиб кўрсатмоқдалар.

Ислом цивилизацияси билан исломий бўлмаган цивилизация ўртасида ялпи қарама-қаршиликни шакллантиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Диний экстремизм ақидаларига кўра, гўё барча ҳозирги замон мусулмон жамоалари исломий тусларини йўқотганлар ва жоҳилия (исломдан олдинги) асри жамиятларига айланганлар. Улар «исломий тартиб»ни ўрнатиш учун кескин ва агрессив ҳаракат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Кўриниб турибдики, уларнинг асл мақсади Марказий Осиёда беқарорликни, диний ва миллатлараро низоларни вужудга келтириш, охир-оқибат ҳокимиятни қўлга олишидир.

Шу мақсадда улар, энг жирканч саъйи-ҳаракатлар — террорчилик йўлига ўтмоқдалар, давлат, жамоат арбоблари ҳаётига қасд қилиш, ёки ҳозирги халқаро муносабатда бирор мамлакат сиёсатига таъсир кўрсатиш ниятида давлат раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, дипломатик ваколатхона аъзолари, ҳаттоки бегуноҳ аҳолига қарши қотиллик ва зўравонлик уюштирмоқдалар.

Терроризмнинг асл моҳияти нимада? Бу ҳақда талабалардан сўраб кўриш керак.

Конкрет мисоллар ёрдамида террорчиларнинг асл башарасини фош этиш зарур.

1999 йил 16 февралда Тошкентда бўлиб ўтган воқеани эсланг. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида кучли портлаш содир бўлиши оқибатида бинога катта моддий зарар етди, ён-атрофдаги айрим иморатларнинг ойналари синди. Бундай портлашлар бир неча жойда содир бўлди. Оқибатда 13 киши ҳалок бўлди, юздан зиёд киши тан жароҳати олди, бир неча машиналар ёниб кетди. Жабрланганларнинг деярли барчаси тинч аҳоли вакиллари эди.

Террорчилар бу билан кифояланмай, яна Тошкент шаҳрида, шу билан бирга республикамизнинг бошқа шаҳарлари, чунончи, Бухоро, Андижон ҳудудларида ҳам ана шундай ёвузликларни амалга оширдилар.

Ислом фундаментализмининг қўпоровчилик ҳаракатлари нималарга қаратилган?

Бу саволни талабалар ўртасига ташлаб, озми-кўпми уларнинг фикрини билиб олиш зарур ва шунга қараб бу масалада яна нималарга аҳамият бериш лозимлигини аниқлаб олиш ҳамда тегишли чораларни кўриш керак бўлади.

Ислом фундаментализми ақидапарастликни ёйиш билан мусулмонларнинг ислоҳотларга, келажакка, истиқболга ишончини йўқотиш, умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликка раҳна солиш, демократия ва дунёвий давлат тушунчаларини, эътиқод эркинлигига асосланган кўп конфессияли дунёвий жамиятни обрўсизлантиришни асосий мақсад қилиб олганлигини алоҳида тушунтириб бериш даркор.

Тараққиётга хавф-хатар тугдираётган ижтимоий иллатлардан яна бири — бу буюк давлатчилик шовинизмидир.

Бу ўта зарарли ва хавфли иллат хусусида сўзлашаётганда Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарига муурожаат қилиб, ундаги буюк давлатчилик шовинизми тўғрисида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ўқиб, фикр алмашиш айнаи муддао бўлади.

Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик тақдири нималарга сабаб бўлиши мумкин:

— халқаро, давлатлараро ва элатлараро қарама-қаршилиқни келтириб чиқаради;

— халқаро — ҳуқуқий ва ички давлат суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилиқ қилади;

— мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни тенг ҳуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уринади;

— мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилади;

— миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизликни келтириб чиқаради, миллатлараро муносабатларни кескинлаштиради;

— янги мустамлакачилик ва империячилик ёндашувларини зўрлаб қабул қилдиради, ҳамма соҳалардаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни секинлаштиради.

Шуни айтиш керакки, айрим давлатлар ҳали-ҳанузгача империяча фикрлашдан воз кечгани йўқ. Улар атрофдаги мамлакатлар билан ўз муносабатларини устунлик ва мумтозлик нуқтаи назардан амалга оширишга интилмоқдалар, бошқа халқларни камситиш ва чеклаш сиёсатини юргизмоқдалар.

Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик бу айрим муайян кучлар ва давлатларнинг сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ҳукмронлигидир.

Бизнинг Республикамиз ҳам дастлаб Россия империяси, сўнгра Совет империяси даврида ана шундай вазиятда бўлди, узоқ йиллар мобайнида ҳукмрон шовинистик ва агрессив миллатчилик азобуқубатларини татиб келди ва бу ҳол қандай ачинарли ҳолатларга олиб келганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шу ерда совет давридаги ҳол-аҳволимизни бирма-бир эслаб кўриш, тўғри хулоса чиқариш катта аҳамиятга эга. Чунки талабалар ўртасида ҳалигача совет даврини мақтаб юрадиганлар йўқ эмас. Улар бу масаланинг айрим моддий ва маънавий жиҳатларинигина тан олиб, ўтмишимиз (совет даври) нинг салбий томонларини аниқ-равшан кўрмаётирлар.

Бу ҳақда очиқ, ошқора суҳбат уюштириш ниҳоятда зарур. Суҳбат давомида ҳар бир талабага кенг эркинлик бериш, ҳар бирини кунт билан эшитиш ва айтилганлардан тўғри хулоса чиқариб, нималарни тушунмаётганликларини, қайси масалалардадир хато, камчиликка йўл қўяётганликларини рўй-рост айтиб ўтиш зарур.

Этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноят юзасидан ҳам ана шундай кенг мулоқот ўтказиш керак бўлади.

Бугун биз, Президентимиз айтганидек, тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган, ўта шиддатли ва мураккаб замонда яшамокдамиз. Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тоборо тез ва чуқур кириб келмоқда. Ҳозирги пайтда у ҳаётимизнинг барча соҳаларига ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсир ўтказмоқда.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув ҳам ўз ижобий ва салбий томонларига эга.

Ижобий томони шунда кўринмоқдаки, давлатлар ва халқлар ўртасида интеграция ва ҳамкорлик алоқалари кучаймоқда, капитал, товарлар, ишчи кучи эркин ҳаракат қилиши учун катта қулайликлар яратиб берилмоқда, кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, илм-фан ютуқлари тезлик билан тарқалмоқда, кадриятлар умуминсоний негизда уйғунлашмоқда. Шу билан бирга цивилизациялараро мулоқот янги-ча сифат касб этмоқда, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятлари ортмоқда ва ҳ. к.

Глобаллашув мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланди. У ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда.

Ана шундай вазиятда миллий ғоя ва мафкурага бўлган эҳтиёж ниҳоятда ошади. Бундай шароитда ҳар бир одам ўз мустақил фикрига эга бўлиши, ўз мустақкам дунёқарashi, мустақкам иродали бўлиши зарур. Акс ҳолда, турли маънавий таҳдидларга қаршилик кўрсата олмайди, уларнинг таъсирини бериб, тўғри йўлдан адашиб, берк кўчага кириб кетиши осон бўлиб қолади.

Миллий ғоя ва мафкурага эҳтиёж нима сабабдан ошиши хусусида гуруҳ талабалари билан мулоқот қилиб қўриш керак. Ким нима деб ўйлайди, ким бу масалаларга қандай кўз билан қарайди. Нима қилиш, нималарга жиддий эътибор бера бориш зарур деб ҳисоблайди.

Машғулот охирида шу ҳақда, қисқа, лўнда, ёзма иш ёздириниш, бизнингча, ёмон бўлмайди. Яхшиси, аноним ёзма бўлгани маъқул.

Кейинги машғулотда бу ишларни бир сидра таҳлил қилиб, зарур хулосалар чиқариш ва керакли тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН!

«Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва, аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда.¹

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ижтимоий тараққиётда ғоялар қандай ўрин тутади?
2. Ҳукмронлик қилишга интилаётган қандай мафкура шакллари бор?
3. Буюк давлатчилик нима? Унинг моҳияти, хавfli жиҳатлари.
4. Диний ақидапарастликнинг зарари.
5. Цивилизациялар тарихида қандай ёвуз ғоя ва тажовузкор мафкура-лар бўлган?
6. Қандай бунёдкорлик ғояларини биласиз?

¹ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008, 117-бет.

МАВЗУ БЎЙИЧА ҚИСҚА ТЕСТ

1. Қадимда Турон заминида қайси дин расмий мафкура ҳисобланган?

- A) Насронийлик
- B) Зардуштийлик
- C) Монувий
- D) Будда

2. Ўрта асрларга келиб қандай ғоялар кучайди?

- A) Антогонизмга асосланган ғоялар, атеизм
- B) Вайронкор ғоялар
- C) Диний ғоялар
- D) Фалсафий ғоялар

3. XVII асрда қандай таълимот кенг ёйилди?

- A) Атеизм
- B) Ирқчилик
- C) Большевизм
- D) Фашизм

4. Тараққиётга хавф туғдираётган иллатлар.

- A) Буюк давлатчилик шовинизми, миллатчилик
- B) Ирқчилик
- C) Ақидапарастлик
- D) Ҳаммаси

5. Қандай даъват ҳамиша янграб турибди?

- A) Огоҳ бўлинг, одамлар
- B) Ҳамкорлик қилинг
- C) Алоқаларни мустаҳкамланг
- D) Чегараларингизни яхшироқ кўриқланг

6. Глобаллашув нима?

- A) Интеграция
- B) Ҳаёт суръатларининг беқиёс тезлашуви
- C) Кенг ҳамкорлик
- D) Ўзаро кўп томонлама алоқалар

7. Глобаллашувнинг ижобий томонлари.

- A) Давлатлар бир-бири билан яхши муносабагда бўлмоқда
- B) Миллатларнинг халқаро бирдамлиги мустаҳкамланмоқда
- C) Интеграция ва ҳамкорлик алоқалари кучаймоқда
- D) Тадбиркорлик жонланмоқда

8. Глобаллашувнинг салбий томонлари.

- A) Маънавий таҳдидлар кучаймоқда
- B) Тараққиёт маҳсулидан ёвузлик йўлида фойдаланишга интилмоқдалар
- C) Ҳар хил ёмон ниятли сиёсий кучлар, марказлар фаолияти жонланмоқда
- D) Глобаллашув мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланмоқда

9. Ақидапарастлар нима қилишмоқчи?

- A) Исломиий жамият қуришмоқчи
- B) Ўзларича динни «тозалашмоқчи»
- C) Кўп миллатли, динли жамиятни обрўсизлантирмоқчи
- D) Халифаликка қайтаришмоқчи

10. Глобаллашув шароитида миллий ғояга эҳтиёж ортадимми, камаядими?

- A) Аҳамияти йўқ
- B) Камаяди
- C) Ортади
- D) Аниқ маълум эмас

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН МАВЗУЛАР

- 1. Марказий Осиёдаги ғоявий жараёнлар.
- 2. Мафкуравий таҳдидлар.
- 3. Мафкуралар тарихи.
- 4. Ақидапарастлик таҳдиди.
- 5. Ваҳобийлик.
- 6. Мустабидчилик мафкураси.

АДАБИЁТЛАР

- 1. *Ислом Каримов.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил.
- 2. *Ислом Каримов.* Маънавий юксалиш йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1998 йил.
- 3. *Ислом Каримов.* Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. — Т.: «Ўзбекистон», 1998 йил.
- 4. *Ислом Каримов.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. VI жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1998 йил.
- 5. Қалтис саволларга ҳолис жавоблар: (Дин ва дунёвий муаммоларга доир). — Т.: «Тафаккур» журнали, 3-сон.
- 6. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунчалар ва тамойиллар. (Маъруза матнлари учун материаллар). — Т.: УФМЖ, 2001 йил.

3-МАШҒУЛОТ. МАФКУРАВЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ — ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Инсон бутун умри давомида ранг-баранг гоёлар, орзу-умидлар, интилишлар, манфаатлар оғушида яшайди. Унинг фикри-ёдида доимо аллақандайдир эзгулик, яхши ният, ширин орзулар бўлади. Болалик чоғларида бўладими, ёки ўспиринлик йилларидами, — ҳаммаша нималарнидир ўйлайди, нималарнидир истайди, нималаргадир интилади, ҳавас қилади, етишмоқни хоҳлайди.

Ҳар бир одам табиатан ўйчан, интилувчан, таъсирчан яралган. У бир зум ҳам ўйламай, фикрламай тура олмайди. Шу ўй, шу фикр уни қаерларгадир етаклайди, нималаргадир ундайди.

Бу — ҳаёт тақозоси. Баландпарвоз ибора билан айтганда, ҳаёт фалсафаси.

Одамлар ўзларини куну тун чулғаб олган хилма-хил фикрларга бўлган муносабатлари билан бир-бирларидан кескин ажралиб турадилар.

Одамлар борки, миясига келган ҳар қандай фикрга жиддий эътибор беравермайди, балки қор-холига қўймаётган фикрлардан қайсидир ўзига маъқули, фойдалисини чертиб-чертиб танлаб олади-да, шу ягона, ўз нияти, мақсадига мос фикр билан иш тутади. Фикр эгаси, соҳиби сифатида ҳаракат қилади.

Одамлар борки, хаёлига келган ҳар қандай фикрга аҳамият бериб, шу фикр орқасидан эргашади. Бу эзгулик унинг учун фойдалими, йўқми, бу билан иши йўқ. Фикр ёқдими, бас. Чиройли фикрнинг қули бўлиб, ўзини ҳар ёққа уриб, туртилиб, сурилиб яшайди. Пешонаси тақ этиб урилганидан кейингина, кўзи очилиб, эҳ аттанг деб афсусланади.

Одамлар борки, бир фикрни маҳкам ушлаб олиб, ундан ҳар қандай шароитда ҳам воз кечмайдилар, ҳеч кимга қулоқ солмайдилар, ҳеч кимнинг «оқилона» маслаҳатига кўнмай, билганларини қилаверадилар.

Ҳар ким ҳар қайси фикрни ўз ақл тарозиси билан ўлчайди, ўзича талқин этади. Етти ўлчаб, бир кесишга одатланган одам, адашмайди, қоқилмайди.

Машғулотда ўтирганлардан ким нима дейди? Ўзини юқорида айтиб ўтилган қайси тоифага мансуб деб ҳисоблайди. Нима учун шундай ўйлайди. Ундан қисқа исботлаб беришни сўраш зарур.

Албатта, бу ҳолларда анча хилма-хил фикрларни, изоҳларни эшитишга тўғри келади.

Машғулот ўтказаетган ўқитувчи уларни ўз ақл-тафаккур тегирмонидан ўтказиб, муайян зарур хулосалар чиқариши ва бу ҳақда гуруҳ талабалари билан рўй-рост ўртоқлашиши лозим. Ким ҳақ, ким ноҳақ, ким тўғри ўйлаяпти-ю, ким янглишяпти.

Шубҳасиз, ниҳоятда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, ўта шиддатли ва ўта мураккаб ҳозирги замонда бизга ҳар бир ишни бошлашдан олдин обдон мулоҳаза юритиб, орқа-олдини ўйлаб, олисни кўзлаб иш қиладиган одамлар керак. Юзаки фикрлайдиган, сабртоқатсиз, бевурд, бетайин, лоқайд кишилар панд бериб қўяди, ишни чигаллаштиради, ногўғри иш тугади, берк йўлакка кириб қолади.

Президентимиз айтганидек, «...Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва хушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда»¹.

Хўш бунинг учун нима керак? Мафкуравий иммунитет!

Талабалар билан шу ҳақда фикрлашиб кўриш керак. Иммунитет нима деган саволга жавоб бериб кўришсин. Тиббиёт соҳасида ишлатиладиган иммунитет атамаси нимани англатади-ю, мафкура соҳасида қандай мазмунни билдиради.

Тиббиёт атамаси сифатида иммунитет — бу киши организмнинг ҳар қандай касалликка қаршилиқ кўрсата олиш қобилияти.

МАЪНАВИЯТ СОҲАСИДА-ЧИ?

Мафкуравий иммунитет — бу, содда қилиб айтганда, инсоннинг ўз истак-орзу, мақсад-интилишларига мутлақо зид, ёт, зарарли, бегона мафкуравий таҳдидларга қаршилиқ кўрсата олиш салоҳияти.

Мафкуравий иммунитет нималардан шаклланади?

Энг аввало, биринчи гада, билим ва яна билимдан. Шунчаки оддий, одатдагидек билимдан эмас, балки объектив, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттирадиган, инсон маънавиятининг бойишига, жамият тараққиётига хизмат қиладиган билимлардан.

Иккинчидан, ана шундай билимлар замирида шаклланадиган кадриятлар тизимидан.

Учинчидан, ҳар бир киши, халқ, жамият, давлатнинг аниқ мақсади бўлишидан.

¹ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008, 18—19-бетлар.

Ана шундай унсулар замирида пишиб етилган мафкуравий имунитет ниҳоятда пишиқ, мустаҳкам, чидамли, барқарор бўлади. Ҳеч қандай мафкуравий тазйиқ, таҳдидлар унга писанд бўлмайди.

Бундай мафкуравий иммунитет ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Уни юзага келтириш, шакллантириш зарур. Бунинг учун бир эмас, бир неча йиллар керак. Токи бу мафкуравий иммунитет нафақат одамлар, хусусан ёш авлод онгидан, балки қалбининг энг чуқур жойидан ўрин олсин, онги ва қалбига бутунлай сингиб кетсин.

Савол туғилиши мумкин: мафкуравий иммунитет ҳақида не сабабдан шунчалик кўп гапириляпти? Нима сабабдан унга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда?

Қани, қайси талаба бу саволга қандай жавоб беради. У ҳозирги замонда дунёда, ён-атрофимизда гоҳи ошқора, гоҳи пинҳона содир этилаётган воқеаларга қандай муносабатда бўлмоқда? Мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий, маънавий-руҳий масалаларга қандай кўз билан қарамоқда, ёки фақат камчилик, нуқсонларгагина аҳамият бериб, бошқа жиҳатларни инкор этмоқдами?!

Ҳозирги вақт турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган пайт.

Бундай шароитда ички ва ташқи маънавий, мафкуравий таҳдидлар кучайиши табиий.

Ҳозирги кунда ким кўп? — Ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишни истаётганлар кўп. Улар ошқора тарзда эмас, балки зимдан, турли ниқоблар, жозибали, жарангдор шиор ва ғоялар ортидан пинҳона иш кўрадилар. Уларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий имкониятлар бор.

Юртбошимиз огоҳлантираётганидек, ана шундай кучларнинг саъйи-ҳаракатлари билан дунёнинг турли ерларида катта маънавий йўқотишлар юз бермоқда, миллатнинг аслий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқмоқда, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолмоқда. Баъзи ҳолларда одам ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонмоқда, ватанпарварликдан, олижаноб ҳис-туйғуларидан маҳрум, лоқайд шахсга айланмоқда.

Маънавий таҳдид деганда нимани тушунмоқ керак?

Бу саволга Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли китобида аниқ жавоб бериб ўтди:

«Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқа-

риш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информация хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман»¹.

Бугунги кунда мамлакатимизга қарши қаратилган мафкуравий таҳдидлар нималардан иборат?

Биринчи галда, ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларни янги империяга бирлаштириш йўлидаги саъйи-ҳаракатлар.

Иккинчидан, мустақилликни қўлга киритиб, уни мустаҳкамлаш ва ривожланиш йўлига ўтиб олган давлатларни яна қайтадан собиқ иттифоққа бирлаштириш ниятида юрган кучлар.

Учинчидан, тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринаётганлар.

Тўртинчидан, ахлоқсизликни ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга қаратилган интилишлар.

Бешинчидан, турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можаролар келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар.

Бу таҳдидлар орасида айниқса ислом халифалигини тиклашга уринишлар хавfli кўриниш олмоқда.

Бу ерда «хизбуг-таҳрир», «ваҳҳобийлик», «акромийлик», «адолат уюшмаси», «ислом лашкарлари», «товба» деб номланган ҳаракатлар ҳақида тўхталиб ўтилади.

Бу ҳаракатлардан энг ақидапараст оқим ҳисобланган ваҳҳобийлик ғояларини эслаб кўрайлик.

Ваҳҳобийлик диний ниқобдаги зарарли оқим бўлиб, унга XVIII асрнинг 40-йилларида Арабистон ярим оролида Муҳаммад ибн Абдул-Ваҳҳоб (1703—1792 йилларда яшаган) асос солган.

Бу оқим исломни пайғамбар давридаги «асл ҳолатига қайтариш», яъни уни тозалаш, барча мусулмонларни исломнинг яшил байроғи остида бирлаштириш ғоясини олға суради. Улар дунёвий маданият-ни инкор этадилар, мусиқа, театр, тасвирий санъат билан шуғулланишни, ундан завқ-шавқ олишни қоралаб, бу ишларни куфр ва гуноҳи азим деб ҳисоблайдилар.

Улар араб мамлакатларида бўлган айрим сайёҳларимизни, хизмат сафарида юрган, ўқишда бўлган кишиларимизни ўз таъсирига туширишга ҳаракат қилдилар. Аввалига айрим жойлардаги масжидларнинг имом-хатиблигини, кейинчалик мамлакатимиздаги диний

¹ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008, 13—14-бетлар.

идораларнинг нуфузли лавозимларини эгаллашга интилдилар, ислом сиёсий партиясини тузишга ҳаракат қилдилар. Аста-секин Ўзбекистонни ислом республикаси деб эълон қилмоқчи, минтақамизда халифаликни тиклаш режасини амалга оширмоқчи бўлдилар. Қонли жиноятлар, тартибсизликлар содир этдилар.

«Хизбут-таҳрир» ҳам муайян кишилар онги, дунёқарашига таъсир ўтказишга ҳаракат қилди.

Бу оқимга 1950—1953 йилларда Ливанда Такийюдзин Набихоний асос солган. Эндиликда унга Абдулқадим Заллум деган киши бошчилик қилмоқда. Бу партия 30 дан зиёд ислом мамлакатларида но-расмий фаолият юргизиб келмоқда. Унинг асосий мақсади халифаликни тиклаш, бугунги дунёвий давлатчилик асосларига барҳам бериш, умум эътироф этаётган демократик тамойилларни тан олмаслик, қонунлар ўрнига шариат тартиб қоидалари, ақидаларини жорий этиш, сайлов тизимини инкор қилишдан иборат.

40-йилларнинг бошларида бу ҳаракат ҳам Ўзбекистонда ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланмаган содда ёшларга ислом дини, унинг ибодат амаллари, Қуръони каримни ўргатиш, турли диний манбалардан сабоқ бериш баҳонасида ўз таъсирини ўтказишга интилди. Улар кўпроқ диний таълим олган ёшларни ўзларига оғдирмоқчи бўлдилар.

Улар ўз ниятларини амалга оширишда «диндошлик», «миллатдошлик» ғояларидан фойдаланишга уриндилар. Йўлдан озганларга моддий ёрдам кўрсатдилар. Исломий адабиётлар тарқатдилар. Мас-жидлар куриб бердилар.

«Ақромийлик» ҳаракати ҳам барча мусулмон давлатларида халифаликни тиклаш ғоясини олға сурмоқда.

Ташқи мафкуравий таҳдидлардан ташқари ички мафкуравий, маънавий таҳдидлар ҳам мавжудлигини тан олмай иложимиз йўқ.

Гап мамлакатимизнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида бораётир.

Президентимиз бу иллатлардан худбинлик, лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатларни кўрсатиб ўтди.

Айниқса ҳасад илллати ҳақида алоҳида гапирди ва ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришни мас-лаҳат берди.

Муборак ҳадисларда «Бировга ҳасад қилишдан сақланинг, чунки олов ўтинни қандай куйдириб тугатса, ҳасад ҳам қилган савоб ишларимизни худди шундай куйдириб тугатади» деб айтилгани бежиз эмас.

Ҳасад, бахиллик, кўролмаслик салбий хусусиятларнинг энг ху-
нуги.

Маънавий ҳаётимизга жиддий хавф соладиган яна бир иллат —
бу сотқинликдир. Ҳар қандай ёвузлик ана шу иллатдан сув ичади.
Эзгулик ва ҳақиқатга садоқати бўлмаган, уларга ишонмаган одам
кўрқинчлидир.

Яна бир одамдан кўрқиш керак. Бу — ҳамма нарсага бетараф,
бепарво қарайдиган одам. Бундай одамларда имон ҳам, ирода ҳам
бўлмайди, улардан яхшилик кутиш бемаънилик. Улар учун ўз оила-
си, ўз халқи, Ватани тақдири ҳам барибир. Афсуски, бундай одамни
бирданига билиб бўлмайди.

«Биров билан нима ишим бор, ўзим, оилам тинч бўлса, бўлди-
да,» «эртага нима бўлса бўлар, бугунга шукур қилиб яшайвер» қаби-
лида турмуш кечирадиган одамлардан жирканиш керак. Уларда ин-
соний қадр-қиммат, садоқат, меҳр-шафқат бўлмайди.

Яна ғийбат кегидан қувадиган, ғийбатчи, ифвогар одамлардан
ёмони йўқ.

Тасаввуф илмининг буюк бобокалонларидан бири Имом ал-Бу-
хорийнинг «Ал-адаб ал-Муфрад» («Адаб дурдоналари») асарида кел-
тирилган ривоятлардан бирида шундай дейилган:

«... Қайси бир мўминнинг олдида ғийбат қилинганда у ўша ғий-
батни тўхтатса, Аллоҳ таоло уни бу дунё ва охиратда мукофотлайди.
Қайси бир мўмин олдида бўлаётган ғийбатни тўхтатмаса, Аллоҳ та-
оло уни дунё ва охиратда жазоласин! Киши бир мўминни ғийбат
қилиши билан ҳаром луқмани оғзига олган бўлади, ўша гапирётган
одамдаги бор нарсани айтса, ғийбат қилган бўлади. Агар йўқ нарса-
ни айтса, унга тухмат қилган бўлади»¹.

Имони бут, виждони пок, ўз оиласига, юрти, халқига садоқатли,
эрксевар, халқпарвар, самимий, меҳрибон, шафқатли, меҳнаткаш,
билимдон, маърифатли инсонда бундай салбий иллатлар бўлмайди.

Ҳақиқий инсонга хос олижаноб фазилатлардан бебаҳра, имони
йўқ, виждони нопок, бепарво, беғам, лоқайд, билимсиз, маърифат-
сиз кишиларгина ҳар қандай ёт бегона, зарарли мафкуравий таъсир-
ларга мойил бўлади. Уларда мафкуравий иммунитет нима қилсин!
Улар бирон бир эзгулик билан, ғоя билан яшамайдилар. Уларнинг
онги, тафаккури, қалбида ғоявий бўшлиқдан бошқа ҳеч нарса кўрин-
майди.

¹ Имом ал-Бухорий, «Ал-Адаб ал-Муфрад» («Адаб дурдонлари»). — Т.: «Мова-
роуннаҳр», 2006, 264-бет.

ИММУНИТЕТНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР!

«Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало, уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Юқорида мен тилга олиб ўтган ва шунга ўхшаш зарарли таъсирлар давом этаверса, миллат ўзлигини йўқотиши, минг йиллик анъаналарини бой бериб, оломонга айланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Табиий савол туғилади: бундай мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак?

Бунинг йўли — одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг имон-этиқодини мустақкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб, гурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир.

Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-бобларимизнинг муқаддас динига соғлом муносабатини қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур.

Токи улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона гоълар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказма олмайди»¹.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Мафкуравий иммунитет нима?
2. У нималардан шаклланади?
3. Ташқи мафкуравий таҳдидлар ҳақида нималарни биласиз?
4. Ички мафкуравий таҳдидлар нималардан иборат?
5. Президент И. Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» аса-рида бу ҳақда нималар дейилган?
6. Ҳар қайси инсон қайси салбий иллатлардан сақланиши лозим?

¹ *Ислом Каримов*. Миллий истиқлол ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблар. — Т.: «Ўзбекистон», 2000, 11—12-бетлар.

МАВЗУ БЎЙИЧА ҚИСҚА ТЕСТ

1. Иммуниетет нима?

- A) Касалликнинг олдини олиш
- B) Қаршилиқ кўрсатиш қобилияти
- C) Ёрдам
- D) Эҳтиёж

2. «Иммуниетет» сўзининг маъноси?

- A) Озод бўлиш, қутулиш
- B) Таъсирдан ҳимоя қилиш
- C) Ҳимоя воситаси
- D) Реакциялар мажмуи

3. Мафкуравий иммуниететнинг биринчи унсури?

- A) Онг
- B) Тафаккур
- C) Билим
- D) Тушунча

4. Мафкуравий иммуниететнинг иккинчи асосий қисми?

- A) Адолат
- B) Қадриятлар тизими
- C) Қадр-қиммат
- D) Ҳаммаси

5. Мафкуравий иммуниететнинг учинчи муҳим унсури?

- A) Аниқ мақсад
- B) Аниқ режа, мўлжал
- C) Аниқ далил
- D) А, В

6. Ғоя том маънода ғоя бўлиши учун нима қилиш керак?

- A) Кишилар қалбидан жой олиш
- B) Онгини эгаллаш
- C) Билимини ошириш
- D) Адолатли бўлиш

7. Ғоя қачон рағбатлантирувчи кучга айланади?

- A) Инсон уни яхши тушунганида
- B) Қалбини эгаллаганда
- C) Онгига таъсир қилганда
- D) А, С

8. Мафкуравий курашнинг бош мақсади?

- A) Нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш
- B) Ғоя таъсирини кучайтириш
- C) Онгини ошириш
- D) Тарғибот-ташвиқот

9. «Полигон» нинг маъноси нима?

- A) Серқирра
- B) Майдон
- C) Макон
- D) Жой

10. Ғайриисломий ғояларнинг мақсади

- A) Ёшларни чалғитиш
- B) Онгини заҳарлаш
- C) Тараққиёт йўлидан четлатиш
- D) А, В

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН МАВЗУЛАР

- 1. Мафкуравий бўшлиқ.
- 2. Мафкура унсурлари.
- 3. Иммунитетни кучайтириш — тараққиёт гарови.
- 4. Марказий Осиёдаги мафкуравий жараёнлар.
- 5. Ғайриисломий ғоялар.
- 6. Президент Ислоҳ Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарининг аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР

- 1. *Ислоҳ Каримов*. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари — Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил.
- 2. *Ислоҳ Каримов*. Хушёрликка даъват. — Т.: «Ўзбекистон», 1999 йил.
- 3. *Ислоҳ Каримов*. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. — Т.: «Ўзбекистон», 2000 йил.
- 4. *Ислоҳ Каримов*. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1999 йил.
- 5. *И. Эргашев ва бошқалар*. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар. — Т.: «Ижод дунёси» нашриёти, 2002 йил.
- 6. *Нарзулла Жўраев*. Мафкуравий иммунитет. (Маъруза матни). — Т.: «Маънавият», 2000 йил.

4-МАШҒУЛОТ. ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲҚАМЛАШДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

Миллий ғоя миллий мафкура ҳаммага керак. Керак — бу шунчаки гап эмас. Зарур деса тўғрироқ бўлади.

Инсон борки, халқ борки, миллий ғоя, миллий мафкурага албатта эҳтиёж бўлади. Акс ҳолда, одамларни, халқ, миллатни бирлаштирувчи, сафарбар этувчи, етакловчи кучни қаердан олади.

Мафкура — бу, Президентимиз Ислон Каримов таъбири билан айтганда, ҳар қандай жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муаммоларига эришиш учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор.

Шундай экан, ҳар қандай жамият, ҳар қандай давлат тараққиёт, ривожланиш йўлидан бормоқчи бўлса, ўз мустақил миллий ғоялар тизимига, ўз миллий мафкурасига эга бўлиши зарур.

Аллақандайдир миллий ғоя, миллий мафкурага эмас, балки халқимизнинг ҳаёт мазмунини, орзу-истак, интилишларини, мурод-мақсадини ифодалайдиган, тараққиёт йўлини, эртанги кунини белгилаб олиш имконини берадиган миллий ғоя, миллий мафкурани ишлаб чиққан бўлиши лозим.

Собиқ Иттифоқ парчалиниб, Ўзбекистон мустақил, суверен давлат бўлиб олганидан кейин, узоқ йиллар давомида кишиларимиз онгини, қалбини эгаллаб келган, миллий табиатимиз, минг йиллик анъаналаримизга, урф-одатларимизга зид бўлган сохта коммунистик ғоялардан воз кечдик. Мафкура ўрни бўшади. Орада бўшлиқ (вакуум) пайдо бўлди: эски ғоя, мафкуранинг куни битди, аммо ҳали янги миллий ғоя, миллий мафкура шакллангани йўқ.

Бундай ҳолатда агарда мафкуравий бўшлиқ зудлик билан янги, ўзимизга хос, ўзимизга мос эзгу ғоя, миллий мафкура билан тўлдирилмаса, мамлакатимизда, ҳаётимизда ҳар хил салбий ҳолатлар, ножўя хатти-ҳаракатлар, ёвуз ишларга йўл очиб берилади. Фаразли кучлар миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган, энг хавфлиси, эртага ўрнимизни эгаллаши лозим бўлган ёш авлоднинг онги ва қалбини заҳарлайдиган бузғунчи мафкурани олиб келади.

Бинобарин, умуммиллий ғоя ниҳоягда зарур. У қуйидаги мақсадларни адо этмоғи лозим:

- одамларни ана шу умуммиллий ғояга ишонтириш;
- шу ғоя атрофида уюштириш;
- кишиларни ғояни амалга ошириш учун сафарбар этиш;

- барчани маънавий-руҳий жиҳатдан рағбатлантириш;
- ғоявий иммунитетни шакллантириш;
- одамларни, хусусан ёш авлодни ғоявий тарбиялаш;
- халққа, элга, жамият, давлатга ҳаракат дастури сифатида хизмат қилиш.

Машғулотда ана шу мақсадларнинг ҳар бири хусусида тўхталиб ўтиш зарур.

Умуммиллий ғоядан кўзланган мақсадларнинг ҳар қайсиси тўғрисида талабалар билан фикр алмашиш лозим.

Авалло, одамларни биз танлаган, бизга мақбул бўлган. Бизнинг қадриятларимиз, анъаналаримиз, орзу-истак, интилиш-манфаатларимизга айнан мос бўлган умуммиллий ғоя, мафкурага ишонтириш деганда нимани тушунмоқ кераклигини талабалар билан ҳамкорликда аниқлаб олмақ даркор.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиб, уни мустаҳкамлаш ва ривожланиш йўлидан дадил ҳаракат бошлаган йилларда нафақат иқтисодиёт, сиёсат ва бошқа соҳаларда, шу билан бирга энг қувончлиси, жамиятимиз аъзолари онгида, дунёқараши, фикрлаш тарзида ҳам кескин ўзгаришлар рўй берди. Кишиларимиз фикрлаб яшайдиган, фикрлаб иш қиладиган бўлиб қолдилар. Ўз эзгу мақсадлари, ҳаётий манфаатлари йўлида пухта ўйлаб, етти ўлчаб, мустаҳкам замин ҳозирлаб, ташаббус кўрсатиб ёндашишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар қандай асосий мақсад, эзгу ният сари интилаётганимизни тўғри англаб, онги ва қалбидан ўтказиб иш олиб бораётганлари ҳаммага аниқ-равшан бўлиб қолди.

Халқ ўз ҳукумати, давлати, донишманд раҳбарларига ишонади. Ўзи сайлаган ноибларига ишонади. Улар танлаган йўл, дастурларига ишонади.

Миллий истиқлол ғояси уларнинг бу ишончини янада мустаҳкамлаб, кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

Кишилар мустақиллик ғоясининг бош мақсади — озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги бунёдкорлик ишларини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Албатта жамиятда бирон бир ғоянинг тўғри ва ҳаётий эканлигига кишиларни ишонтира билиш керак. Сен тарғиб-ташвиқ қиладиган ғоя кишиларнинг онгидан жой оладиган, қалбининг тўрида жойлашиб қоладиган бўлсин, уларнинг қизиқиши, ташаббусини кўзгатадиган, эзгу ишларга илҳомлантирадиган бўлсин.

Бунинг учун ғоя ҳам, уни кенг халқ оммаси онги ва қалбига сингдирмоқчи бўлаётган кишилар ҳам маънавий жиҳатдан юксак дара-

жада бўлмоғи лозим. Улардан зўр фидойилик, билим, тажриба, ма- лака, нутқ маҳорати, катта қобилият талаб этилади.

Миллий ғоянинг асосий мақсадларидан яна бири — кишиларни ғоя асосида уюштиришдан иборат. Кишилар миллий истиқлол ғояси атрофида жипслашмаса, уюшмаса, бирлашмаса, ғоя ғоялигича қола- веради. Демак, бу ғоя одамлар онги ва қалбидан чуқур жой олол- маган. Ғоя кучли, таъсирчан, илҳомбахш бўлса, кишилар унга бе- фарқ қарамайдилар. Аксинча, дарҳол унга эргашадилар, унинг таъ- сирида катта ишларга қўл урадилар, ғояни амалга ошириш учун курашадилар.

Миллий истиқлол ғоясининг куч-қудрати ҳам шундаки, у халқ- ни, миллатни ўз ортидан эргаштира олади, эзгу марралар сари ун- дайди, етаклайди, сафарбар этади.

Ҳаётда бундай сафарбарликдан кўп мисоллар келтириш мумкин. Умумхалқ сайловлари, ялпи хашар ва бошқа ҳолларда ғоянинг одам- ларни жипслаштириш, бирлаштириш, сафарбар этиш кучи яққол намоён бўлади. Талабалардан сўраб кўриш керак: ким қайси сафар- барликларда фаол қатнашган. Қандай куч уларни шундай ишларга ундаган, ким ғоянинг сафарбарлик кучини ўзида синаб кўрган?

Ғоянинг етакловчи, аллақандайдир эзгуликларга ундовчи кучи инсонга қандай таъсир қилади, қандай маънавий-руҳий ҳис-туйғу- ларини кўзгатади?

Ғоя инсоннинг ички ҳис-туйғуларига таъсир этади, уларни жун- бушга келтиради. Маънавий куч бағишлайди, тўлқинлантиради. Инсон қилаётган ишига умид, ишонч билан қарайди. Самараси, фойдалигига ишонади.

Миллий истиқлол ғоясидан кўзланган мақсад ҳам кишиларни маънавий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Одамлар ҳамиша яхши, бахтли кунларга ишонч билан яшайди- лар. Орзу-умидлари ушалиб турса, улар ўзларини ниҳоятда бахтиёр ҳис қиладилар, ҳукумати, давлатига, Аллоҳ таоллога минг бор шук- роналар айтиб, қўлларини дуога узатадилар. Улар «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» ғоясига ишонадилар, умид билан, орзиқиб яшайдилар. Болаларининг, фарзандларининг келажагини, истиқбо- лини, бахтиёрлигини кўриб ҳаёт кечирадилар.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз барқарор, булут- сиз бўлса, бас. Шу йўлда ҳар қандай қийинчиликларга, ҳар қандай, синовларга тайёрдирлар.

Миллий ғоя бу борада уларга мадакдор, кўмакдош. Уларнинг ру- ҳан кучли, маънан бақувват бўлишларига ёрдам беради. Порлоқ ке-

лажакка умид бағишлайди, порлоқ келажак муқаррар эканлигига ишонтиради.

Аммо ҳар қандай миллий ғоя у нечоғлик катта куч-қудратга эга бўлмасин, агарда кенг халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланмаса, унинг сафарбарлик, етакловчи, илҳомбахш кучи пучга чиқади.

Кенг халқ оммаси, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод ғоянинг мақсад-вазифаларини яхши, тўғри тушуна оладиган, ғоя нимага етаклаётгани, ундаётганининг фарқига ета оладиган, бир сўз билан айтганда, зарур ғоявий тарбия олган бўлиши керак.

Ғоявий тарбия қандай бўлиши лозим?

Кимнинг фикри қандай экан? Ким ўзини ғоявий тарбия ололган инсон деб ҳисоблайди?

Кўп асрлик турмуш тарзимизга, яхши, олижаноб урф-одатларимиз, анъаналаримизга зид ахлоқий четланишлардан ҳолими?

Радио орқали эшиттирилаётган, телевидение орқали кўрсатилаётган, газета, журнал саҳифаларида ёритилаётган беҳаёларча, беандиша, ёвуз саъйи-ҳаракатлар, фикр-мулоҳазалар уларда қандай муносабат уйғотмоқда.

Иложи бўлса, яқин вақтлар ичида оммавий ахборот воситаларидан қайси биридадир эшиттирилган, кўрсатилган, ёритилган бирон ана шундай воқеани биргаликда таҳлил қилиб, тегишли хулоса чиқаришга ҳаракат қилинса, яхши бўларди.

Ғоявий тарбия кейинги кунларда жуда катта амалий аҳамият касб этмоқда. Чунки ғоявий тарбиядан узоқда қолган инсонда ғоявий иммунитетни шакллантириб бўлмайди. Ғоявий иммунитетга эга бўлмаган инсонни тўғри йўлдан адаштириш, чалғитиш жуда осон. Ёт, бегона, зарарли маънавий хуружлар, таҳдидлар ундай одамларга тез таъсир этади. Ўзи билмаган, ўзи тушунмаган ҳолда ножўя ишларга қўл уради, адашади, боши берк кўчага кириб қолади. Бундай одамнинг бирон жиноят қилиши ҳам жуда осон.

Модомики шундай экан, одамларимиз қинғир ишларга қўл урмаслиги учун уларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашга, уларда ғоявий иммунитетни шакллантиришга жиддий эътибор беришимиз зарур.

Ғоявий иммунитетни бор одам, ножўя ҳаракатлар қилмайди, оқ-қорани яхши танийдиган, тушунадиган, нима яхши-ю, нима ёмон, нима фойдали-ю, нима зарарли эканлигининг фарқига бора оладиган, демак ёт таъсирларга берилмайдиган, иродаси, имони бақувват бўлади.

Миллий истиқлолимиз, юқорида айтиб ўтилганидек, муайян ғоялар тизимидан ташкил топган. Унинг асосий ғоялари қайси бош ғоядан келиб чиққан?

Бу саволни ўртага ташлаб, талабаларнинг маърузалардан ўзлаштирган билимини бир текшириб кўриш керак.

Аввало бош ғоя нимадан иборат?

Шуни аниқлаб олиш лозим. Қани, талабалар бу саволга қанчалик тўғри жавоб беришади?

Бош ғояни аниқлагандан сўнг, миллий истиқлолимизнинг қолган асосий ғоялари ҳақида бирма-бир тўхталиб ўтиш даркор.

Хулоса қилиб айтганда, миллий истиқлолнинг бош ғояси — мустақилликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш.

Ана шу бош ғоядан келиб чиқадиган асосий ғоялар:

- Ватан равнақи;
- юрт тинчлиги;
- халқ фаровонлиги;
- комил инсон;
- ижтимоий ҳамкорлик;
- миллатлараро тотувлик;
- диний бағрикенглик.

Айни ана шу ғоялар миллий истиқлол мафқурасини белгиловчи энг асосий, муҳим ғоялардир.

Бу ғоялар бир-бири билан узвий, чамбарчас боғланган ғоялар ва бир-биридан келиб чиқадиган, бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини бойитадиган, чуқур маъно-мазмун бахш этадиган ва барчаси бир бўлиб, миллий мафқурамизни ифода этадиган ғоялар.

Истиқлол мафқураси ўзига хос миллий хусусиятларга эга:

- унинг учун халқимиз ҳаётида жамоа бўлиб яшаш руҳи устувор;
- ота-она, маҳалла, жамоа, раҳбарларга юксак иззат-икром, ҳурмат, эътибор;
- каттага — ҳурмат, кичикка — иззат;
- қадр-қиммат;
- меҳнатсеварлик;
- оила, маҳалла, эл-юрт барча учун муқаддас;
- она тилига чексиз садоқат;
- аёл зотига чексиз садоқат;
- ҳалоллик ва меҳр-оқибат.

Миллий истиқлол ғоялари мамлакатимиз, халқимизнинг умумий манфаатларини ифодалайди.

Мамлакатимизнинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадлари даҳлсиз. Мамлакатда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик муҳити таъминланган.

Юртнинг тинчлиги, давлатимиз иқтисодий, сиёсий, ғоявий, экологик, инфор­мацион таҳдидлардан мустаҳкам муҳофазада.

Ҳар бир оила ва бутун халқ фаровонлиги учун астойдил кураш давом этмоқда.

Жамиятимизда қонун устуворлиги, адолат, демократия, эмин-эркинлик, ўз-ўзини бошқариш тамойиллари қатъий амал қилмоқда.

ТАЯНЧ ВА СУЯНЧИМИЗ

«Инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини қуришга азму қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига қўшимча куч-қувват ва мақсад топишда умумий, ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб билади.

Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаётий талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз.

Истиқлолимизни қўлга киритган илк кунлардан бошлаб, биз миллий ғоямизнинг энг асосий тушунча ва тамойилларини белгилаб олиш ва ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик, шу мақсад ижтимоий фанлар соҳасидаги етакчи олимлар, сиёсатшунос ва иқтисодчилар, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз эътиборини ана шу муҳим масалага қаратдик. Халқимизнинг асрий орзуси, кўзланган юксак мақсадларимизга етишнинг асосий омили — авваламбор мустақилликни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканидан келиб чиққан ҳолда, миллий ғоямизнинг маъно-мазмунини ҳам ана шундай мезонлар негизида белгилашни вазифа қилиб қўйдик ва бу борада бир қанча эътиборга лойиқ ишларни амалга оширдик»¹.

¹ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008, 71—72-бетлар.

HAZOPAT UCHUN SAVOLLAR

1. Milliy goя nima uchun zarur?
2. Uning ahamiyati.
3. Milliy goядan qanday maqsadlar kuzlanmoqda?
4. Milliy istiqbolimizning asosiy goяlari.
5. Boш goя.
6. Milliy istiqbol goяlarining xususiyatlari.

MAVZU BUIYIЧА QISQA TEST

1. Goyviy buшлиқ nima?

- A) Oлдинги goя urнига хали янги goя шакланмаган ҳолат
- B) Goyсиз ҳолат
- C) Янги goя шакланмаган вақт
- D) Эски goядан воз кечиш

2. Ўзбекистонда бундай бушлиқ қачон юз берди?

- A) 1989 йил охирида
- B) 1990 йил бошида
- C) Мустақилликдан олдин
- D) Мустақилликдан кейин

3. Goyviy бушлиқ вақтида қайси goялар таъсир ўтказа бошлади?

- A) Ваҳҳобийлик
- B) Хизбут-таҳрир
- C) Акромийлик
- D) A ва B

4. Яна қайси кучлар ва ҳаракатлар таҳдид сола бошлади?

- A) «Адолат»
- B) «Ислол лашкарлари»
- C) «Тавба»
- D) Ҳаммаси

5. Ваҳҳобийлик оқими қачон, қаерда пайдо бўлди?

- A) XVIII асрнинг 40-йилларида, Арабистон ярим оролида
- B) XIX аср бошида Ливанда
- C) XIX аср ўрталарида Ироқда
- D) XX аср бошида Мисрда

6. Бу оқимнинг мақсади нима эди?

- A) Ислолни «асл ҳолатига қайтариш»
- B) Ислолни тозалаш

- C) Барча мусулмонларни ислом яшил байроги остида бирлаштириш
D) Ҳаммаси

7. «Хизбут-таҳрир» оқимига ким, қаерда, қачон асос солган?

- A) XX аср бошида, Ироқда Абдул-Ваҳҳоб
B) 1950—1953 йилларда Ливанда Тоқийюдин Набхоний
C) 1920 йилларда Т. О. Таймийя, Мисрда
D) XX аср охирида Сурияда Абдулқадим Заллум

8. «Хизбут-таҳрир» оқимининг мақсади нима эди?

- A) Ўз таъсирини ўтказиш
B) Турли диний манбалардан сабоқ бериш
C) Ислом ибодат амалларини ўргатиш
D) Ҳаммаси

9. «Хизбут-таҳрир» чилар кимларни ўз йўлига оғдиришга ҳаракат қилди?

- A) Диний таълимли ёшларни
B) Аёлларни
C) Ўқимаган йигит-қизларни
D) Таъсирчан ёшларни

10. Кимлар кўпроқ зарарли таъсирларга берилади?

- A) Эътиқоди бўш, содда, ишонувчан одамлар
B) Билимсиз одамлар
C) Пул, бойликка ўч одамлар
D) Нияти ёмон кишилар

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН МАВЗУЛАР

1. «Хизбут-таҳрир» чилар оқими ва унинг зарарли таъсири.
2. «Акромийлар» ҳаракати.
3. Зарарли ғоя ва ёт мафқуралар.
4. «Ғоявий бўшлиқ» ва «Мафқуравий иммунитет».
5. Таҳдид солаётган мафқуравий воситалар.
6. Янги мафқура.

АДАБИЁТЛАР

1. *Ислом Каримов. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.* — Т.: «Тафаккур» журнали 1998, 2-сон.
2. *Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.* 7-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1999 йил.
3. *Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.* — Т.: «Ўзбекистон», 2000 йил.

4. *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008 йил.
5. *Д. Олимова*. Инсоният тарихи — ғоя ва мафкуралар тарихидир. — Т.: «Ижод дунёси» нашриёт уйи, 2002 йил.
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (маъруза матнлари учун материаллар). — Т.: «Янги аср авлоди», 2001 йил.

5-МАШҒУЛОТ. МИЛЛИЙ ҒОЯ — ХАЛҚНИНГ ИШОНЧИ ВА ЭЪТИҚОДИ

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиб, уни мустаҳкамлаш ва ривожланиш даврига дадил қадам қўйган йилларда нафақат иқтисодиётимиз, сиёсат, маданият соҳасида, айти бир вақтда одамлар онги ва тафаккурида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди.

Одамларни боқимандалик, ўзибўларчилик, бепарволик кайфиятлари уларни тарк этди. Улардаги «хукуматим, давлатим бор, нима ғамим бор. Нимани хоҳласам, нимани истасам, хукуматим етказиб беради. Фабрикадами, заводдами, даладами, — эл қатори ишлаб юрсам бўлди. Ўқитувчилик қиламанми, қоровул бўлиб ишлайманми, — барибир. Вақтида ойликни олиб, бориға барака қилиб, яшайвераман. Қийналиб қолсам, касаба союз ташкилотим бор, дарҳол кўмаклашворади», — деган кайфият қийинчилик билан бўлса-да, секин-аста йўқола бормоқда.

Эндиликда, ишламасам, ҳаракат қилмасам, жон куйдирмасам — ким менга беради. Бола-чақам, оиламнинг аҳволи, турмуши ўзимга боғлиқ. Қўл қовуштириб ўтирсам, ҳеч нимага эришмайман. Пул топишим, бойлик орттиришим керак. Мен бой бўлсам, қариндош-уруғим, қўни-қўшним ҳам бой бўлса, жамоам ҳам бой бўлади. Тирикчилигимдан ортса, яна бирон ишга қўл ураман, ҳунаримни юргизаман, дўкон очаман, деҳқончилик қиламан. Тирикчиликнинг айби йўқ. Қимирлаган қир ошади, деб бекорга айтишмаган, — деб фикрлайдиган бўлиб қолдилар.

Одамларда ишга, бирон янгилик қилишга, ҳунар орттиришга иштиёқ ошди. Асосий ишидан ташқари, кимдир кулолчиликка киришди, новвойлик қила бошлади, мол боқди, паррандачиликка бел боғлади.

Уйда ўтириб, эри топиб келаётганига қаноат қилиб, уй-рўзғор ишларидан бўшамай юрган аёллар ҳам эркаклардек енг шимариб тижоратга киришиб кетдилар, касаначилик билан шуғуллана бошладилар, ҳунар эгаллаб, ҳунарамандчи бўлиб қолдилар.

Ялпи сафарбарлик авж олди. Шаҳардами, қишлоқдами, олисдами, яқиндами, ҳамма ерда секин-аста кўтаринки руҳ кеза бошлади.

Мустақиллик одамларга туртки бўлди, куч-қувват бағишлади.

Ўзбекистоннинг порлоқ келажагига бўлган қатъий ишонч барчани кўзгатиб юборди. Келажагим порлоқ бўлсин десанг, — ишла, излан, ташаббус кўрсат, янгилик ярат. Бировдан неъмат кутиб ўтирмасдан, уни ўзинг ярат.

Хўш, сен давлатинга, халқинга нима қилиб бердинг?! Сендан нима кутиш мумкин? Фарзандларинг, оиланг, жамоанг, халқинг яхши яшаши учун нима қиляяпсан?

Кишиларда эзгуликка интилиш билан масъулият ҳам орта борди. Ўз бурчи, Ватан олдидаги, эл-юрт олдидаги, халқи олдидаги бурчини яхши тушуна бошлаганидан шундай бўлмоқда.

Машғулот қизиқарли ўтиши учун, инсонларда мустақиллик йилларида рўй бераётган улкан ўзгаришларнинг боиси нимадалигини биргаликда таҳлил қилиб кўриш керак.

Талабаларнинг ўзлари бунинг сабабларини аниқлаб кўришсин.

Гуруҳдаги йигит-қизларнинг қайси бирида қандай ўзгаришлар рўй берди, содир бўлаётган воқеа, ҳодисаларга қандай муносабатда бўлаётирлар, ҳамон бефарқми, бепарвоми ёки ҳаяжонланаяптими, қизиқаяптими?

Оиласи, маҳалласи, туман, шаҳар, вилоятида бўлиб ўтаётган қайси тадбирлар уни кўпроқ қизиқтирмоқда, балки ўзи ҳам ташкил этаётгандир, бирон ташаббус кўрсатиб, янгилик яратаётгандир?!

Ўзгаришлар хусусида қандай фикр билдирмоқчи? Газета, журнал, телевидениега хат-мақола ёздими, курс иши қилдими, реферат, доклад тайёрладими?

Бирон нима ёзган бўлса, курсдошлари билан ўқиб кўриш, муҳокама қилиш, балки керакдир.

Ким ҳамон эскича фикрляяпти, масалага, муаммога эскича ёндашмоқда? Нима сабабдан?

Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат эканлигига ишонадими? Яқин йиллар ичида халқимиз турмуш тарзи, моддий аҳволи анча яхшиланишига умид қиляяптими?

Машғулот давомида талабалар билан ўтган самимий, очиқ мулоқотдан энг муҳим хулоса шуки, талабаларнинг катта кўпчилиги ўз фикрига эга, тўғрими ё нотўғрими, ҳар ҳолда қатъий бир фикр билдирмоқда. Шунинг ўзи катта гап. Фикрлаб, мулоҳаза юритаётган, фикрлаб иш қиладиган, фикрлаб яшайдиган одамдан ёмонлик чиқ-

майди, ўз йўлидан тоймайди, қинғир йўлга кирмайди, ўзга, ёт, бегона, ўз онги ва тафаккурига мутлақо зид таъсирга берилмайди.

Мафкура майдонида эришилаётган ютуқларнинг энг муҳими шуки, одамларнинг, айниқса ёшларнинг имон-эътиқоди кучайди, бақувватлаши. Атроф-теварақда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисаларга эътибор берадиган, уларни ақл чиғиригидан ўтказиб, оқилона фикр юргизадиган, нохуш, салбий саъй-ҳаракатларга лоқайдлик билан қараб ўтирмасдан, уларга қарши курашадиган бўлиб қолдилар.

Эътиқод ўзи нима? Нимани биз эътиқод деб тушунамиз? Эътиқод қай тариқа шаклланади? Қандай одамни эътиқодли одам деб ҳисоблашади?

Талабалар бу саволларга қандай жавоб бера олишади. Бу тўғрида керакли тушунча, билимга эгами?

Ишонч ва эътиқод тушунчалари тушунарлими?

Гуманистик эътиқод нима?

Семинар чоғида ана шу ишонч ва эътиқод масалалари билан боғлиқ бошқа масалалар ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Эътиқод — инсон дунёқарашининг энг муҳим, барқарор компоненти. Инсон онги ва фаолияти, сўзи билан ишини, инсон хатти-ҳаракати йўналишини белгиловчи асосий унсур.

Чинакам эътиқод билим асосида шаклланади. Эътиқод турли ҳақиқатларни ўзида акс эттирадиган билимларга, нафақат билимларга, шу билан бирга уларга бўлган муносабатга асосланади. Ўзлаштирилган билимларни ўз хатти-ҳаракатига жорий этиш, шу билимлар асосида ўз саъй-ҳаракатларини тартибга солиш, муайян мақсад, манфаатга йўналтира олиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Билим, ғоя, назария инсоннинг амалий фаолиятида синаб кўрилганидан кейин ишончга айланади. Ишонч эътиқоднинг ўзаги, мағзи.

Эътиқод нечоғлик мустаҳкам, барқарор бўлса, инсоннинг турмуш тарзи, ҳаётдаги мавқеи шунчалик юксак, мазмундор, салмоқли бўлади.

Соддароқ қилиб айтганда инсон эътиқоди билимлар, ғоялар, назариялар асосида камол топади. Чинакам билимга, турмуш синовларидан ўтган, эзгуликка хизмат қиладиган ғояларга асосланган эътиқодгина юксак эътиқод ҳисобланади.

Эътиқодлар ҳар хил бўлади: инсонпарвар (гуманистик), коммунистик, фашистик, инсонпарвар эътиқод умуминсоний ахлоқий, ҳуқуқий меъёрлар ва тамойилларга таянган эътиқоддир. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари, нормалари ҳақидаги билимлар, уларга бўлган садоқат ва унга асосланган хулқ-атвор, хатти-ҳаракатни ифода уйғунлаштирадиган эътиқод.

Демак, дунёқараши тубида гуманистик эътиқод ўрин эгаллаган инсонгина мустақил фикрлай оладиган, мустақил ишлай ва яшай оладиган инсон бўлади.

Ўзида гуманистик эътиқодни шакллантира олган инсон инсонпарварлик гоёларига садоқатли бўлади, умуминсоний ахлоқий, ҳуқуқий норма ва тамойилларга чин қалбдан риоя қилади, ижтимоий адолат, халқаро демократия, шунингдек, миллатлараро муносабатлар тамойилларига сидқидилдан амал қилади.

Одамларда инсонпарвар эътиқод қанчалик мустаҳкам бўлса, бундай одамлар шунчалик ўзларини мустаҳкам, маънан бақувват ҳис қиладиган бўладилар, ҳар қандай оғир шароитда ҳам умуминсоний тамойилларга содиқ қоладилар, ҳиёнат қилмайдилар.

Инсонпарвар эътиқод кишиларга куч-қувват бағишлайди, ишонч-ни, иродасини мустаҳкамлайди, мафкуравий иммунитетни кучайтиради. Бундай эътиқодли инсон ён-верида рўй берадиган воқеа, ҳодиса, жараёнларга теран қарайдиган, ҳар бир катта-кичик масалага тақрибий кўз билан қараб, пухта ўйлаб кўриб, ечимини ақл тарозисидан ўтказиб иш юритадиган, хулоса чиқарадиган, чора кўрадиган бўлади.

Афсуски, фуқароларимизнинг ҳаммасида ҳам ана шундай олижаноб эътиқод ҳали шаклланмаган ёки шаклланган бўлса ҳам анча юзаки, мўрт, кучсиз. Инсонпарварлик тамойиллари меъёрларига содиқлик сезилмайди, анча заиф. Гоёвий-ахлоқий жиҳатдан анча орқада қолган, сиёсат масалаларида лоқайд. Кундалик эҳтиёжимизда учраб турадиган салбий ишлар — ўғирлик, кўзбўямачилик, текинхўрлик, зўравонлик, масъулиятсизликдан қутулолмайдиган, иродаси бўш кишилар ҳолатига тушиб қолганлар.

Бундай кишилар бозор иқтисодиётига ўтилган шароитда турмушда ками-кўст, етишмовчилик рўй бериб турган бир пайтда ахлоқий-маънавий беқарорликка берилиб кетмоқдалар, баъзилари ҳалол меҳнат қилишни истамайдилар, оғир меҳнатдан қочиб, енгил-елпи иш қилиб, жамиятдан ундириб қолиш пайида бўлмоқдалар.

Шу ерда талабалар орасида ҳам учраб турадиган айрим салбий иллатлар хусусида тўхталиб ўтиш тўғри бўлади.

Сир эмас, айрим талабалар ўқишга бефарқ қарамоқдалар. Китоб ўқимайдилар: дарслик, ўқув қўлланмаси у ёқда турсин, ҳатто ўлда-чўлда қилиб ёзган конспектларини ҳам варақлаб кўришмайди.

Курс иши, реферат ёзиш, топшириқ топширилса, интернетдан кўчиртириб олишади.

«Ёзиб» келган курс иши ёки рефератида нима ҳақида сўз юритилаётганини билмайди.

Конспект ёзишга эътибор билан қарамайди. Беш-олти фанга битта дафтар тутишади, дафтарини варақлаб кўрсангиз, ҳатто ўзи ҳам нима ёзилганини айтиб беролмайди.

Шулар ҳақида гапирилаётганда курс талабалари орасидан мисоллар келтириб ўтиш лозим. Уч-тўрттасининг конспектини кўриб, нуқсонларини очиб ташлаш, танқид қилиш зарур. Яхши ўқийдиганларини ҳамма олдида мақтаб қўйиш керак.

Пировардида, бу камчилик, нуқсонлар охир-оқибатда нималарга олиб келиши мумкинлигини рўй-рост тушунтириб, чала, юзаки билим, «ўртамиёна» мутахассисдан қандай фойда кутиш мумкинлигини айтиш ва кўрсатиб ўтилганлардан тегишли хулоса чиқариш даркор.

Келажакка ишонч, умид билан ҳаёт кечериш, нимага қўл урса, пухта ўйлаб, фикрлаб иш қилишга одатланиш, атроф-теварақлардаги воқеа, ҳодисаларга оқилона муносабатда бўлиш, самимий, инсонпарвар, қадр-қимматни биладиган, каттага ҳурмат, кичикка иззат кўрсатадиган том маънодаги комил инсон бўлиш ҳар бир фуқаро учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Юртбошимиз Ислом Каримов айтганидек халқнинг шуурида ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам буюк орзулар, эзгу ниятлар, келажакка, ёруғ кунларга ишонч яшамоғи, барқ урмоғи лозим.

«Бизнинг эзгу интилишларимиз замирида ҳам, — деб ёзади Ислом Каримов, — ана шундай буюк ишонч бор. Аниқ мақсад йўлидаги бунёдкорлик ишларимиз амалий натижалар бера бошлаган, кўзланган режаларимиз босқичма-босқич рўёбга чиқиб, дунё ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб бораётган бутунги кунда халқимиз, миллатимиз қалбидаги ана шу ишонч ва эътиқод янада мустаҳкамланмоқда.

Шунинг учун мен шонли тарихига садоқат билан, бугунини қадрлаб, келажакка ишонч билан яшаётган халқимизнинг донишмандлиги ва матонатига, унинг мустаҳкам имон-эътиқоди ва иродасига ишонаман. Бу олижаноб фазилатлар ҳар қандай мураккаб, қалтис синовлардан мардона ва ёруғ юз билан ўтишда биз учун беқиёс куч-қудрат манбаи бўлади»¹.

Миллий гоё — халқнинг ишончи ва эътиқоди эканлиги ҳақида суҳбатлашаётганда Президентимизнинг миллий мафкура ва унга оид турли масалаларга бағишланган қатор фундаментал асарлари, ки-

¹ *Ислом Каримов*. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. — Т.: «Ўзбекистон», 2000, 30—31-бетлар.

тоб, рисоалари, маъруза нутқлари, интервью, савол-жавоблари тўғрисида фикр юритиш муҳим аҳамиятга эга.

Президент асарлари миллий мафқуранинг мазмуни, моҳияти, аҳамияти, мақсад, вазифалари, миллий хусусиятлари, умуминсоний тамойиллари — умуман барча қирралари, нозик жиҳатларини яхши тушуниб олишга ёрдам беради.

Бу ерда биринчи навбатда «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Миллий давлатчилик, истиқлол мафқураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида», «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура», «Миллий истиқлол мафқураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир» («Фидо» газетаси муҳбири саволларига жавоблар), «Ирода ва имон — эътиқодимиз синови», «Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз меъзони бўлиши керак», «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим», «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди», «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир», «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашарди» каби ва бошқа бир қатор асарларини айтиб ўтиш ва имкон даражасида уларнинг ҳар бири билан қисқача таништириб чиқиш керак. Бу асарларда нималар ҳақида сўз юритилган, улар нима муносабат билан ёзилган, аҳамиятини талабалар яхши ўзлаштириб олишлари шарт.

Қайси асар хусусида гап юритилаётган бўлса, ўша асарни талабаларга кўрсатиб уларни кўз ўнгида бирма-бир варақлаб гапириб берилса, асар ҳақидаги таассуротлари мустаҳкам бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган асарларнинг қайси бирларини пухта ўқиб чиқиб, шу ҳақда ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш юзасидан докладлар, рефератлар тайёрлашни тавсия этиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг юқорида кўрсатиб ўтилган асарларидан, жамиятимиз мафқураси, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг маъно-мазмунини белгилаб берадиган кўпгина масалаларга аниқ ва тўла жавоб топиш мумкин.

Олдимизда турган долзарб вазифа атроф-теварақда, кундалик ҳаётимизда юз берадиган «... жараёнларнинг илмий назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукамал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоачиликка содда, лўнда қилиб

тушунтириб бериш ва уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборат»¹.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН!

Аслида ҳаётнинг ўзи турли-туман гоёлар курашидан, баҳсу мунозаралардан иборат. Тараққиётнинг маъно-мазмуни, керак бўлса, фалсафаси ҳам шунда. Аммо ҳамма гап ҳар қандай таҳдид ёки таҳлика олдида ваҳимага тушмасдан, ана шу кураш ва синовларга доимо тайёр туришда, огоҳ ва сергак бўлишда.

Ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларига, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади.

Албатта, мавжуд хавф-хатарлардан кўз юмиб бўлмайди, лекин менинг бир нарсадан кўнглим тўқ: халқимиз тарихнинг катта-кичик синовларидан ҳамиша мардона ўтиб келган, ғаламис кимсаларнинг макру ҳийлаларига учмаган, чунки халқ — бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан карвон. Уни йўлдан чалғитишга уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин. Карвон беҳатар бўлмас, деган гап бежиз айтилмаган. Аммо халқ карвонини ҳеч қандай куч ортга қайтаролмайди»².

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Халқ ишончи-тараққиёт гарови.
2. Ишонч-эътиқод ўзаги.
3. Комил инсон — тараққиёт пойдевори.
4. Президент асарларида миллий гоё ва мафкура масалалари.
5. Маънавият бобидаги долзарб вазифалар.
6. Инсоннинг олижаноб фазилатлари.

¹ *Ислом Каримов*. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. — Т.: «Ўзбекистон» 2000, 19-бет.

² *Ислом Каримов*. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблар. — Т.: «Ўзбекистон», 2000, 28—29-бетлар.

МАВЗУ БЎЙИЧА ҚИСҚА ТЕСТ

- 1. Қандай одамлар бахтли?**
- A) Ҳаёт мазмунини ўйлаб яшайдиган одамлар
 - B) Тўқ, фаровон яшаётган
 - C) Севиб-севилиб ҳаёт кечираётганлар
 - D) Ками-кўсти йўқ одамлар
- 2. Ҳар қайси маҳалла ўз ҳудудида нимага алоҳида эътибор бериши керак?**
- A) Масжид фаолиятига
 - B) Имом фаолиятига
 - C) Маҳалладаги тadbиркорларга
 - D) Ташаббускор ёшларга
- 3. Ҳимоя нима?**
- A) Муҳофаза
 - B) Қўриқлаш
 - C) Огоҳ бўлиш
 - D) Сергаклик
- 4. Ҳимоялаш деганда нима назарда тутилади?**
- A) Душмандан сақлаш
 - B) Тинчликни, келажак авлодни ҳимоя қилиш
 - C) Оила тинчлигини ҳимоя қилиш
 - D) B, C
- 5. Чет эл сармоялари келишининг асосий шарти нима?**
- A) Тинчлик
 - B) Осудалик
 - C) Барқарорлик
 - D) Шарт-шароит
- 6. Эртанги кунимиз нимага боғлиқ?**
- A) Ёшлар ҳаракати, қурби, қудратига
 - B) Шарт-шарот, имкониятларга
 - C) Мамлакатимиз захираларига
 - D) Ғайрат-шижоатимизга
- 7. Мустақиллик йилларида фуқароларимизда қандай ўзгаришлар сезилмоқда?**
- A) Одамлар янгича фикрлайдиган, янгича ишлайдиган бўлиб қолдилар
 - B) Ўта масъулиятли
 - C) Ташаббускор
 - D) Уринчоқ-куйинчак

8. Президентимизнинг қайси асаида эътиқод ҳақида сўз юртилади?

- A) «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда»
- B) «Ўзбекистон келажаги буюк давлат»
- C) «Ирода ва имон — эътиқодимиз синови»
- D) «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда»

9. Миллий истиқлол ғоясини сингдиришга кимлар ҳалақит беради?

- A) Миллий биқиклик, маҳаллийчилик, уруг-аймоқчилик
- B) Этник ва миллатлараро зиддиятлар
- C) Маънавий маҳдудлик, тарихий хотирасизлик
- D) Ҳаммаси

10. Ҳар бир ўзбек фарзанди қандай яшашга эришмоғи зарур?

- A) Гурур ва ифтиҳор билан
- B) Эзгу ният билан
- C) Ишонч ва эътиқод билан
- D) Келажакка умид билан

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Ёшлар йили: дастлабки яқунлар, навбатдаги вазифалар.
2. Мустақиллик ва долзарб муаммолар.
3. Янгича яшаш — давр талаби.
4. Соғлом авлод тарбиясида давлат ва жамиятнинг ўрни.
5. Оила-жамиятнинг асосий негизи.
6. Она маънавияти — комил фарзанд гарови.

АДАБИЁТЛАР

1. *Ислом Каримов*. Ирода ва имон — эътиқодимиз синови. — Т.: «Ўзбекистон», 1999 йил.
2. *Ислом Каримов*. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Мулоқот» журнали, 1998 й, 5-сон.
3. *Ислом Каримов*. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил.
4. *Ислом Каримов*. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1998 йил.
5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (маъруза матнлари учун материаллар). — Т.: «Янги аср авлоди», 2001 йил.
6. Соғлом авлод бизнинг келажагимиз. — Т.: «Ибн Сино» номидаги нашриёт, 2000 йил.

6-МАШҒУЛОТ. МИЛЛИЙ ҒОЯ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Бу мавзу жуда катта аҳамиятга молик, энг долзарб мавзулардан бири. У ҳақида имкон борича кенг ва батафсил тўхталиб ўтиш керак бўлади.

Миллий ғоянинг ажойиб илҳомбахш кучи шундаки, у инсонга, ҳар бир фуқарога ўзликни англаб олишдек ниҳоятда муҳим бир масалага тўғри ечим топиб беради.

Инсон — бу улуғ, тенги йўқ мавжудот. Унинг қадр-қиммати чексиз. Уни эъзозлаш, ардоқлаш, ўз қобилият, истеъдод имкониятларини тўла-тўкис намоён эта олиши учун жамики шарт-шароитларни яратиб бериш жамият, давлатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Шундай қилиш керакки, инсон аввало ўз қадр-қиммати билан ўзлигини англасин. Дунёдаги барча неъматлар унинг учун, у камол топиши, ўсиб-униши, завқ-шавқ билан бекаму-кўст яшаши учун яратилаётганини ҳар қадамда ҳис қилсин.

Лекин, яқин ўтмишда аҳвол қандай эди? Инсонга бўлган муносабат қай ҳолда эди?

Шу ҳақда ўйлаганда, беихтиёр Президентимиз И. Каримовнинг куюнчаклик билан айтган қуйидаги сўзлари ёдинга келади.

Юртбошимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси XII чақириқ Олий Кенгаши XVI сессияси (1994 йил 22 сентябр)да сўзлаган нутқида шундай деган эди:

— «Ўйлаб кўринлар, азиз дўстлар, ўшанда биз ким эдик?

— Ўша йиллар умуман қандай давр эди?

— Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

— Каъба деб қаерга сиғинар эдик. Ҳар тонг «Ассалом!» деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллик қилиб уйғонар эдик?

— Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Баховуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур ва бошқа улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларга қоришиб ётган эди?

— Миллий гуруримиз, инсонлик шанимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

— Хўш, ўзимизчи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар замин, ажодларимизнинг ўлмас мерослари билан озиқланган ер ўғлонлари эканлигимизни англармидик?

— Айтинлар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Биров бизлар билан ҳисоблашармиди? Жаҳон миқёсида бирор киши бизни назарига илармиди?

— Юртимиз қандай ва қанча беқиёс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

— Гўё миллий ифтихор бўлмиш пахта ҳақиқатда миллий гурур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирарди?

— Яна бир бор эслаб кўринглар, азиз юртдошларим куни кеча эмасмиди, бошимизни кўтармасдан яшаганимиз? Кремлнинг ҳар бир имосига маҳтал бўлиб, ярим қуллик ҳолатида кун кечирганимиз?

— Шукрки, Аллоҳ барчамизга шундай қийин фурсатларда ақл-идрок берди, сабр-матонат ато этди, бир-биримизга бўлган меҳр-оқибатдан айирмади».

Дарҳақиқат, Аллоҳ барчамизни ўша машғум кунлардан халос этди, ёруғ, порлоқ, чароғон йўлга чиқиб олишимизга куч-қувват ато этди, мадад берди.

Мустақиллик шарофати билан ўзлигимизни англашга муваффақ бўлдик.

Энди озод, эркин, ҳур замонда яшамоқдамиз. Тақдиримиз, эртанимиз ўз қўлимизда. Ҳар тонг «Серқуёш ҳур ўлкам» деган мадҳия оҳанглари остида Аллоҳга шукр қилиб уйғонмоқдамиз.

Тилимиз, динимиз ўз ўрнини топди. Улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари — қалбимиз, юрагимиз тўрида.

Миллий гуруримиз, инсонлик шанимиз, урф-одатларимиз яна тикланди.

Ўзимиз эса ўзлигимизни жуда яхши билиб олдик. Дунёда не-не буюк аллома, сиймоларни етиштириб берган табаррук ер ўғлонлари эканлигимизни жуда теран англаяпмиз.

Жонажон она юртимиз, гўзал Ўзбекистонимиз етти иқлимга танилди. Нафақат қўни-қўшнилариимиз, ҳаттоки манман деган йирик давлатлар ҳам биз билан ҳисоблашадиган бўлиб қолди, бизни тенг ҳуқуқли шериги деб билади. Жаҳондаги минглаб кишилар бизга ҳавас билан қарашмоқда, бизга иззат-ҳурмат бажо келтирмоқда.

Юртимиз нақадар беқиёс бойликлар хазинаси эканлигини барча ёш қари, ҳатто хорижий дўстларимиз ҳам жуда яхши билади ва ана шу бойликларни эл-юрт хизматига сарфлаш йўлида биз билан чин кўнгилдан астойдил ҳамкорлик қилмоқда.

Пахта якка ҳокимлигидан бутунлай қутулдик. Ҳозирда ҳар кунимиз, ҳар дақиқамиз озод, эркин, баракали меҳнат оғушида ўтмоқда. Ўзимиз хон, ўзимиз бек, нима қилсак қиляпмиз, нима хоҳласак олаяпмиз.

Ақл-идрокимиз бақувват, сабр-матонатимиз чексиз, бир-биримизга меҳр-оқибатимиз баланд.

Буларнинг ҳаммаси — мустақиллигимиз шарофатидан. Оқил ҳукуматимиз, давлатимиз, Президентимизнинг донишмандлигидан.

Танлаб олган йўлларимиз тўғрилигидан, меҳнатсевар, олижаноб халқимизнинг ғайрат-шижоатидан!

Мустақиллик йилларида шаклланган миллий ғоя, миллий маффураимизнинг илҳомбахш куч-қудратидан!

Мустақиллик йилларида миллий ғоя, миллий тафаккуримиз таъсирида фикрлаш қобилиятимиз, тафаккуримиз анча-мунча янгиланди. Янгича фикрлаш, янгича ишлашга ўргана бошлаганимиздан.

Эскича фикрлаш, ечимини кутаётган масалаларга эскича ёндашувдек ярамас иллатлардан тамоман воз кечдик.

Биз ким, кимларнинг авлодларимиз эканлигимизни жуда яхши биламиз ва бу билан чексиз фахрланамиз.

Кўзлаган ниятимиз, пировард мақсадимиз аниқ-равшан бўлди.

Маффураимиз ҳар биримизнинг эзгу ниятларимизни амалга оширишга имкон берадиган бирдан-бир тўғри йўлни маёқ сингари ёритиб турибди.

У биз учун миллатимиз, халқимизни бирлаштирувчи куч.

Бу маффураимиз билан биз ҳар қандай ёвуз, ғояга қарши илғор, бунёдкор ғоялар билан жавоб бера оламиз.

Миллий маффураимиз ҳар қандай шароитда, ҳар қандай масалаларга ечим топишда доимо ҳозиржавоб, ижодкор, етакчи.

Онгимизга сингиб, қалбимизда ўзига мустаҳкам жой эгаллаётган бу маффура бизни кундан-кунга ўзгартириб бормоқда. Эндиликда кўпчилик биринчи навбатда ўз манфаатини ўйлаб иш қилишга ҳаракат қилиши билан менинг бу ишим оиламга, элим, юртимга қандай наф келтиради деб ўз-ўзига савол берадиган бўлиб қолди. Ўз манфаатини кўпчилик манфаати билан уйғунлаштириб иш қилишга интиломоқда. Аввалгидек, ўзим бўлай, ўзга билан нима ишим бор демайди, энди. Бундай ўй, ният унинг қон-қонига сингиб кетган. Азалдан у одамгарчилик қилиб келган ва ҳозирда ҳам шундай. Унинг бу ажойиб фазилатлари мустақиллик даврида янада чуқур илдиз отди.

Бундай улкан маънавий-руҳий ўзгаришларга эришишда тарихимизга бўлган муносабат жуда катта роль ўйнади.

Тарих-маффураимизнинг маъно-мазмунини белгилайдиган энг муҳим омиллардан бири. Тарих-халқ маънавиятининг асосидир.

Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас.

Талабалар жавоб бериб кўришсин. Уларнинг фикрича не сабабдан шундай дейилади? Ўзликни англашнинг тарихга нима алоқаси бор? Нега тарихни халқ маънавиятининг асоси деб ҳисоблаймиз?

Бу масала ниҳоятда мураккаб ва нозик масала. Ҳамма ҳам уни тўғри, яхши тушунавермайди. Айниқса тарихини яхши билмайдиган, уни яхши ўқиб, ўзлаштириб олмаган ёш йигит-қизлар учун бу саволга тўғри жавоб бериш жуда мушкул.

Бу муаммони ечишда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари билан яна бир бор мукамал танишиб чиқиш талабаларга, шубҳасиз, жуда катта ёрдам беради. Шу боис бу асар ҳақида тўхталиб ўтиш зарур.

Шу мақсадда бу машғулотдан олдингисида талабаларга Ислом Каримовнинг бу асарини яхшилаб ўқиб келишни топшириш айтилган бўлади. Талаба асар билан олдиндан таниш бўлса, у ҳақда мулоқот олиб бериш осон бўлади.

Мулоқотни олдиндан пухта ўйлаб тузилган муайян режа бўйича, саволларни ўртага ташлаб, талабалар билан ўзаро очик, самимий фикр алмашиш ва билдирилган турли фикрлар асосида тегишли хулосалар чиқариш йўли билан олиб бориш мумкин.

Ёки гуруҳдаги бир-икки яхши ўқийдиган талабага олдиндан топшириқ бериб, асар юзасидан докладлар тайёрлаб келиш ва уларни кўпчилик ўртасида муҳокама қилиш ҳам яхши натижа беради.

Маълумки, юртбошимиз Ислом Каримов мамалакатимизнинг бир гуруҳ етакчи тарихчи олимлари билан учрашиб, ўзининг ўта ҳаяжонли, ёқимли, теран мулоҳазалари билан жамиятимиз ва айниқса тарих фани тараққиётнинг янги йўналишларини белгилаб берди. У тарихнинг инсон, халқ, миллат, мамлакат тараққиётидаги ўрни, моҳияти, вазифасига тамомила янгича бир назар ташлади, янгича ёндашиб, янгича нуқтаи назарларни баён этди. У миллий тарихимизни бутунлай янгиланган, ёшарган нигоҳ билан, фақат ва фақат асл манбалар асосида яратиш, мустақил, хур мамлакатнинг бугуни ҳамда эртаси учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Талабаларга шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Ислом Каримовнинг бу асари алоҳида китобча бўлиб нашр этилган ва университет кутубхонасида бор.

Бу асар дастлаб «Мулоқот» журналининг 1998 йил 5-сонида эълон қилинган.

Ислом Каримовнинг таъкидлашича, одамзод борки, авлод-аждоди, ватанининг тарихини билишни истайди. Чунки, ўзликни англаш айнан ўз тарихини билишдан бошланади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас. Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсондир.

Афсуски, совет даврида тарихимизни бузиб, сохталаштириб ёритдилар. Айрим тарихчиларимиз халқимиз, миллатимиз ўтмиши ҳақида бирон нима ёзадиган бўлсалар, рус олимларининг нуқтаи назари, қаричи билан баҳолаб, рус олимлари бир вақтлар ёзиб қолдирган тадқиқотларга таяниб фикр юритишни маъқул кўриб келдилар.

Мустақилликка эришганимиздан кейин тарихимизни инкор этиб бўлмайдиган далил исботлар асосида янгидан, қайтадан ёритишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Собиқ шўролар даврида ўзбек миллати тарихини бузиб кўрсатиш, уни чалкаштириб ёритиш, баъзи саҳифаларини умуман кўрсатмаслик ҳолларига йўл қўйиб келинди.

Генерал Скобелев ўз императорига мурожаат қилиб, нима деб ёзганини бир эслаб кўрайлик.

«Маҳаллий халқ, — деб айтган эди у, — биз ўйлагандан кўра маданиятли экан. Уларни бўйсундира олмаяпмиз... бу халқнинг ўтмишда яратилган барча осориатиқаларини, масжиду-мадрасаларини, диний китобларини ер билан яксон қилибгина, уларнинг маънавиятини сўндирибгина ўз қанотимиз остига олишимиз мумкин».

Ўзлигини, тарихини билган, ундан руҳий қувват олиб юрган халқ асло енгилмайди.

Тарих шоҳид: халқимиз, миллатимиз, элатимиз не-не қийинчиликларни бошидан кечирмади. Узоққа бормасдан, яқин ўтмишни бир эслаб кўрайлик: шўролар ҳукмронлиги йилларида халқимиз бошқа дунёдан бутунлай узиб қўйилди. Етмиш йилдан ортиқ даврда не-не маънавий, маданий тазйиқ, хўрликларга бардош беришга тўғри келди.

Бу ҳақда Президентимизнинг қуйидаги сўзларини эслаб кўриш кифоя.

«Мен айтмоқчи бўлган фикр шундан иборатки, — деган эди у, — ана шундай ҳар томонлама мудҳиш четдан қараганда халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб, кетиши керак бўлган шароитда, барибир қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз, ўзлигимизни сақлаб қоладими ёки йўқми?»¹

Ўз тарихини билган ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмайди.

¹ *Ислом Каримов*. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». — Т.: «Маърифат», 1998 йил, 19 август сони.

Минг йиллар давомида бу кўҳна юртимизга не-не босқинчилар бостириб келмади, не-не азоб-уқубатларни бошимизга солмади. Аммо халқ ўзини сақлаб қололди, ўзлигини йўқотмади. Ҳар қандай қийинчиликларга ўзига хос шукроналик билан бардош берди, ўзбек миллатининг авлодлари эканини бир зум ҳам унутмади, ўзбекона иш юритди, тили, дини, маданияти, анъаналарини кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келди.

Айнан қайси анъаналари, урф-одатларини сақлаб қолди? Шу савол билан талабаларга мурожаат қилиб кўриш керак.

Яна қандай йўқотишларга чидадик-ку, мустақилликка эришгандан кейин бу йўқотишларни ҳам асосан тиклаб олдик.

Ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида қандай чора-тадбирлар кўрилди?

Ана шу масалаларни муҳокама қилиб кўриш зарур. Талабалар қанчалик тўғри фикр юритмоқда, қандай масалаларда етарли тушунчага эга эмас?

Бу саволлар бўйича анкета-сўров ўтказса ҳам бўлади.

Энг тўғри, оқилона жавобларни кўпчилик муҳокамасига қўйиб, яхши фикрлар билдириш керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ғоя ўзликни англашнинг кучли омили деб айтилаётгани бежиз эмас. Миллий ғоя инсонга, ҳар бир фуқарога ўзи ким, кимларнинг авлоди, кимларнинг вориси эканлигини тўғри тушунишга, англашга имкон беради. Ўз кучи, қудрати, истеъдоди, кадр-қиммати хусусида яхши тасаввурга эга бўлишга ёрдамлашади.

Шу табаррук юртда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ҳаққоний тарихимиз билан қуролланиб, мен ўзбек авлодиман, ўзбек миллатига мансубман деб, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан заррача кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун ўз онги ва қалбига миллий ғоямизни чуқур сингдириб олмоғи лозим. Ана шунда ҳеч ким, ҳеч қандай ғаламис кучлар, ёт, бегона, зарарли ғоявий таъсирлар уни тўғри йўлдан оздиrolмайди.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР — ҚУДРАТЛИ МАНБА

«Бирон бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб

хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждоқларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз.

Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди»¹.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Шўролар даврида биз қандай яшаган эдик?
2. Мустақиллик бизга нима берди?
3. Ўзликни англаш-фаол ҳаракатга келтирувчи куч.
4. «Мустақиллик дунёқараши» тушунчаси қандай тушунча?
5. Миллий истиқлол ғоясининг қандай тамойилларини биласиз?
6. Миллий истиқлол ғоясининг тарихий илдиzlари ҳақида сўзлаб беринг.

МАВЗУ БЎЙИЧА ҚИСҚА ТЕСТ

1. Мафкура биз учун нимани англатади?

- A) Миллатимиз, халқимизни бирлаштирувчи куч
- B) Сафарбарлик
- C) Инсонпарварлик
- D) Илҳомлантирувчи омил

2. Мафкурамининг маъно-мазмунини белгиловчи энг муҳим омил нима?

- A) Ўзликни англаш
- B) Фалсафа
- C) Тарих
- D) Адолат

¹ *Ислом Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.* — Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил, 137—138 бетлар.

3. Ўзликни англаш нимадан бошланади?

- A) Эли, авлод-аждодининг тарихини билишдан
- B) Она-юрти, Ватанга муҳаббат туйғусидан
- C) Қадр-қимматини сезишдан
- D) Обрў-нуфузи ортаётганидан

4. Тарихий хотираси бор инсон қандай инсон ҳисобланади?

- A) Виждонли инсон
- B) Меҳр-оқибатли инсон
- C) Иродали инсон
- D) Маънавияти кучли инсон

5. Генерал Скобелев императорига нима деб ёзган?

- A) Маҳаллий халқни маънавиятини синдирибгина бўйсундира оламиз
- B) Манавияти, тилидан жудо қилиб
- C) Осориатиқаларини бузиб ташлаб
- D) Ҳаммаси

6. Шўролар даврида ташқи дунё билан алоқамиз бормиди?

- A) Йўқ
- B) Бор
- C) Камдан-кам
- D) Аниқ билмаймиз

7. Қандай халқни енгиб бўлмайди?

- A) Тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни
- B) Маданияти яхши тараққий этган
- C) Цивилизацияга катта ҳисса қўшган
- D) Дунёга буюк сиймоларни етказиб берган

8. Халқимиз нималарни асраб-авайлаб келди?

- A) Тилини
- B) Маданиятини
- C) Урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзини
- D) Ҳаммасини

9. Улкан маънавий руҳий ўзгаришларга эришишимизда нима катта роль ўйнади?

- A) Тарихимизга бўлган муносабат
- B) Кўҳна бой маъданиятимиз
- C) Қадриятларимиз
- D) Урф-одатларимиз

10. Чинакам ватанпарвар инсон ўз-ўзига қандай савол бериб яшаши керак?

- A) Нима иш қилдим
- B) Оилам, юртимга қандай фойда келтирдим
- C) Нафим тегяптими
- D) Элим менга нима берди

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН МАВЗУЛАР

- 1. Миллий меросни ўрганиш — миллий уйғонишнинг муҳим омили.
- 2. Жамиятнинг диний-руҳий асослари тикланишининг ижтимоий-тарихий аҳамияти.
- 3. Маънавий янгилиниш.
- 4. Миллий ўзликни англаш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
- 5. Миллий маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англаш.
- 6. Баркамол авлод — ҳаётимиз равнақи.

АДАБИЁТЛАР

- 1. *Ислом Каримов*. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил.
- 2. *Ислом Каримов*. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида 6-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1998 йил.
- 3. *Ислом Каримов*. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: «Ўзбекистон», 1999 йил.
- 4. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Мулоқот» журнали, 1998 й, 5-сон.
- 5. Баркамол авлод орзуси. — Т.: «Шарқ» нашриёти, 1999 йил.
- 6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (маъруза матнлари учун материаллар). — Т.: «Янги аср авлоди», 2001 йил.

7-МАШҒУЛОТ. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Миллий ғоя ҳар бир халқ, миллатнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи асосида шаклланади.

Бинобарин, қайси жамиятда, қайси давлатда миллий қадриятларга муносабат кучли бўлса, миллий қадриятлар юксак даражада қадрланса, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилган бўлса, одамларнинг миллий онги, тафаккури, маънавияти, мафкураси ҳам шунчалик юксак бўлади.

Чунки, бундай жамиятда, бундай давлатда ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўзини эркин, озод ҳис қилади, ўзига, юртдошларига катта ҳурмат билан қарайди, қадрлайди, ўз ҳаёт йўлини ўзи танлайди, ўз ақл-идроки билан ҳаёт кечиради. Ўзи танлаган йўлдан дадил боради, ўз аҳдига содиқ бўлади, ҳеч ким, ҳеч қандай куч уни бу йўлдан оздиrolмайди.

Шу боис мустақиллик қўлга киритилиб, уни мустаҳкамлаш ва ривожланиш йўлига ўтиб олинган дастлабки йиллардаёқ ўзликни англаш, миллий қадриятларни тиклаш, бойитиш, ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор берилди бошланди.

Шу мавзу ҳақида сўз юритганда талабаларга миллий қадриятларимизнинг асл моҳият-музунини тўғри тушунтиришга ҳаракат қилиш зарур. Айниқса қадриятларнинг янги жамият қуришдаги ўрни, аҳамиятига эътибор қаратиш лозим.

Мустақилликнинг 17 йили давомида бу соҳада қилинган ишларни яна бир бор ҳаяжон ва ғурур билан бирма-бир эслаб кўриш зарар қилмайди.

Ўтган давр мобайнида бу соҳада эришилган ютуқлар, амалга оширилган режалар кўлами шу қадар кенги, қисқа вақт ичида шу қадар оламшумул ишларни амалга ошириш унча-мунча халқ, жамият, давлат қўлидан келмайди.

Миллий қадриятларни тиклаш, бойитиш ва янада ривожлантириш йўлида қилинган ишларни талабаларнинг ўзидан сўраб кўриш керак. Қани, бу соҳада қандай натижаларга эришганимиз ва эришаётганимизни яхши биладимиз?

Бу соҳадаги ўзгаришлардан улар хурсандми? Яна нималар қилишини исташади? Бунинг учун қандай чора-тадбирларни кўриш кераклигини маслаҳат беришади, қандай таклифлари бор? Камчилик, нуқсонлар борми? Бўлса қайсилари? Нима қилиб тўғриласа бўлади?

Авлод-аждоқларимиздан бизга мерос бўлиб қолган маданий қадриятлар, маънавий мерос ҳамма вақт, барча даврлар, барча замонларда халқимиз учун қудратли маънавий манба вазифасини ўтаб келди. Бу бениҳоят бой ва чуқур мазмунга эга бўлган ғоят улкан хазина асрлар оша ҳар бир кишининг онги, қалбидан чуқур жой олган, қон-қонига сингиб кетган.

Ўзбек халқи бу қадриятлар, бу маданий, маънавий, маърифий меросиз яшай олмайди, кундалик ранг-баранг, кўп қиррали ҳаётини уларсиз тасаввур қила олмайди, ўзбекнинг қадимий қадриятлари, кўҳна маданий меросига қанчалик тазйиқ кўрсатишмасин, онгимиз, қалбимиздан уларни олиб ташлашга нечоғлик уриниш-

масин, барибир ўзини ўзбек элининг чинакам ватанпарвар фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир инсон онгида, қалбида сақланиб қолаверади.

Тўғри, бу жараён муайян йўқотишларсиз бўлмади. Яқин ўтмишда нақд бўлмаса, тилимиз, динимиз, муқаддас анъаналаримизни йўқотаёздик. Аммо истиқлол туфайли, мустақиллик шарофати билан бу йўқотишларга чек қўйилди. Бугун уларни тиклаш, янги давр, янги талаблар даражасига монанд даражада ривожлантира боришга эришмоқдамиз.

Бу ҳақда ёрқин мисоллар келтириб ўтиш фойдали бўлади.

Тарихий хотира жонланганини айтиб, Амир Темури, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий сингари буюк боболаримиз ҳурмати боис қилинган ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Чунончи, Амир Темури ҳурмати уни ўрнига қўя олди. Унинг 660 йиллик юбилеи зўр тантаналар билан нишонланди. Мамлакатимиз вилоят, туманлари, хўжаликлари, сўлим кўчалари, хиёбонларига Амир Темури номи берилди. Тошкент Марказий хиёбонида соҳибқироннинг суворий ҳайкали ўрнатилди. «Темури тузуқлари» асари чоп этилди.

1996 йил «Амир Темури йили» деб эълон қилинди. Шу йилнинг 18 октябри куни Темурийлар тарихи давлат музейи очилди. Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида катта тадбирлар ўтказилди. Бу шаҳарларда ҳам ҳайкаллар ўрнатилди, «Амир Темури» ордени топширилди. Соҳибқирон таваллуди 50 дан ортиқ мамлакатда нишонланди.

Алишер Навоийнинг 550 йиллиги кенг нишонланди. Мирзо Улугбекка бағишланган тадбирлар амалга оширилди. 1994 йил «Улугбек йили» деб эълон қилинди.

Қўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Файзулло Хўжаев ва бошқа жамоат арбобларининг юбилейлари ҳам ўтказилди.

Ўзбек халқининг энг қадимий байрами «Наврўз» яна нишонлана бошланди. Рўза-рамазон ҳайити, Курбон ҳайити кунлари дам олиш кунлари деб эълон қилинди.

Диний қадриятларга алоҳида эътибор берилди. Диний урф-одатларимиз, анъаналаримизни ҳам қайта тиклашга муваффақ бўлдик.

Эски масжидлар таъмирланди, қанчадан-қанча янгилари қурилди. Диний адабиётлар нашр этилмоқда. Мадрасалар билан бирга Ислом университети ҳам дин ишлари бўйича мутахассис кадрлар етиштириш билан шуғулланиб келмоқда.

Ислом оламининг забардаст алломалари Имом Бухорий, ат-Термизий, Баховуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро

ва бошқаларнинг илмий мероси ўрганилиб, кўплаб нусхаларда чоп этилмоқда. Имом Исмоил Бухорий, Имом Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баховуддин Нақшбандийнинг 675 йиллиги ва Хожа Ахрор Валийнинг 600 йиллиги ва бошқа аллоамларнинг юбилейлари кенг нишонланди.

Ислом таълимоти ва фалсафасини, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 майдаги қарори билан Тошкентда ташкил этилган Халқаро Ислом тадқиқот маркази олиб бораётган ишлар эътиборга лойиқдир. Бу марказ миллий кадриятларимизни, ҳақиқий ислом таълимотини мусулмонлар ўрта-сида кенг ёйиш, мавжуд исломий асори-атиқалар тарихини ўрганиш, ислом таълимотига оид нодир қўлёзма асарларни тадқиқ қилиш каби кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари билан яқиндан шуғулланмоқда.

Ўзбекистон телевидениеси орқали берилаётган «Маърифатнома», «Зиё» каби кўрсатувлар ҳам ислом таълимотини пухта ўрганишга қизиқувчиларга катта ёрдам бермоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил апрел ойида бўлиб ўтган сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши ҳам исломий кадриятларни тиклашда муҳим воқеа бўлди.

Бу қонунда мамлакатимизда дин ва диндорларга бўлган муносабатлар акс эттирилган бўлиб, унда чунончи, қуйидаги масалаларга ойдинлик киритилган:

Ҳар бир фуқаро ўз маслаги, ўз эътиқодининг ҳақиқий соҳиби ва бунини у эркин намоён эта олиши мумкин.

Диндорлар ва диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Диний ташкилотлар, уламолар ва руҳонийларнинг жамият ҳаётининг ҳамма, айниқса, маънавият, маданият билан боғлиқ жабҳаларида фаол ҳаракатлари учун зарур бўлган шароит ва имкониятлар яратилди.

Диний ташкилотлар Адлия вазирлиги томонидан бошқа жамоат, нодавлат ташкилотлар каби рўйхатга олинади. Аниқроғи, диний ташкилотларнинг Низомлари рўйхатга олинади.

Диний ўқув юрларида таҳсил олаётган талабалар давлат ўқув юрларида таълим олаётган ўқувчилар, талабалар учун берилган барча имтиёزلардан тўла фойдаланади.

Диний ташкилотларда ёки улар ихтиёридаги корхоналарда меҳнат қилаётган фуқаролар ҳам меҳнат ҳуқуқига биноан ҳамма меҳнат қилаётганлар билан тенгдирлар.

Диний ташкилотларга юридик шахс мақоми берилди.

Ибодатхоналар ва тоат-ибодат буюмлари диний ташкилотларга хусусий мулк сифатида берилди.

Шу тариқа диндорлар ва диний ташкилотларга нисбатан қўлланган чеклашлар бекор қилинди.

Ҳар бир инсон — ёши, жинси, этниқодидан қатъий назар, эндиликда хоҳлаган диний амали ва ишини қилиши мумкин. Номоз чоғи масжидга борадими, бировнинг жанозасига ўтадими, никоҳ қилади-ми, суннат тўйи ўтказадими — бу унинг ўз ихтиёрида.

Шу ерда Президентимиз И. А. Каримовнинг «Туркистон-Пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларини эслаб ўтиш ўринли бўлса керак. Унда шундай сўзлар бор.

«Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, — ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта уни беихтиёр Яратувчининг номи билан боғлайди. Ҳар бир сўзимизни, ишимизни бисмилло айтиб бошлаймиз, яхши-ёмон кунларимизда худога шукрона келтирамиз, тавба киламиз. «Шукур» каломини ҳар куни айтмайдиган бирон бир инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи! Билсангиз керак, пайгамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.) алайҳиссалом ҳам «Шукур» ва «Тавба» деган сўзларни энг кўп ишлатар эканлар.

Биз мана шу ёруғ кунларда яшаётганимиз учун, юрту элимизнинг тинчлиги учун, фарзандларимиз бағримизда эмин-эркин униб ўсаётгани учун Аллоҳ таолога доимо шукроналар айтамиз. Тугилганда қулоғимизга азон айтилади, оила қурганимизда шаърий никоҳ ўқитилади, дунёдан кўз юмганимизда жаноза ўқилади. Ҳатто диндан чуқур хабардор бўлмаган одам ҳам диний урф-одатларсиз, ислоний туйғуларсиз яшай олмайди».

Бу гапларда жуда чуқур маъно бор. Дарҳақиқат, ислом, диний қадриятлар, ислоний тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз ҳаётимизни бир зум ҳам тасаввур қилиш қийин.

Мустабид тузум бизни ана шу бебаҳо қадриятларимиздан батамом маҳрум қилмоқчи бўлди, четдан қараганда ўз ниятига маълум даражада етди ҳам. Натижада у даврларда биз кўчадан тобут кўтариб боришаётган бўлса, дарҳол югуриб келиб елкамизни тутишдан қўрқдик. Худо раҳмат қилсин деб, очикдан-очик юзимизга фотиҳа тортолмай қолдик. Энг яқин кишимиз, ҳатто ота ёки онамиз жанон-

засига боришга ҳам журъат этолмаётган эдик. Оддий бир одам бўлсагу, хўп-хўп, раҳбар бўлсачи? Бориб кўрсин-чи?

Лекин қанчалик оғир дамлар бўлмасин, динимизни, диний қадриятларимизни сақлаб қолдик. Чунки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда бўлди. Бунга эътиқодимиз, имонимиз ҳам ёрдам берди. Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу-шууримизга шу қадар сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан ажратиб бўлмайди.

Советлар даврида, маъмурий — буйруқбозлик тизими ҳукмронлик қилган шароитларда ҳам диний ҳаёт ҳеч қачон тўхтаб қолмади, аксинча ислом оламида хилма-хил фаоллашувлар рўй берди.

Бунга нималар сабаб бўлди?

Собиқ совет тузуми дин ва диндорларга салбий муносабатда бўлиб келди. Ислом динининг ўн минглаб мўътабар руҳонийлари қатагон қилинди, қанчадан-қанча мадрасалар бузиб ташланди.

Миллий ўзликни англаш туйғуси, насл-насабни суриштириш кучайди. Ана шундай шароитда ислом динидан сиёсий кураш учун, омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш воситаларини қўлга киритиш учун қурол сифатида фойдаланиш истагида юрган кучлар пайдо бўлди. Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳадаги кескин ўзгаришлар ўз таъсирини кўрсата бошлади. Расмий ва норасмий ҳаракатлар юзага келди. Улар исломнинг устунлигини тан олиш, бошқа барча динларга нисбатан муросасизлик, исломдан тор миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг асоси сифатида фойдаланишни мақсад қилиб олди. Бу куч, ҳаракатлар Марказий Осиёда ташкил топган янги мустақил давлатларни ўз сиёсий тарафдорлари, иттифоқчилари қилиб олиш ва шу йўл билан уларга ўз таъсирларини ёйишга интилдилар.

Аммо, улар қанчалик уринмасинлар ўзларининг қабиҳ ниятларига ҳеч қачон эриша олмайдилар.

Президентимиз И. А. Каримов айтганидек, оқ-қорани, дўсту-душманни танийдиган халқимиз дин нима-ю сохта ақидалар нималигини, ким пок ниятли художўй инсон-у, ким мунофиқ, риёкор эканини яхши ажрата олади.

Ҳозир дунёда салкам 1 миллиард 300 миллионга яқин одам ислом динига эътиқод қилади. Уларнинг орасида озчиликни ташкил этиб, муқаддас ислом динини ўзига ниқоб қилиб олиб, манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай кучлар, табиийки, ер юзидаги барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белги-

лай олмайди, албатта. Бундан хулоса шуки, биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз.

Президентимиз И. А. Каримов, — «Мен ҳам шу халқнинг бир фарзандиман, шу миллатнинг бир ўғлиман, Алҳамдулиллоҳ, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос ислоний тушунча ва туйғулар менинг қалбимда, юрагимда барқарор ва бу дунё-ю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман», — деган эди.

Пировардида шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, маънавий-маърифий, маданий ислохотларнинг самараси, ўзлгимизни нечоғлик тўғри англай бошлаганимиз, миллий қадриятларимиз, шу билан бирга умуминсоний, умумбашарий қадриятларга қанчалик катта аҳамият бераётганимиз, ўзимизда миллий ғурур, миллий ватанпарварлик ҳис-туйғуларини нақадар жўш урдира олганимиз, янгича фикрлаш, янгича ишлаш, замон, давр талаблари, бозор иқтисодиёти талабларига «лаббай» деб бел боғлай олганимиз билан ўлчанади.

Бу ерда гап, яратувчанлик салоҳиятимизни ишга сола олдикми, миллий сафарбарликка эриша олдикми, ўзимизда янги, миллий истиқлол характерини шакллантира олдикми? — мана шунда. Бунда феъл-атворимиз, характеримиз, ташаббус кўрсатиб, элим деб, юртим деб ёниб ишлаш, яратувчанлик йўлига сафарбар эта билиш ўта муҳим даражада зарурдир.

Замон ўзгармоқда, янгиланмоқда. Эски мезонлар, эски ўлчовлар билан яшаш даври ўтиб кетди, ортида қолди. Эндиликда замон эмас, сен замонга мослашадиган, нафақат замон билан ҳамнафас, балки замондан анча илгарилаб бориш талаб қилинадиган даврлар бошланди.

Тарихимиз, авлод-аждодаларимиз бой маданий тажрибасидан маънавий озуқа ола биладиган, улардан ўринли, самарали фойдалана биладиган, бир сўз билан айтганда, ўзида ўзбек халқига мос, хос ажойиб миллий фазилатларни мужассам эта олган, янгича фикрлай, янгича ишлай оладиган баркамол авлод фарзандлари бўлиш пайти келди.

Ҳозир ҳар қандай ғов-тўсиқларни енгиб ўз орзу истаклари, пировард мақсади сари интилиб яшайдиган комил инсонлар замони. Бундай шароитда фақат эли, юрти манфаатларини кўзлаб, изланиб, тортишиб, тиниб-тинчимай меҳнат қиладиган кишигина ютади ва нафақат ўзига, оиласига, балки бутун халқига нафи тегадиган бўлади. Ана шундай яшашга ҳаракат қилиш — давр талаби.

ҚЎШ ҚАНОТГА АЙЛАНСА...

«Бир сўз билан айтганда, инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ажойиб хилқат, яратганнынг буюк ва сирли мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва ҳислатларни охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала.

Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламини бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади.

Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш — ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади.

Биз истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида интилиб келган орзу-мақсадлари ва замон талабларини, дунёвий тараққиёт мезонларини ҳисобга олган ҳолда, жамиятимиз ҳаётида ана шу икки омилнинг уйғун тарзда ривожланишига алоҳида эътибор қаратдик. Мустақиллик биз учун нафақат иқтисодий, балки беқиёс маънавий имкониятлар манбаи эканини англаб, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, иқтисодий-ижтимоий янгилиниш жараёнларини айнан ана шу асосда ташкил этишга устувор аҳамият бердик.

Шу ўринда баъзи бир сиёсатчи ва назарийчиларнинг, олдин моддий ҳаётни, кейин маънавий масалаларни ўйлаш керак, деган мазмундаги фикрлари мутлақо хато бўлиб, янги жамият, янги ҳаёт қуриш жараёнида фақат зарар етказиши мумкинлигини бутун ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқлаб бермоқда»¹.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Мустақилликнинг дастлабки йиллари миллий қадриятларни тиклаш борасида нималар қилинди?
2. Диний қадриятларнинг тикланиши ҳақида сўзлаб беринг.
3. Қайси урф-одатлар тикланди?
4. Қайси алломаларнинг асарлари нашр этилди?
5. Кимларга ҳайкаллар ўрнатилди?
6. Қайси байрамлар сақлаб қолинди?

¹ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. 67—68-бетлар.

МАВЗУ БЎЙИЧА ҚИСҚА ТЕСТ

1. Маънавий қачон юксак бўлади?

- A) Ҳар бир фуқаро онгли бўлса
- B) Қадр-қиммат кучли бўлса
- C) Қадриятлар юксак қадрланса
- D) Ирода бақувват бўлса

2. Маънавий манбаи нималардан иборат?

- A) Халқимизнинг урф-одатлари
- B) Маънавий мерос, маданий қадриятлар
- C) Диний қадриятлар
- D) Ўзликни англаш

3. Қадриятларни тиклаш қайси шароитда рўй берди?

- A) Мустақиллик шароитида
- B) Эски империя тузуми барбод бўлганда
- C) Янги ижтимоий муносабатлар қарор топаётганда
- D) В ва С

4. Миллий ифтихорни тиклашда нима ғоят муҳим ўрин тутди?

- A) Тарихни ўрганиш
- B) Тарихни тиклаш, тарих хотираси
- C) Қадриятларга муносабат
- D) Ўзаро аҳиллик

5. Маънавий уйғонишнинг манбаи нима?

- A) Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши
- B) Диний мерос
- C) Маънавий мерос
- D) Буюк алломалар фаолияти

6. Минг йиллар давомида Марказий Осиё қандай марказ бўлиб келди?

- A) Хилма-хил динлар, маданиятлар, турмуш тарзлари туташган
- B) Тинч-тотув яшаган
- C) Юксак маъданиятли
- D) А ва В

7. Бу заминда кўп асрлар мобайнида кимлар яшаб келган?

- A) Кўчманчи халқлар ўтроқ халқлар билан
- B) Эронлик қабилалар турк қабилалари билан
- C) Мусулмонлар, насронийлар ва яҳудийлар билан
- D) Барчаси

8. Халқ руҳи қудратининг биринчи белгиси нима?

- A) Ватанпарварлик
- B) Миллий ифтихор
- C) Бағрикенглик
- D) Ҳаммаси

9. Биз учун Турон замин қандай аҳамиятта эга?

- A) Туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг маданият бирлиги рамзи
- B) Умумий уйимиз
- C) Юксак маданият макони
- D) Турли динлар туташган марказ

10. Ислоҳ маданияти ўзида қандай асосларни жамлаган?

- A) Миллий
- B) Диний-руҳий
- C) Маданий
- D) Маънавий

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Амир Темури шахси бутун маърифий инсоният бойлиги.
2. Қомусий билимдон сиймолар.
3. Президент асарларида тарих хотираси масалалари.
4. Оила ва қариндошлик муносабатлари одоби.
5. Билимли, маърифатли жамият.
6. Маънавиятлик ва маърифатлик.

АДАБИЁТЛАР

1. *Ислоҳ Каримов*. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил.
2. *Ислоҳ Каримов*. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил.
3. *Ислоҳ Каримов*. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. — Т.: «Ўзбекистон», 1999 йил.
4. *Ислоҳ Каримов*. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Мулоқот» журнали, 1998 йил, 5-сон.
5. Қалтис саволларга ҳолис жавоблар (Дин ва дунёвий муаммоларга доир). — Т.: «Тафаккур журнали», 1999 йил, 3-сон.
6. Миллий истиқдол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (маъруза матнлари учун материаллар). — Т.: ЎФМЖ, 2001 йил.

8-МАШҒУЛОТ. МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ УМУМБАШАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбек халқи ҳам ер юзидаги барча адолатпарвар, инсонпарвар халқлар сингари доимо боши узра мусаффо, тиниқ, сокин осмон чарақлаб туришини, эллар-элатлар осуда, фаровон, тўкин-сочин ҳаёт кечеришини истайди. У тинчликсевар халқ, барқарорлик тарф-дори.

Бу унинг асрий фазилати. Айнан ана шу фазилати билан у неча-неча асрлар давомида бошқалардан ажралиб турган. Бу фазилат унинг қон-қонига сиңиб кетган. Миллий ғоямиз, миллий тафаккуримизда унинг ана шу олийжаноб хислати ўз ифодасини топгани бежиз эмас.

У умуминсоний қадриятлар, умумбашарий тамойилларга содиқ. Миллий хусусиятлари умуминсоний қадриятлар билан узвий боғлиқ. Ўзининг бетакрор, ажойиб қадриятлари билан умуминсоний қадриятларга ўзига мос тарзда улкан ҳисса қўшиб келган.

Халқимиз азалдан умуминсоний қадриятларга зўр ҳурмат билан қараб келган ва ундан баҳра олган. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида тинчлик, барқарорлик сақлаш йўлидаги сай-ҳаракатлари, ҳукуратимиз, шахсан Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг тинчликни сақлаш соҳасидаги ташаббуси, таклифлари ҳақида, Ўзбекистоннинг дунёда тинчликни сақлаш конвенциясига биринчилар қатори қўшилгани ва бу соҳада қилинаётган ишлар хусусида суҳбат уюштириш яхши бўлади.

Шу баҳона талабалар барча халқлар қатори бизнинг халқимиз учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу масала тўғрисидаги ўз билимларини яна бир бор синаб кўрадилар, бу ҳақдаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, ўзларини қизиқтираётган саволларга жавоб топадилар.

Миллий истиқлол ғояси ўзида миллий ва умуминсоний қадриятларни мужассам этган. Миллий истиқлол ғояси замирида умуминсоний тамойиллар ётади.

Миллий мафкурамиз қонунийлик умумэтироф этилган талаблар, умуминсоний тамойилларга зид эмас. Чунки, у Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократик тамойилларга асосланади.

Шунинг учун ҳам шу она-юрт сарҳадларида туғилиб ўсган, вояга етган, камол топган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро онги ва қалбида инсонга иззат-ҳурмат, инсон ҳақ-ҳуқуқларини сийлаш, инсонпар-

варлик ҳис-туйғулари жўш уриб туради. Ҳар бир одамларга, у қайси миллат, қайси ирққа мансуб бўлмасин, оқ танлими, қора танлими ҳаммага баббаравар, тенг ҳуқуқли муносабатда бўлиш руҳида тарбияланган. У ўзга миллат, ўзга элат фуқаросини ўз биродари деб билади. Унга қўлини кўксига қўйиб, юзида табассум билан «Эй биродар!» деб мурожаат қилади.

Мабодо юртимизга келиб қолгудек бўлса, ўзига хос ўзбекона одат билан самимий кутиб олади ва уйининг тўридан жой беради, бори-ни аямай меҳмон қилади.

Мустақиллик шарофати билан бир қатор чет давлатлардан кўплаб ёшу-қарилар бот-бот юртимизга ташриф буюрадиган бўлиб қолганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Улар бир-икки кунлаб эмас, балки ойлаб, йиллаб ўзбек хонадонидида азиз меҳмон бўлиб туриб кетмоқдалар.

Мисол тариқасида талабаларни «Жаннат макон» журналининг 2007 йил март ойи сонидида «Шарқ ва Ғарб» рукни остиди босилган «Саёҳатнома». Ўзбекистонга ташриф буюрган германиялик ва Германияга саёҳат қилган ўзбекнинг самимий кечинмалар, сарлавҳали мақола билан таништириб чиқиш ўринли бўлади.

Унда Тошкентнинг «Шофайз» маҳалласидида яшовчи Ирода Дадажонова ва германиялик Керстин Кленке бир-бирларининг она-юртларига сафарлари ва бу сафарлардан олган таасуротлари жуда таъсирли қилиб ёзилган.

Худди шу журналнинг 2007 йил апрель ойи сонидида Риштонлик Асрор Мўминовнинг Япониялик Токорозовалар оиласидида ўтказган кунлари ҳақидида қизиқарли ҳикоя қилади.

Бу мақолалар билан яқиндан танишиш Ўзбекистон билан Япония ўртасидидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётгани, энг муҳими икки халқ орасидидаги умуминсоний муносабатларни, иккала халқ ҳам инсонпарварлик бобида бир-бирига жуда яқинлигини яхши англаб олиш имконини беради.

Миллий истиқлол ғояси турли миллат вакиллари билан баҳам-жиҳат яшаш, дунёвий билимларга, маърифатпарварлик, ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини кунт билан ўрганишга интилиш каби умумбашарий қадриятларни эътироф этади ва улардан озиқланади.

Миллий истиқлол ғояси моҳиятида қуйидидаги умуминсоний, умумбашарий тамойиллар ўрин олган.

Энг аввало халқимизнинг асрлар давомидида шаклланиб, сайқал топиб, бойиб, такомиллашиб келган юксак маънавияти, анъана, урф-

одатлари ҳамда авлод-аждоларимиз орасидан етишиб чиққан буюк сиймоларимизнинг бебаҳо, ўлмас меросини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур.

Ўзбек халқи жуда бой ва ранг-баранг маънавий уйғониш манбаларига эга.

Машгулотда ана шулар хусусида яна бир сидра эслатиб ўтиш керак бўлади. Аввало тарих соҳаси хусусида. Миллий ғояни шакллантиришдаги энг катта манба — бу ҳаққоний ёритилган тарихдир.

Ўз халқи, она-юрти тарихини билган инсон ватанпарвар, ўз халқи, юртига содиқ, унинг равнақи, гуллаб-яшнаши учун чинакам фидойи бўлади.

Талаба буни қандай тушунади? Унинг фикрича тарих бизга нима берди? Тарихини яхши билган инсонда қандай фазилатлар намоён бўлади?

Не сабабдан бизнинг маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келмоқда. Машгулот чоғида талабалар билан ана шунинг сирини очиб кўришга ҳаракат қилиш лозим.

Миллий ғоянинг умумбашарий тамойилларидан яна бири, бу адолат ва ҳақиқатни, эркинлик ва мустақиллик ғояларини, халқимизнинг ишонч ҳамда эътиқодини акс эттиришдир. Бу тамойил ўз озодлиги, мустақиллиги, порлоқ истиқлоли учун курашган ҳар бир халқнинг ишончи, эътиқоди бўлиб келган ва ҳозирда ҳам шундай.

Миллий ғоя ҳар бир инсонни адолат билан иш қилишга, ҳақиқатгўй бўлишга даъват этади. Эркинлик ва мустақиллик ғояларини кундалик жўшқин ҳаётимизга изчил сингдира бориш, халқимизнинг эзгу ниятларини шу ғоялар асосида рўёбга чиқаришга сафарбар этади.

Айнан ана шу тамойиллар бўйича мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилган ва ошириб келинаётган чора-тадбирлар ҳақида талабалар билан қисқача суҳбат уюштирилса, миллий ғоянинг бу умумбашарий тамойилини улар яхшироқ тушуниб оладилар.

Миллий ғоямиз юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини танлашга хизмат қилади. Ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро, жамият, халқ муайян мақсад, пировард натижага эришиш учун бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишига сафарбар этади.

Буни талабаларга мукамал тушунтириб ўтиш зарур. Юрт тинч бўлгани тақдирдагина ватан равнақ топади, эл-юрт ривожланади. Юрт тинч бўлса, эл-юрт ривожлана борса, шу юртда умргузарон қилаётган халқ ҳам осойишта, тўкин-сочин ҳаёт кечиради, фаровонликка эришади.

Буни биз мустақиллигимизнинг кейинги йилларидаги тараққиёт даражасидан яққол кўриб турибмиз.

Талабаларда бунга ишонч уйғотиш учун беш-олтита асосий статистик маълумотларни келтириб ўтиш, улар билан биргаликда таҳлил этиб кўриш зарур. (қаранг: 5-илова).

Онги ва қалби миллий ғоя руҳи билан суғорилган ҳар бир инсон, ҳар бир фидойи фуқаро жуда яхши биладики, ўзи ва оиласи, халқи, ватани олдидаги бурчи ва масъулияти ўлароқ кўп нарса унинг ўзига ўхшаган миллионлаб инсонлар ҳамжиҳат бўлиб ишлай борса кўзланган эзгу-ниятлар, эзгу мақсадлар албатта рўёбга чиқади. Шуни яхши англаган, эртанги порлоқ кунига ишонган инсон шак-шубҳасиз барча эзгу ниятига етади.

Зеро, миллий ғоямиз ҳаммани, барча жамият аъзоларини, аҳолининг жамики қатламларини худди шу йўлда, Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини яратиш йўлида сафарбар этади.

Ҳамжиҳатликда гап кўп. Ота-боболаримиз ҳамма вақт ҳамжиҳат бўлиб яшаб келганлар. Ҳамжиҳатлик авлод-аждодларимизнинг асрий одати. Бу олийжаноб одат халқимизни ҳар қандай оғир шароитларда ҳам, қийин синов йилларида ҳам тарк этмаган. Ҳамжиҳатлик, аҳиллик ҳукм сурган жойда файз-барака осойишталик, адолат бўлади. Бу ҳақда талабаларнинг фикри қандай? Улар ҳамжиҳатликни қандай тушунадилар.

Жумладан, ўз гуруҳларида йил давомида тўпланиб қолган муаммоларни қандай ҳал этадилар? Биргаликда, яқдиллик билан, бамаслаҳат ҳал қилишга ўрганганмилар!?

Машғулотда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йилнинг 24 апрель кунини Тошкентда Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқи ҳақида сўзлаб бериш керак.

Маълумки, Ислом Каримов ўзининг «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ» деб номланган бу нутқида жорий йилнинг март ойи охири — апрель ойи бошида мамлакатимизда рўй берган ва бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган фожеали воқеаларга принципиал сиёсий баҳо бериб, бу террорчилик ҳаракатларини жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузиш, халқимизни дунёвий, демократик ривожланиш йўлидан қайтаришга уриниш сифатида баҳолади.

* Мамлакатимиз раҳбари халқаро террорчилик, экстремизм ва диний ақидапарастликнинг намоён бўлиш сабабларини чуқур ва ба-

тафсил таҳлил қилиб, улар Ўзбекистоннинг бугунги куни ва келажак учун хавфли эканлигини қайд этди.

Президент мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳар бир фуқаро зиммасидаги масъулиятли бурч эканлигини таъкидлаб, сессия қатнашчиларини бундай таҳдидларга қарши кучли кучайтиришга чақирди.

Ватан шу юрт, шу маконда туғилиб ўсган, камол топган ҳар қайси йигит-қиз учун саждагоҳ каби муқаддасдир. Эли, она-юрти, қишлоғи, тумани, вилояти, бутун давлати, мамлакати унинг учун азиз, қадрдон. Ватанни севмайдиган, ардоқламайдиган, у билан ғурурланмайдиган, фахрланмайдиган инсон йўқ. Ватанга муҳаббат, садоқат руҳи ўзини шу юрт фарзанди, соҳиби деб билган ҳар бир фидойи фуқаро қалбида доимо жўш уриб туради.

Миллий ғоямиз кишиларда ана шу туйғуни доимо аланглатиб туради, уларга илҳом, куч-қувват бағишлайди, Ватан учун жонкуяр, фидойи бўлишга ундайди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ватан туйғуси тўғрисидаги куйидаги ниҳоятда маънодор сўзларини эсланг:

«Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдири отиб, юксала боради. Бу илдири қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади».

Истиқлол ғояси умумбашарий қадриятларни эътироф этади ва улардан озиқланади.

Миллий ғоямиз учун барча инсонпарвар қонунлар устувор. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилгани ҳолда, барча ишда қонун, тартиб-қоидаларга амал қилишга тақозо этади.

Миллий ғоямиз фикрлар хилма-хиллиги, хурфикрлилик тарафдори. У инсонпарварлик эзгу ният-мақсадлари, яхши тилак-истаклар билан йўғирилган барча фикрларни қўллаб-қувватлайди. Унинг учун виждон эркинлиги олий устувор қонун.

Шу билан бирга дунёвий билимларни эгаллашга интилиш, маърифатпарварлик ғояларига содиқ.

Миллий ғоя ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш билан боғлиқ барча эзгу қадриятлар ҳисобига бойиш, сайқал топиш, ривожланишни тақозо қилади. Миллий ғоямизга диний бағрикенглик хос.

Ҳозирги кунда республикамизда 15 та диний конфессия уюшмалари фаолият юритмоқда. Бизда диндорларнинг диний туйғулари

ҳурмат қилинади, диний эътиқодлар фуқаролар ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олинади. Диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқлари тенг кафолатланади ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўйилмайди.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасида таъкидланганидек, ҳар бир инсоннинг ҳур фикрлаш, виждон ва дин эркинлигига бўлган ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Дин биз учун бундан кейин ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилувчи қудратли куч.

Талабалар эътиборини Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари, шунингдек Президентимизнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларига қаратиш ва уларга дин масалалари, уларнинг биз учун катта назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, улар ҳақида фикр алмашиш керак бўлади.

ИНСОННИ ТУШУНА БИЛИШ КЕРАК

«Маънавият инсоннинг қон-қони, суяк-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўғити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Айниқса, табиатга, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озик беради, уни янада кучайтиради.

Жаҳон халқлари тажрибаси, уларнинг босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўллари, бу борадаги сабоқ ва хулосалар шундан далолат берадики, қаердаки давлат ва жамият тараққий топса, халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши, ўз олдига эзгу ва буюк мақсадлар қўйиб яшаши учун етарли шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша ерда эркин фикрлаш муҳити ва шу асосда маънавий юксалиш учун янги имкониятлар туғилади.

Умуман олганда, инсоният тарихи маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳроқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди.

Ўйлайманки, ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун ҳам ўзлигини, инсоний қадр-қимматини англаб етган ҳар қандай одам бу ҳақда ўйламасдан яшашини тасаввур қилиш қийин»¹.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Нима сабабдан сувни асраб-авайлаш керак?
2. Умуминсоний қадриятлар деганда нималар назарда тутилади?
3. Қонун устуворлиги нима дегани?
4. Нималар миллий қадрият ҳисобланади?
5. Виждон эркинлиги ҳақида сўзлаб беринг.
6. Ҳаётни эркинлаштиришнинг нима аҳамияти бор?

МАВЗУ БЎЙИЧА ҚИСҚА ТЕСТ

1. Миллий ғоя нималарга асосланади?
А) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига
В) Миллий ва умуминсоний қадриятларга
С) Демократия тамойилларига
D) Барчасига
2. Миллий ғоя нималардан озиқланади?
А) Халқимизнинг юксак маънавиятидан
В) Анъана ва удумларидан
С) Боболаримиз меросидан
D) Ҳаммасидан
3. Миллий ғояда нималар ўз ифодасини топган?
А) Адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари
В) Халқимизнинг ишонч ва эътиқоди
С) Меҳр-муҳаббат, иззат-ҳурмат туйғулари
D) А, В
4. Миллий ғоя нималарга хизма қилади?
А) Эзгуликка
В) Инсонпарварликка

¹ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. 28—29-бетлар.

- C) Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга
- D) Тинчлик, барқарорликка

5. Миллий гоё нималарга сафарбар этади?

- A) Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга
- B) Умумхалқ ҳашарини ташкил этишга
- C) Ҳамжиҳатликка
- D) Фаровонликни таъминлашга

6. Миллий гоё қандай туйғуни қарор топтиради?

- A) Она-Ватанга муҳаббат
- B) Мустақиллик гоёларига садоқат
- C) Ўзаро ҳурмат
- D) Аҳиллик

7. Миллий гоё қандай йўл билан сингдирилади?

- A) фикрлар хилма-хиллиги
- B) виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда
- C) маърифий йўл билан
- D) барчаси

8. Миллий истиқлол гоёсининг моҳияти мағзини нима ташкил этади?

- A) Фуқароларимизнинг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигини мустаҳкамлаш
- B) Бағрикенглик
- C) Инсонпарварлик
- D) Адолат

9. Ҳар бир халқ қалбида яшайдиган энг азиз, муқаддас туйғу нима?

- A) Ватан туйғуси
- B) Эл-юртига садоқат туйғуси
- C) Меҳр-шафқат туйғуси
- D) Адолат туйғуси

10. Мафкура қандай куч?

- A) Миллий ўзликни англатувчи
- B) Истиқлолга элтувчи
- C) Фаровонликни таъминловчи
- D) Комил инсонни шакллантирувчи

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Жамоа-жамоа бўлиб яшаш — энг яхши турмуш тарзи.
2. Жамоатга юксак ҳурмат-эътибор — инсоннинг олийжаноб фазилати.
3. Она тилига эътибор — миллат руҳига эътибор.

4. Каттага ҳурмат ва кичикка иззат.
5. Оила — муқаддас.
6. Ҳашар — қадимий ва олийжаноб удум.

АДАБИЁТЛАР

1. *Ислоом Каримов*. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил.
2. *Ислоом Каримов*. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. — Т.: «Гафаккур» журнали, 1992 йил, 2-сон.
3. *Ислоом Каримов*. Хушёрликка даъват. Т.: «Ўзбекистон», 1999 йил.
4. *Ислоом Каримов*. Миллий истиқлол мафқураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. — Т.: «Ўзбекистон», 2000 йил.
5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: «Ўзбекистон», 2000 йил.
6. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. — Т.: «Шарқ», 1998 йил.

9-МАШҒУЛОТ. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИНГ БОШ МАҚСАДИ — ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ҚУРИШ

Инсон яралибдики, доимо озод, ҳур маконда умргузаронлик қилишни истаб келган ва бунинг учун имкони борича курашган. Озодлик, эркин-эмин ҳаёт одамлар учун ҳамма нарсадан улуг ва олий неъмат ҳисобланган.

Бу ҳар бир инсоннинг табиий эҳтиёжи, орзу-истаги. Эркини ўз қўлида сақлаб қолган инсон ўзи хоҳлаганча яшайди, ўзи истаган ишини қилади. У ҳеч кимга қарам эмас, бировга боқиманда, товон бўлмайди.

Ҳур ўлканинг фуқароси ҳеч нимадан кам бўлмайди, ҳеч ким уни камсита олмайди, равнақ йўлига, истак-орзуларига ғов бўлолмайди.

Афсуски, собиқ шўролар даврида биз ўзимизни ана шундай ҳис қилолмадик. Кўпгина инсоний ҳақ-ҳуқуқларимиз поймол қилиб келинди, кўп соҳаларда эркимиз ўз қўлимизда бўлмай қолди.

Қатор масалаларда биз билан ҳисоблашмай қўйишди, ўз қобиғимизга ўралиб қолдик, ўзга юрт, ўзга халқ, давлатлар билан бевосита алоқа қила олмадик. Бебаҳо ва улкан бойликларимизга бировлар хўжайинлик қилди.

Яхшиямки, мустақиллик бўлиб, яна озод, эмин-эркин ҳаёт йўлига ўтиб олдик.

Мустақил давлатимиз рамзи — гербимизда хумо қуши қанот ёзди, мадҳиямизда «Бағрикенг ўзбекнинг ўчмас имони, эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот» сўзлари баралла янтрамоқда.

Миллий истиқлол ғоямиз даъвати билан бутун мамлакатимиз миқёсида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш сари умумхалқ кураши авж олмақда.

Бу курашда ёшу қари, эркагу аёл, турли миллат вакиллари, — барчамиз бир тан-бир жон бўлиб, миллий ғоя байроғи остида жипслашиб, янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилишга астойдил киришдик ва бу олийжаноб бош вазифани адо этишда янгидан-янги довлонларни ошиб ўтмоқдамиз. Бу — табиий ҳол. Негаки озодлик ва мустақиллигини ривожлантириб, кучли давлатдан кучли жамият сари интилаётган халққа Аллоҳнинг ўзи кучкуват бахш этмоқда. Миллий истиқлол ғояси ёруғ маёқдай йўл кўрсатиб турибди.

Бу курашда нима қилишимиз керак? Қайси муаммоларни ҳал этмоғимиз лозим? Қай йўллар билан? Шунини нимадан бошламоғимиз зарур? Қайси масалаларга устувор аҳамият берилиши даркор? Ана шу масалалар юзасидан талабаларнинг фикри қандай?

Ҳар бир талабадан сўраб кўришга ҳаракат қилиш лозим. Майли, тўғрими-нотўғрими, иложи борича ҳамманинг фикр-мулоҳазасини эшитиб кўриш керак.

Бу жуда муҳим. Ҳўш талабалар давлатимиз амалга оширган ва амалга оширилаётган ишлардан нечоғлик хабардорлар? Қайси тадбирлардан улар хурсанд, қайси чора-тадбирлар уларнинг кўнглини тўлдирмаяпти, нималардан ранжимоқдалар, орзу-умид, истаклари нима? Нималарни таклиф қилишмоқда?

Комил ишонч билан айта оламизки, элимиз, халқимиз мустақиллик йилларида тарихда мисли кўрилмаган оламшумул ютуқларни қўлга киритди.

Босқичма-босқичлик тамойилига асосан жамиятни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидан ишонч билан дадил илдамлаб бораёпмиз.

Узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режамиз — демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яра-

тиш, юртимизни янада гўзал, файзли, эркин, обод, адолатли юрт қилишдек мураккаб вазифаларни адо этиш йўлида юртимиз бениҳоя катта жасорат ва фидойилик кўрсатмоқда.

Ўтган 17 йил мобайнида, ҳеч муболағасиз айта оламизки, юртимиз бениҳоя чирой очди, қишлоғу шаҳарларимиз ғоятда ободонлашди, кўркига кўрк, ҳуснига-ҳусн кўшилди.

Биргина Тошкентимизнинг ўзини олиб қарайлик. Шаҳарда бир-икки йил бўлмаган одам энди уни танимайди.

Қанчадан-қанча уй-жойлар қад кўтарди. Алишер Навоий номидаги миллий боғ, Амир Темур хиёбони, масжиду мадрасалар, кўҳна Шарқ усулида қурилатган бозорлар ва расталар, замонавий меҳмонхона ва бошқа обидалар, ер ости йўллари азиз шаҳримиз кўрки ва шуқуҳини орттириб юборди.

Юртимизнинг қайси ҳудудиди бўлманг, ҳамма ёқда ана шундай ободончилик ишлари, бунёдкорлик авжида.

Гуруҳ талабалари орасида турли қишлоқ, туман, вилоятлардан ўқишга келган ва вақти-вақти билан туғилиб, ўсган жойларига бориб келаётган, бинобарин, у ерларда бўлаётган ўзгаришлардан яхши хабардор йигит-қизлар кўп.

Улардан сўраб кўриш керак? Уларда қандай ўзгаришлар бўлаяпти. Мустақиллик йилларида қандай бинолар қурилди, ободончилик қай аҳволда? Улар бу ўзгаришлардан қанчалик хурсанд?

Нимасини айтасиз. Ўзгаришлар кўп, кўпгина қишлоқлар эндиликда шаҳарлардан деярли фарқ қилмайди.

Аммо, ростини айтганда, ҳали қилиниши лозим бўлган, ҳали қилинмаган ишлар талайгина. Камчилик, нуқсонлар ҳам йўқ эмас.

Демак, кураш давом этади. Галдаги вазифалар, муаммолар бизни кутмоқда. Нима қилишимиз, ишни нима билан давом эттиришимиз зарур, яъни тараққиётимизнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?

Миллий истиқдол ғояси халқимизни, миллатимизни нимага чорламоқда? Куч-ғайратимиз, ақл-заковатимизни қандай муаммоларнинг ечимини топишга қаратишимиз лозим?

Юртбошимиз Ислом Каримов ўзининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси (2005 йил 28 январь) даги маърузаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига

бағишланган мажлисида сўзлаган нутқи (2007 йил 12 февраль)да бу саволларга аниқ-равшан жавоб бериб ўтди.

Аввало мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик янгилаш, жамиятни эркинлаштириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасида ҳали жудаям кўп ишларни амалга ошириш зарур.

Шундан келиб чиққан ҳолда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ҳаётий масалаларнинг жиловини қўлда маҳкам ушлаб, кўзлаган натижа сари фидокорона меҳнат қилмоғимиз зарур.

Биринчи навбатда иқтисодийнинг барқарор мутаносиб суратларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизацияни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришга эришиш лозим.

Бу соҳада қилинаётган ва қилиниши зарур бўлган ишлар тўғрисида фикр алмашинаётганда Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида кўрсатиб ўтилган масалалар билан талабаларни яқиндан таништириш катта аҳамиятга эга.

Талабаларнинг эътиборини маърузада келтирилган аниқ рақамларга, таъкидлаб ўтилган натижаларга қаратиш зарур.

Айни вақтда галдаги режалар билан таништириб, олдимизда ҳали жуда катта ва масъулиятли вазифаларни адо этишдек муҳим ишлар турганлигини айтиб бериш керак.

Иккинчи устувор йўналишимиз — бундан буён ҳам бизнес, жумладан, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратишдан, давлатнинг иқтисодийдаги иштирокини изчил камайтириб боришдан иборат.

Бу соҳада ҳукумат бир қатор муҳим қарорлар қабул қилганига қарамай, улар ҳамон аниқ натижа бермаётир. Хусусийлаштириш масалалари кўнгилдагидек адо этилмай келинмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эгаларига муносабатда эскича ёндашиш, уларнинг эришаётган ютуқларига ҳасад билан қараш каби иллатларга йўл қўйилаётгани хусусида рўй-рост, очиқчасига, аниқ мисоллар асосида суҳбатлашиб кўриш керак.

Талабалар орасида ота-онаси, ёки бирон яқинлари кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган бўлса, улар қандай қийинчиликлар, ғов-тўсиқларга дуч келаётганликлари ва бу ҳолда қандай чора кўриш зарурлиги ҳақида фикрлашиш зарур.

Учинчи энг муҳим устувор йўналишимиз — хорижий инвестициялар, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларимизни ҳар томонлама кучайтиришдан иборат.

Бу инвестициялар ёрдамида янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технологиялар жорий этилмоқда, натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юксак сифатли бўлишига эришилмоқда.

Яна рақамларга мурожаат қилайлик. 2007 йил учун тасдиқланган инвестиция дастури бўйича 3 миллиард 950 миллион АҚШ доллари миқдордаги инвестиция маблағларини ўзлаштириш кўзда тутилган.

Хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда биргина 2007 йилда 80 га яқин инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.

Бу лойиҳалар Хонжиза ва Учқулоч конларида ҳамкорликда полиметалл рудалар қазиб олиш, Устюрт минтақаси, Орол денгизиди ва бошқа ҳудудларда нефть ва газ бўйича геология-қидирув ишларини амалга ошириш, «Тошкент-Ангрен» темирийўл линиясини электрлаштириш, 16 та энгил саноат корхонасини қайта жиҳозлаш каби кўплаб муҳим ишларни бажаришга қаратилгани ҳақида сўзлаб бериш зарур.

Тўртинчи устувор йўналиш — бу иш ҳақи миқдорини ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб боришни таъминлашдан иборат.

Статистик маълумотлар ва социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, мамлакатимизда 2007 йилда ўртача иш ҳақи камида учдан бир миқдорда ошди, 2010 йилга бориб, яъни яқин уч йил давомида уни 2,5 баробар ошириш кўзда тутилмоқда.

Кейинги йилларда иқтисодиётимиз барқарорлашиб, хўжалигимизнинг барча соҳалари бўйича ўсиш суръатлари муттасил ортиб бораётгани ва аҳоли даромадини ошириш учун шарт-шароитлар вужудга келгани боис ойлик, иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва аҳолига тўланадиган бошқа тўловлар ҳам оз-оздан бўлсада, ҳар йили ошириб борилмоқда.

Мана бу йил ҳам аввалига 1 апрелдан, кейинчалик 1 сентябрдан яна ошди. Шу билан бирга солиқлар миқдори ҳам камайиб бормоқда.

Шу ҳақда, масалан, талабалар стипендияси мисолида, айтиб ўтиш лозим. Тўғри, ҳозирча жуда катта миқдорларда ошириш бўлгани йўқ. Лекин 2010 йилга бориб ва ундан кейинги даврда бу соҳада албатта катта ўзгаришлар рўй беришига ишонамиз.

Бешинчи устувор масала — бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувват-

лаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишдан иборат.

Талабалар ўртасида не сабабдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта аҳамият бериляпти деган савол туғилиши мумкин.

Чунки кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиради, аҳолини иш билан таъминлайди, унинг даромадини оширади.

Кичик бизнес талаб, шароит ўзгаргани ҳамона янги талаб, шароитларга тезда ва ортиқча харажатсиз, осонгина мослашади, энгилгина ва жадал модернизация қилинади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини истаган вақтда ўзгартираверади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланса, мулкдорлар ўрта синфининг шаклланиши кучаяди.

Бу айни замонда иқтисодиётни изчил ривожлантира бориш, мамлакатимизни фаол тараққиёт йўлидан олға етаклаётган фаол характерлантирувчи кучга айланмоқда.

Шу сабабли сўнгги йилларда бу соҳага жуда катта аҳамият берилмоқда.

2007 йилнинг бошида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони қарийб 350 мингга етди, ёки 2000 йилдагига нисбатан 2,3 марта кўпайди. Бугунги кунда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 42,1 фоизни ташкил этмоқда.

Олтинчи устувор йўналишимиз — банк-молия тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш кўламини кенгайтиришдан иборат. Бу соҳада ҳам сўнгги йилларда катта силжишлар рўй берди деб бемалол айта оламиз.

Бугун жами банк капитали триллион сўмдан ошди ва 2000 йилга нисбатан 7,4 марта ўсди, банк муассасалари тармоғи баробардан зиёд кўпайди.

Микрокредитбанк тармоғи ривожланмоқда. Қисқа давр ичида у кичик бизнес субъектларига 25 миллиард сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратди. Мини банклар кўпаймоқда. Уларнинг сони 1800 тадан ортди. Факторинг-лизинг каби янги банк хизматлари жорий этилди.

Талабаларга кредит, мини кредит, факторинг-лизинг каби банк хизмат турларини аниқ мисоллар асосида яхшироқ тушунтириб бериш керак. Талабаларга, ёш оилаларга кредит берилмоқда. Уларни

кредит бериш тартиб-қоидалари, шарт-шароитлари билан яхшироқ таништириш лозим.

Бу ишга яқин-атрофдаги банк ходимларидан бирини машғулотга таклиф этиб, талабаларни қизиқтираётган барча масалалар ҳақида тўлиқ маълумот бериш зарур.

Ва, ниҳоят, еттинчи устувор йўналиш — коммунал хўжалик соҳа-сидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришдан иборат.

Шуни очиқ айтиш керакки, уй-жой коммунал хўжалигида рўй бераётган жараёнларга жиддий эътибор беришга тўғри келади. Бу соҳада муаммолар ҳамон кўп. Уларни танқидий кўз билан баҳолаб, яхшилаб ўрганиб чиқиш, мавжуд камчилик, нуқсонларни ўз вақти-да ва тўла-тўқис тугатишимиз талаб этилмоқда.

Бу масалада талабалар ўртасида ҳам муаммолар тўлиб-тошиб ётиб-ди. Ўзларидан сўраб кўрингчи, қандай шикоятларни эшитишга тўғри келади.

Кўпгина, айниқса бир неча қаватли турар-жойларда ҳар йили совуқ сув етишмаслиги, юқори қаватларга сув чиқмаётгани, қиш кезлари уйлар яхши иситилмаслиги, қувурлар эскириб қолгани каби камчи-ликларга шикоят қилишади.

Нима қилиш зарур? Қандай чора-тадбирлар кўриш керак? Маса-лан, сизлар нимани таклиф қиласизлар, ўз маҳаллангиздаги аҳволни яхши биласизми?

Кўриниб турибдики, халқимизга муносиб турмуш шароити яра-тиш учун ҳали жуда кўп ва ниҳоятда масъулиятли ишларни амалга оширишга тўғри келади.

Бунинг учун «давлатим бор, ўзи қилиб беради», деб қўл қовуш-тириб ўтирмасдан куч-қувват ва саъй-ҳаракатимизни аямасдан, жон-куярлик билан, ҳамжиҳат бўлиб тинмай ишлашимиз зарур.

Миллий ғоямизнинг бош мақсади — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида ҳамма нарсага тайёр турган ҳолда астойдил тер тўкиб меҳнат қилсаккина, бу олийжаноб мақсадларга сўзсиз эришишимиз мумкин бўлади.

БУ — ФАРЗУ САОДАТ!

«Сизу бизнинг орзу-умидимиз — Ватанимизни озод ва обод кўрмоқ, эл-юртимизни фаровон қилмоқ, шу мақсадларни амалга оширишда эзгу излар қолдирмоқдир. Ана шу олижаноб мақсад йўлида баҳоли қудрат хизмат қилмоқ фарзу саодатдир!

Худо ато этган қисқагина умри мобайнида инсон қандай синов-тўсиқларни, шиддатларни бошидан кечирмайди!

Бугунги қийинчиликлар ўтар, гирдоблар тинар. Ватан қолади. Халқ қолади. Диёнат, имон, меҳр-оқибат ўзгармасдир.

Бир ҳолдан ҳаммамизни асрасин: замон ўтиб, қилган ишларимиздан пушаймон еб, виждон азобига дучор бўлмайлик».¹

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ватанпарварлик туйғусининг моҳиятини қандай тушунасиз?
2. Ватан равнақи учун нималар қилиш зарур?
3. Элу-юртини севадиган инсонда қандай хислатлар бўлади?
4. Ватанни обод қилиш йўлида қандай ишлар қилинмоқда?
5. Тошкент қанчалик гўзаллашди?
6. Сиз туғилиб-ўсган ўлка-чи?

МАВЗУ БЎЙИЧА ҚИСҚА ТЕСТ

1. Ҳамма нарсадан улуг ва олий нисмат нима?

- A) Озодлик, эмин-эркин ҳаёт
- B) Мустақиллик
- C) Ҳурфикрлилик
- D) Бахт-саодат

2. Халқимиз қандай қилиб маррага иттилмоқда?

- A) Кучли давлат барпо қилиш
- B) Кучли жамият қуриш
- C) Кучли давлатдан кучли жамият сари
- D) Фуқаролик жамиятини яратиш

3. Собиқ шўролар даврида қандай аҳволда эдик?

- A) Эркимиз ўз қўлимизда эмас эди
- B) Биз билан ҳисоблашмай қўйишди
- C) Бойликларимизга бировлар хўжайинлик қилди
- D) Барчаси

¹ *Ислам Каримов*. Ватанимизнинг салоҳияти ва обрўйини янада оширайлик. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқ. 1993 йил 28 декабрь.

4. Эндиликда биринчи галда қандай устувор йўналишда иш олиб бормоғимиз керак?

- A) Иқтисодиётнинг барқарор, мутаносиб ўсиши
- B) Таркибий ўзгаришлар ва модернизацияни таъминлаш
- C) Техник ва технологик жиҳатдан янгиланиш, солиқ сибсатини эркинлаштириш
- D) Барчаси

5. Иккинчи устувор йўналиш-чи?

- A) Хусусий бизнесни кучайтириш
- B) Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтира бориш
- C) Тадбиркорликка эрк бериш
- D) A, B

6. Учинчи устувор йўналиш нимадан иборат?

- A) Хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш
- B) Инвесторларга шарт-шароит яратиб бериш
- C) Ҳунармандчиликни ривожлантириш
- D) Касаначилик ҳаракатини кучайтириш

7. Тўртинчи устувор йўналиш-чи?

- A) Иш ҳақи миқдорини ошира бориш
- B) Аҳоли турмуш даражасини изчил кўтариш
- C) Пенсия, нафақаларни кўпайтириш
- D) Ижтимоий соҳаларга харажатни ошириш

8. Бешинчи устувор йўналишда нималар қилинади?

- A) Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш
- B) Аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш
- C) Мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш
- D) A, B

9. Олтинчи устувор йўналиш?

- A) Банк-молия тизими ислохотларини янада чуқурлаштириш
- B) Микрокредитни кенгайтириш
- C) Банк капиталини кўпайтириш
- D) Аҳоли даромадини ошириш

10. Еттинчи устувор йўналиш вазифалари нималардан иборат?

- A) Коммунал хўжалик соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришдан
- B) Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш
- C) Илм-фанни жадал ривожлантириш
- D) Солиқ тизимини эркинлаштириш

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Озод ва обод Ватан қуриш — бош мақсадимиз.
2. Эркин ва фаровон ҳаёт-тараққиёт омили.
3. Янгиланиш йўлида.
4. Биз қандай эдик?
5. Энди нималарга эришдик?
6. Тараққиёт сари.

АДАБИЁТЛАР

1. *Ислом Каримов*. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил.
2. *Ислом Каримов*. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1998 йил.
3. *Ислом Каримов*. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1999 йил.
4. *Ислом Каримов*. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2000 йил.
5. Халқ миллий мафкура ва зиёли масъулияти. — Т.: «Тафаккур» журнали, 1999, 2-сон.
6. Баркамол авлод орзуси. — Т.: «Шарқ», 1999 йил.

10-МАШҒУЛОТ. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ

Миллий ғоя ва миллий ривожланиш тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғланган, бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини бойитадиган тушунчалардир.

Миллий ғоя миллий ривож йўналишларини белгилаб берадиган, яқин ва олис режаларга сафарбар этадиган қудратли куч.

Миллий ғояда халқ, миллат, давлат қайси йўналишда ривожланиши, унинг истиқболи, яқин келажаги, орзу-истак, умид-ишончи ўз ифодасини топган.

У жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг ўзига хос дастуриламалидир. Миллий ғоя аҳолини фаолликка, фидойиликка, жонни қуйдириб, тинмай ишлашга даъват қилувчи восита.

Миллий ғоя — бу тараққиёт, ривожланиш сари қудратли ҳаракат манбаи.

Тараққиёт истиқболлари кўп жиҳатдан халқимиз иродаси миллий ғоя атрофида нечоғлик яхши жипслашганига боғлиқ.

Демократик жамиятда демократия тамойилларига амал қилган ҳолда яшаш ва ишлаш миллий ғоя мазмунидан келиб чиқади.

Конституция талабларига бўйсуниб, ижтимоий тартиб-қоидаларга чин дилдан, онгли равишда итоат қилиш соғлом муҳитни яратиш имконини беради. Соғлом ижтимоий муҳит яратилган жойда эса демократик ривожланиш бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Асосий Қонунимиз мавҳум жамият ёки умуман халқнинг эмас, балки ҳар бир инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди, инсонни энг катта бойлик сифатида улуғлайди. Фуқаролик жамиятида қонун устувор, у инсоннинг ўз-ўзини камол топгиришига ёрдам беради.

Ҳар бир фуқаро ҳар жиҳатдан тўла эркинликка эга, лекин шу билан бирга қонунга сўзсиз бўйсуниб шарт.

Талабалар ўртасида яна бир бор Конституциямиз, унинг бўлим, моддалари хусусида суҳбатлашиб, асосий қонунимиз ҳақидаги билимларини эса солиб, қисқача такрорлаб ўтиш зарар қилмайди.

Фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик кенг ва фаол иштирок этаётгани демократик ривожланишда, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга. Шу боис, аҳолининг, хусусан ёшларнинг атроф-теварақда рўй бераётган демократик ўзгаришларга муносабати, ижодий фаоллиги, янгиликка интилиши, давлат ва нодавлат ташкилотлари ишига аралашуви, ташаббус кўрсатиб, ижодий ёндашувига эришиш шу куннинг долзарб масалаларидан бири сифатида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро кундалик жўшқин, ранг-баранг ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз шижоати, билими, малакаси, қалб қўри билан тиниб-тинчимаёй талабдагидек иш олиб борса, ривожланиш, тараққиётга ўз муносиб улушини қўшган бўлади.

Бу улушнинг салмоғи нечоғлик баракали, самарали бўлиши фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқидан онгли равишда, тўғри ва тўлиқ фойдалана билиши, ўзлари қандай бошқарилаётганликлари ҳақида тегишлича маълумотлардан хабардор бўлиб туриш ҳуқуқини яхши англаб олишларига боғлиқ.

Шундай экан бунинг учун нима қилиш керак?

Бу саволга қандай жавоб бермоқ лозим?

Талабалардан сўраб кўринг. Уларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари қандай?

Ишни нимадан бошлаш зарур, нималарга эътибор бериш даркор?

Ҳар бир талаба давлатни, жамиятни бошқаришда, жумладан ўзи таълим олаётган мазкур ўқув юртида ўқув ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда қандай иш қила олишлари мумкин, ҳақ-ҳуқуқларини биладиларми-йўқми, раҳбариятнинг қайси ишлари уларга маъқул, қайси саъй-ҳаракати маъқул эмас.

Ҳозирги кунда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масаласи тобора кўпроқ амалий аҳамият касб этмоқда.

Савол тугилади: фуқароларнинг сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш учун ҳамма ҳуқуқий, демократик шароитлар муҳайёми?

Мавжуд бўлса, аҳолининг ўзи ихтиёрий равишда мамлакат сиёсий ҳаётида тобора кенг ва фаолроқ иштирок этиши аниқ. Нега десангиз, фуқароларимизнинг сиёсий онги ошган, сиёсий жараёнларнинг фарқига яхши ета олади. Шу тугайли, улар турли сиёсий партиялар, жамоатчилик ҳаракатларида тобора кўпроқ қатнаша бошладилар.

Гуруҳ талабалари орасида бирон сиёсий партия, жамоатчилик ҳаракати, жумладан, «Камолот» ёшлар ҳаракатида қатнашаётганлар борми? Бор бўлса, нима билан шуғулланишмоқда. Давлатимизга, жамиятимизга қандай нафи тегмоқда?

«Камолот» ёшлар ҳаракатида иштирок этиш уларга қандай фойда келтирмоқда? Ўзларида қандай ўзгаришлар сезишмоқда?

Талабалар орасида Институт «Камолот» ёшлар ҳаракатининг бошланғич ташкилотига аъзо бўлганлар борми? Бўлса, ташкилот қандай ибратли иш қилмоқда? Талабанинг ўзи-чи?

Жамоа ишларида фаол қатнашиш инсонни чиниқтиради, меҳнатсеварликка ўргатади, атроф-теварақда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ қарамайдиган, пухта ўйлаб, теран фикрлаб иш тутадиган, ҳозиржавоб, тадбиркор, ташаббускор инсон бўлиб камол топишига ёрдам беради. Бундай инсон ёт, бегона, зарарли кайфиятлар, таъсирларга берилмайди, уларни ўзлари танлаган тўғри йўлдан адаштириб бўлмайди.

Тиниб-тинчимас, оилам, элим, юртим деб куйиб-пишиб яшайдиган инсондан фақат эзгулик, яхшилик кутиш мумкин, бундайлардан халқига, ватанига содиқ чинакам инсонпарвар, тинчликсевар, заҳматқаш одам шаклланади.

Комил инсон ўз-ўзига «Мен элим, Ватаним равнақи учун нима қилдим, қандай фойдам тегаяпти» деган ўринли саволни бериб яшайди, шунга қатъий амал қилади, эли, юрти, Ватани дарди билан ҳаёт кечиради.

Фаоллик кишиларни бир-бирига яқинлаштиради, аҳилликка, яқдилликка даъват этади. Шу боис у доимо ҳар қандай ишга тайёр туради, сергак бўлади, нафақат ўзи, шу билан бирга кўни-кўшнилари, қариндош-уруғлари, маҳалладошлари ҳақида ҳам гамхўрлик қилиш, меҳр-оқибатли, меҳрибон, дардкаш, елкадош бўлиб юришга ўрганади.

Лоқайд, бекфарқ, фақат ўзини ўйлаб иш қиладиган, бирон ерда муқим ишлашга сабри чидамайдиган, танбал-дангаса йигит-қизлардан қандай фойда кутиш мумкин.

Шундай экан, ҳар бир фуқаронинг ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқларига таяниб, ҳар ерда — ўқишда, меҳнатда, жамоат орасида, қишлоқда, оилала, уйда доимо ишталаб, сергак, ҳаракатчан бўлиши керак.

Ҳаракатда гап кўп. Сендан ҳаракат — мендан баракат деб бежиз айтишмаган. Бутун оила, бутун маҳалла, бутун қишлоқ, овул бараварига кўтарилса, ҳар қандай иш биздан қочиб кутула олмайди, ҳар қандай олис-яқин режа амалга ошмай қолмайди.

Миллий ғоя бизни шунга даъват этмоқда, ана шундай сафарбарликни талаб этмоқда.

Зеро, миллий ғоя — бу айна вақтда ривожланиш, аниқроғи демократик ривожланиш демакдир. Бинобарин, миллий ғояни рўёбга чиқариш — бу демократик равнақ, тараққиётни таъминлаш демакдир.

Демократик ривожланиш эса кўп жиҳатдан ва биринчи навбатда фуқароларнинг мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаётган ўзгаришларга тўғри муносабатда бўлишига боғлиқ.

Ҳар бир тараққиёт жараёнларини тўғри, чуқур тушуниб, шу йўлда тинмай жонбозлик кўрсата олсагина равнақ, истиқболга ҳисса қўшади.

Бу ҳақда юртбошимиз билдирган фикрни эслаб кўрайлик.

«...Менга буюрса ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай, тинимсиз сафарбар бўлиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу, деб айтган бўлар эдим»¹.

¹ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — энгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008 йил, 165-бет.

Иқтисодиёт соҳасида бўладими, маданият, маънавият соҳасида бўладими, барча жабҳаларда ислоҳотларни маромига етказиш, режаларнинг ўз вақтида ва талабдагидек даражада амалга, ошиши учун қўлидан келганича астойдил ҳаракат қилиш ҳар биримизнинг кундалик одатий ишимиз бўлиши лозим.

Ҳар ким ўз имкони даражасида, билими, салоҳияти, истак-орзусига қараб, умумий ишимизга, майли, қиттаккина бўлса ҳам, ҳисса қўша олса, тараққиёт сари илдамлаётган карвонимиз ҳаракати янада тезлашади, пировард манзил — марра яқинлашади.

Афсуски, орамизда юртимизда кечаётган демократик ривожланиш жараёнларига бефарқ қараётган, томошабин бўлиб, қўл қовуштириб юрган, ҳеч нарса талаб қилмайдиган, ҳеч нарсага аралашмайдиган одамлар ҳам йўқ эмас. Энг ёмони, ана шундайлар билан ёнма-ён яшаб, ёнма-ён ишлаб юрганлар ҳам бундай одамлар билан ишлари бўлмайди, уларни самимий танқид остига олиб, тартибга, фаолликка тортишга ҳаракат қилмайдилар, ўзи хоҳламаганидан кейин менга нима, билганини қилмайдими қабилида бефарқ қарайдилар.

Шу ўринда гуруҳдаги айрим талабаларга, мурожаат қилиб кўрмоқ зарар қилмайди. Улар-чи?! Улар ҳам бефарқ эмасми?! Ахир, машғулотларга яхши қатнашмайдиган, рейтинг синовларини вақтида топширмай, қарздор бўлиб юрадиган, ўқишга, билим олишга ҳаракат қилмайдиган ношуд, беғам талабалар йўқми? Нега уларни ўртага олиб, дўстона танбەҳ бериб, ўз қаторига қўшиб олишга ҳеч ким қизиқмайди?!

Бундай бефарқлик, бепарволик яхшилиқка олиб келмайди-ку?!

Фуқаролар орасида ҳам, талабалар орасида ҳам бундай муносабатга барҳам бериш зарур. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун шиорига амал қилиб яшашга одатланиш лозим. Яқинларинг, дўст-биродарларинг, кўни-қўшнилари, маҳалладошларинг турмуш тарзига, юриш-туриши, саъй-ҳаракатларига меҳрибонлик билан аралашиб туриш, хато, камчиликларини кўрсатиб, улардан ҳоли бўлишларига чин кўнгилдан, яқиндан ёрдам бериш ўзини чинакам инсон деб ҳисоблайдиган ҳар бир фуқаро учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлмоғи керак.

Шуни унутмаслик керакки, демократик ривожланиш учун курашда икир-чикир, майда-чуйда ишлар бўлмайди, тома-тома кўл бўлур деганларидек, ана шу сиз билан биз «икир-чикир», «майда-чуйда» деб ҳисоблаган, кўз илғамас иш, юмушлардан бора-бора тоғдек-тоғдек хирмонлар пайдо бўлади.

Ана шу боис ҳар бир фуқаро аввало ўз турмушини, қолаверса бутун жамият ҳаётини янада яхшилаш йўлида баҳоли қудрат иш қилиб юрса, барча холис нияти, орзу-истаги амалга ошаверади. Демократик ривожланиш йўлидан собит қадам билан босқичма-босқич одимлаб борилаверади.

Демократик ривожланиш учун ҳар бир инсон, ҳар бир фуқарода Ватан туйғуси кучли бўлиши лозим.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Ватан туйғуси, Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади.

Ватанпарварлиги, инсонпарварлиги буюк одамларнинг ўз элига, халқига фаровон турмуш шароитини яратиб бериш йўлидаги барча саъй-ҳаракатлари ҳамиша баракали, салмоқли бўлади.

Ана шу сабабли миллий ғоя ўз юрти, эли, она тили, оиласи, миллий қадриятларини кўз қорачиғидек авайлаб-асраб, эъозлаб, умуминсоний қадриятлар ҳисобига йилдан-йилга тўлдириб, бойитиб, сайқал бериб, жиқлаб боришга даъват этади.

Миллий ғоя ва оила, аёл тушунчалари ўзаро узвий, чамбарчас боғлиқ. Оила ва аёлнинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, қадр-қимматини яхши англаш, уларга миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндашиш миллий ғояни кундалик ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингдириб боришда катта аҳамиятга эга.

Ўз-ўзини бошқариш мактаби, демократия дарсхонаси — маҳалла фаолиятини кенг қўламда ривожлантириш масаласи ҳам шу кунларда энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Ҳар бир фуқаро ўзи истиқомат қилаётган маҳалла ишларида имкон даражада фаол қатнашиб, демократиянинг бу мактаби фаолиятини такомиллаштиришга ҳисса қўшиб борса, ўз ватанпарварлик бурчини адо этаётган бўлади.

Демократик ривожланишни таъминлашда дин масаласига тўғри муносабатда бўлиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Миллий ғоя бу масалада ҳаммамиздан, хусусан ёш авлод вакилларида фақат ислом дини тўғрисида эмас, шу билан бирга умуман дунёдаги барча динлар, уларнинг тарихи, моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишни талаб қилади. Дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини, уларнинг ўзаро таъсирини, улар ўртасидаги мўътадил муносабат бўлишини тақозо этади.

Миллий ғоя — бу юксалиш ғояси. Миллий ғоя ҳар бир фуқаро онги ва қалбида нечоғлик чуқур ўрин олса, демократик ривожланиш учун зарур замин шунчалик бақувват, мустақкам бўлади.

Шу ўринда мустақиллик ва истиқлол йўлида биринчи қадам қўяётган даврда ягона оила бўлиб яшаётган қўпмиллатли халқимизнинг долзарб шиорига айланган сўзларни эслатмоқчиман.

«Шу азиз Ватан барчамизники, унинг фаровон келажаги ва истиқболи учун яшаш, курашиш биз учун энг катта бахтдир.»

«Ишончим комилки, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тоғувликка чорлаётган бундай шиор миллий ғоямиз ва тафаккуримизнинг асосий мезонига айланиб қолса, нафақат бугунги, балки келажак авлодларимизни ҳам асрайдиган ва барчамизнинг эзгу орзуларимизни рўёбга чиқарадиган асос бўлиб хизмат қилар эди. Гап миллий ғоя ҳақида борар экан, ўз-ўзидан уни демократик тамойиллар билан уйғунлаштириш масаласи келиб чиқади. Айтиш керакки, бу осонгина бўладиган иш эмас, балки жуда чуқур илмий-сиёсий, назарий-амалий ёндашувни талаб қиладиган машаққатли жараёндир»¹.

HAZOPAT YCHUN CAVOLLAP

1. Қонун устуворлиги тамойили моҳиятини айтиб беринг.
2. Ижтимоий адолат тушунчаси ҳақида нималарни биласиз?
3. Демократик ривожланишда дин қандай роль ўйнайди?
4. Ҳар бир фуқаро демократик ривожланишга муносиб ҳисса қўшиш учун қандай фазилатларга эга бўлиши зарур?
5. Демократик ривожланиш нималарга боғлиқ?
6. Сиёсий фаоллик ва демократик ривожланиш.

MAVZU BҮЙИЧА ҚИСҚА ТЕСТ

1. Эркинлик нималарни ўз ичига олади?
A) Турмуш қоидалари, инсоний қоидаларни ҳурмат қилишни
B) Шахс орзу-истакларини
C) Ўзаро ҳамжиҳатликни
D) Бағрикенгликни

¹ *Ислам Каримов. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз.* — Т.: «Хуррият» газетаси, 1999 йил, 3—9 февраль сони, 5-бет.

2. Демократия кимнинг иродасини ифодалайди?

- A) Ҳар бир фуқаронинг
- B) Жамоанинг
- C) Кўпчилиكنинг, халқнинг
- D) Давлатнинг

3. Демократик ривожланишда нима катта аҳамиятта эга?

- A) Кишиларимизнинг ғайрат-шижоати
- B) Фуқароларнинг давлатни бошқаришдаги иштироки
- C) Ҳар бир инсоннинг ўз бурчини тўғри тушуниши
- D) Уюшқоқлик, аҳиллик

4. Кишиларни нима бир-бирига яқинлаштиради?

- A) Шижоат
- B) Фаоллик
- C) Мақсад
- D) Орзу-истак

5. Демократик ривожланиш учун ҳар бир фуқарода қандай туйғу кучли бўлиши зарур?

- A) Адолат
- B) Ватан туйғуси
- C) Меҳнатсеварлик
- D) Инсонпарварлик

6. Демократия дарсхонаси нима?

- A) Оила
- B) Жамоа
- C) Маҳалла
- D) Ўз-ўзини бошқариш органи

7. Президентимиз ўз сўзида ҳақиқий қаҳрамонликни қандай таърифлади?

- A) Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш
- B) Ўзини тинимсиз сафарбар этиб бориш
- C) Шу фазилатни кундалик фаолият мезонига айлантириш
- D) Барчаси

8. Нега халқ қарвонини ҳеч қандай куч ортга қайтара олмайди?

- A) Чунки маънавияти бор
- B) Ватан туйғуси кучли
- C) Иродаси бақувват
- D) Имони бут

9. Бизнинг эзгу ниятларимиз замирида нималар мужассам?

- A) Пок ният
- B) Буюк ишонч
- C) Орзу-умид
- D) A, B

10. Биз доимо нимани юксалтира боришимиз зарур?

- A) Маънавий бойликни, маънавиятни
- B) Халқ иродасини
- C) Келажакка ишончни
- D) Маданиятимизни

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Пок ниятли одамлар орасида.
2. Ёшлар қандай турмуш тарафдори.
3. Демократик ривожланиш давр талаби.
4. Тараққиёт истиқболлари.
5. Мен юртимга нима бердим?
6. Биз буюк келажакка интиламиз.

АДАБИЁТЛАР

1. *Ислоҳ Каримов*. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2000 йил.
2. *Ислоҳ Каримов*. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1999 йил.
3. *Ислоҳ Каримов*. Маънавий юксалиш йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1998 йил.
4. *Ислоҳ Каримов*. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. — Т.: «Ўзбекистон», 1994 йил.
5. Халқ миллий мафкура ва зиёли масъулияти. — Т.: «Тафаккур» журнали, 1999 йил, 2-сон.
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: «Ўзбекистон», 2001 йил.

11-МАШҒУЛОТ. МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК, МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК

Миллий истиқлол ғоясида миллатлараро тотувлик, миллий ва диний бағрикенглик ғоялари ҳам мужассамлашган.

Негаки, Ўзбекистон кўп миллатли, яъни полиэтник мамлакат. Унинг бағрида 130 дан ортиқ миллат, элат вакиллари истиқомат қилади.

Турли миллат, элат одамларининг ёнма-ён, қўни-қўшничиликда яшаши аждодларимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган жуда азалий одати.

Ўзбек халқи, ота-боболаримиз учун бу энг олийжаноб, энг хушрўй расм. Миллати, тили, маъданияти, урф-одатлари, анъаналари қанақа бўлишидан қатъи назар ҳамма билан аҳил-иноқ яшашга ўрганган.

Туркистон заминидан неча асрлардан буён ёнма-ён яшаб келаётган қадимий туркий ва эроний халқларнинг ўзаро муносабатлари самимийлик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат, қўни-қўшничилик асосида ташкил топиб келган. Хусусан қозоқ, қирғиз, тожик, туркман халқлари билан бутун Туркистон ҳудудининг истаган жойида, хоҳлаган халқ вакиллари билан ёнма-ён, ҳатто аралаш ҳолда истиқомат қилган.

Асрлар давомида шаклланиб келган бу муносабатлар Туркистон ҳудудида яшаётган қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва бошқа нисбатан озчиликни ташкил этадиган миллат, элат одамлари орасида тобора мустаҳкамланиб, такомиллаша борди.

Кўп элатлилик омили, Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, бу халқларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлидаги тўғаноққа айланиб қолмаган. Аксинча, тараққиётнинг жадаллашувига ёрдам берган, демократик ўзгаришларни жадаллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг, фуқаролик жамияти қуришнинг таъсирчан воситасига айланиб қолган.

Маълумки, кўп элатли мамлакатларда миллатлараро муносабатларда уйғунлик бўлмаса, халқлар ва давлатларни анча орқага улоқтириб ташлайдиган оғир ижтимоий-сиёсий фалокатлар рўй бериши мумкин. Бинобарин, кўп элатлилик нафақат муайян давлат, ҳатто бутун минтақанинг ички сиёсий барқарорлиги ва миллий хавфсизлигига путур етказиши ҳеч гап эмас.

Шундай экан бу масала кўп элатли давлатлар жумласига кирувчи Ўзбекистон учун ҳам жуда долзарб масала. Шу боис миллий истиқлол гоёси бу масалани ўта зийраклик ва ниҳоятда нозиклик билан ҳал эта боришни талаб қилади.

Этник ва миллатлараро омиллар нима? — деган савол туғилади. Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорликни сақлаб туриш учун қандай этник сиёсат олиб бориш керак?

Ҳар қандай миллат — бу инсоният бойлигидир. Бинобарин, ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусият-

ларининг йўқ бўлиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда Ер юзидаги маданий ва генетик фонд, шахс имкониятлари қашшоқлашади. Демак, ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш барча давлатлар, халқлар учун жуда зарур.

Айни вақтда бир миллатнинг бошқа миллат ёки бошқа халқлар вакиллари камситишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Бирон миллат, бирон этнос вакиллари бошқаларга такаббурлик билан, менсимай муносабатда бўлиши мумкин эмас.

Шу билан бирга Марказий Осиёда яшаётган бир халқни бошқасига қарама-қарши қўйиш, миллий устунлик мавжудлиги ҳақидаги афсоналарни тарқатиш йўлидаги ҳар қандай уринишларнинг олди олиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг II боб 8-моддасида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.¹

Қомусимизнинг «Давлат суверенитети» ҳақидаги I боб 4-моддасида ёзилган:

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди.²

Кўриниб турибдики, халқнинг бирлиги, жипслиги ва осойишталиги — бебаҳо бойлигимиз.

Шуни эътиборга олиб, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган турли миллат, элатлар вакилларига ўз маъданиятлари, урф-одат, анъаналари, тилини ривожлантиришлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Гуруҳда турли миллат, элат вакиллари таълим олади. Ана шулардан сўраб кўриш керак: улар қандай шароитда яшашмоқда, ўзларини нимадан камситилган деб ҳисоблашади, мавжуд имкониятлардан хурсандмилар, нималарни хоҳлашади?

Янада яхшироқ имкониятларга эга бўлиш учун ўзлари нималар қилишди ва қилишмоқда?

Ҳукуматимизнинг бу соҳадаги тадбир-чораларидан яхши хабардормилар?

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 1999, 7-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 1999, 6-бет.

Ўзбекистон Ҳукумати, шахсан Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда яшаётган турли миллат, элат вакиллари ўз она тили, маданияти, анъаналари, урф-одатлари, миллий, диний маросимларини сақлаши ва янада ривожлантириши учун зарур шарт-шароит, имкониятларга эга бўлишлари ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

1992 йилнинг 13 январида Республика Байналминал маркази ташкил этилди. Марказ мустақил муассаса ҳисобланиб, унга Ўзбекистонда яшаётган миллий гуруҳларнинг маданий эҳтиёжларини ўрганиш ва қондириш масалаларида давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотларига ёрдам бериш вазифалари юклатилди.

Бирин-кетин турли миллат, элат, этник гуруҳ вакилларининг вилоят, шаҳар маъданият марказлари тузилди.

Ҳозирда Ўзбекистонда 136 та миллий маданий марказ ишлаб турибди.

1994 йилда ташкил топган Рус маданият маркази Ўзбекистонда яшаётган руслар ўртасида жуда катта маданий-маънавий чоратадбирларни амалга ошириб келмоқда. Унинг бўлимлари мамлакатимизнинг барча вилоят, йирик шаҳарларида рус тили, рус маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналарини сақлаш ва янада ривожлантиришга қаратилган талайгина ибратли ишларни амалга оширмоқда. Марказнинг ўз ахборот органлари бор, республика радиоси орқали қатор қизиқарли материаллар эшиттириб борилади.

Тошкентда, шунингдек Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда немис, арман, қозоқ, туркман, араб, қирғиз, тожик, беларусь, юнон, грузин ва бошқа кўплаб маданий марказлар ўз ватандошлари ўртасида катта амалий-тарбиявий ишларни ташкил этиб келмоқда.

Ўзбекистонда кўпгина миллат, элат вакилларининг ўз мактаблари бор. Ҳозирги кунда 9500 га яқин мактаб уларнинг фарзандларини ўз она тилида ўқитиб келаётган бўлса, шулардан 845 таси руслар учун, 595 таси қозоқ ўғил-қизлари учун, 339 таси тожиклар, 66 таси туркманлар, 63 таси қирғизлар учун ташкил этилган. Педагогик ўқув юртларида рус, татар, корейс, тожик тили ва адабиёти факультетлари педагогик кадрлар етиштириб бераёпти.

Маданият марказлари ўз она тили ва бошқа тиллар, шунингдек ўтмиши, маънавий ва маданий меросини ўрганишга жиддий эътибор бермоқда. Кўпгина маданият марказларида турли тўғарақлар,

клублар ташкил этилган. Улар вақти-вақти билан тасвирий санъат, графика ва бошқа соҳалар бўйича кўргазмалар ташкил қилишмоқда. Халқ сайллари ўтказиб турилади. Меҳнат байрамлари, анъанавий байрамлар, диний байрамлар ташкил этилмоқда.

Амалий машғулотлар вақтида миллий маданият марказлари олиб бораётган кўп қиррали, сермазмун, қизиқарли ишлар ҳақида батафсил сўзлаб бериш керак. Айни пайтда ҳар бир талабанинг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини эшитиб кўриш катта тарбиявий аҳамиятга эга. Шунинг учун маданият марказлари ҳақида сўзлаётганда, гуруҳда қайси миллат вакиллари борлигига қараб, талабанинг ўзини гапиртиришга ҳаракат қилиш керак. У шундай марказ борлигини биладим-йўқми, у қаерда жойлашган, бошлиғи ким, кимлар у ерда иш олиб бормоқда. Улар қандай тадбирлар ўтказишмоқда, талаба қайси тадбирларда қатнашди, таасуроти қандай, маданият марказида нималарни эшитиш-кўришни истар эди?

Бирон, маданият маркази билан яқиндан таниш бўлган ва марказ фаолиятида фаол қатнашаётган талабанинг мазкур марказ ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини эшитиш, муҳокама қилиш, унга шу тўғрида реферат ёзишни таклиф қилиш айни муддао бўлади.

Талабаларнинг қайсиларидир маданият марказлари борлигини эшитмаган, эшитса-да бунга қизиқмаётган бўлса, унинг бу иши мутлақо тўғри эмаслигини ётиғи билан тушунтириб, унда маданият маркази ишига қизиқиш уйғотиш ўқувчининг муҳим вазифасидир. Ўз тили, анъаналари, расм-русум, урф-одатларини яхши билиш фақат унинг ўзи учунгина эмас, айни вақтда келгуси авлоди, фарзандлари учун ниҳоятда зарур эканлигини улар онгига сингдира бориш лозим.

Миллий маданият марказлари тарихи, фаолиятини ўрганиш юзасидан талабаларга алоҳида топшириқлар бериш, анкета сўровлари ўтказиш катта фойда келтиради.

Амалий машғулотга бирон миллий маданият маркази раҳбар ходимларини таклиф қилиш, маданият марказларига экскурсиялар уюштириш, маданият марказлари билан биргаликда тадбирлар ташкил этиш ҳам яхши натижа беради.

Миллатлараро тотувлик равнақ, тараққиёт учун жуда катта аҳамиятга эга. Миллатлараро тотувлик ғояси — бир жамиятда, давлатда яшаб, ягона мақсад йўлида ҳамкорликда меҳнат қилаётган турли миллат ва элат кишилари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир.

Бу ғоя ҳар бир миллат, элат вакилларининг орзу-истаклари, истеъдоди ва салоҳиятини тўла намоён этиш ва рўёбга чиқариш учун

шароит яратади ҳамда уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади.

Миллатлараро тотувликка таҳдид соладиган ҳар қандай ғов-тўсиқларни тағ-томири билан қўпориб ташлаш, тотувликнинг барқарор ва мустаҳкам бўлишини таъминлаш миллий истиқлол ғоясининг муҳим вазифасидир.

Миллий истиқлол ғоясини миллий ва диний бағрикенглик ғояларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бағрикенглик ўзбек халқининг энг кўҳна, азалий, олийжаноб фазилатларидан бири. Халқимизга хос матонат, олийжаноблик, меҳрибонлик, вафо ва садоқат сингари фазилатлари орасида бағрикенглик алоҳида ўрин тутади.

Қандай одамни бағрикенг инсон дейилади? У қайси хислатлари билан бошқалардан ажралиб туради? Нега инсон бағрикенг бўлиши керак? Бағрикенгликдан ўзига ва атроф-теварақдаги инсонларга қандай наср бор?

Талабалар билан ана шу ва бу тушунча билан боғлиқ бошқа масалалар ҳақида ошкора, дўстона мулоқот уюштириш зарур.

Талаба бағрикенгликни қандай тушунади... ўзи-чи, ўзи бағрикенг инсонлар қаторига кирадими? Қаерда, қачон, қандай бағрикенглик қилди?

Бағрикенг инсон самимий, меҳрибон, дилкаш, феъли юмшоқ бўлади, ичиқоралик қилмайди. У ўзгалар ютуғи, хурсандчилигидан хурсанд бўлади, ҳасад қилмайди, ҳавас қилади.

Бу хислат халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб, тобора сайқал топиб, ривожланиб келаётган хислати. У жуда кўп ҳолларда ўзини баралла намоён қилди, не-не оғир, мураккаб синовлардан ўтмади, не-не оламшумул яхшиликларни қилмади. Айниқса уруш йилларида бу хислат ҳаммага ниҳоятда асқотди. Ўзга ўлкалардан кўчиб келишга мажбур бўлган турли миллат вакилларига уйининг тўридан жой берди, ўзига етмай турган нонни улар билан баҳам кўрди, ўзга юрт болаларини ўз болаларидек бағрига босиб, ичирди, едирди, кийинтирди, дардига малҳам бўлди.

«Сен етим эмассан» бадий кинофильмидан мисол кеттирилса яхши бўлади. Ғофур Фуломнинг шу номли шеърини ўқиттириб эшиттириш керак.

Ўзбек халқининг бағрикенглик фазилатидан ҳикоя қилувчи бадий адабиёт намуналаридан лавҳалар айтиб берилса айти муддао бўлади.

Бағрикенглик хусусида талабаларнинг ўзлари нима деркин? Қандай мисолларни билишади?

Шулар ҳақида сўзлашиш, қизиқарли суҳбат уюштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбек халқининг диний бағрикенглиги ҳам ҳар қандай таҳсинга сазовор. Динга самимий муносабат, тақводорларга иззат-ҳурматда бўлиш халқимиз табиати ва феълига хосу-мос азалий одат, ота мерос.

Диний бағрикенглик халқимизда неча асрлардан бери равнақ топиб, ривожланиб, тобора мустаҳкамланиб келмоқда. Маълумки турли дин, диний оқимлар милоддан аввалги даврлардан буён ёнма-ён яшаб келмоқда. Зардуштийлик, насроний, моний, будда, шаманликнинг ҳудудимизда ҳукм суриб келганлигининг ўзи фикримизга яққол далил бўлади. Тарихга назар солсак бизнинг минтақамиз асрлар давомида ғоят ранг-баранг динлар, маданиятлар, турмуш тарзлари туташган, халқлар бир-бирлари билан тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келганини кўрамиз.

Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки йиллардан оқ, ҳукуматимиз, шахсан юртбошимиз бу масалага энг долзарб масала сифатида ёндашиб, виждон ва дин эркинлиги юзасидан тегишли муҳим қарорлар қабул қилганлиги бизда динга, тақводорларга бўлган муносабат яхши йўлга қўйилганидан далолат бериб турибди.

Зеро, жамиятимизнинг диний-руҳий асосларини, халқимизнинг минг йиллик маънавий-ахлоқий юксалиш тажрибасини ўзида жамлаган ислом маъданиятини тиклаш ғоятда муҳим эди.

Ўзбекистон — дунёвий давлат. Дин давлатдан айри бўлса-да, ажратилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида белгилаб қўйилганидек, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Ана шу кўрсатмаларга мувофиқ диний урф-одатларимиз, анъаналаримизни тиклашга жиддий эътибор берилди.

Дин, диндорлар ва диний ташкилотларга нисбатан қўлланилган чеклашлар бекор қилинди.

Ҳар бир инсон ёши, жинси, эътиқодидан қатъи назар, эндиликда хоҳлаган диний амали ва ишини қилиши мумкин. Намоз чоғи масжидга борадими, бировнинг жанозасига ўтиб келадими, никоҳ қиладими, суннат тўйи ўтказадими — бу унинг ўз ихтиёрида.

Шу ерда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон-Пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларини эслаб ўтиш ўринли.

Унда шундай дейилган эди:

«...Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлимизни йўқотамиз. Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта уни беихтиёр Яратувчининг номи билан боғлайди. Ҳар бир сўзимизни, ишимизни бисмилло айтиб бошлаймиз, яхши-ёмон кунларимизда Худога шукрона келтирамиз, тавба қиламиз. «Шукур» деган каломни ҳар куни айтмайдиган бирон инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи! Билсангиз керак, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам «Шукур» ва «Тавба» деган сўзларни энг кўп ишлатар эканлар».

Гуруҳда Президентимизнинг «Туркистон-Пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларини тўла ўқиб чиқиш тавсия этилади. Токи, ҳар бир талаба, у қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, дин биз учун нақадар азиз, нақадар мўътабар эканлигини яхши ҳис қилсин. Дин бизнинг қон-қонимизга, онгушууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди.

Собиқ тузум даврида динимизга қандай муносабатда бўлганини бир бор ёдга олиш зарур.

Ислом динининг ўн минглаб мўътабар руҳонийлари қатағон қилинди, қанчадан-қанча мадрасалар, масжидлар бузиб ташланди, омборларга айлантирилди.

ЗЎР КУЧ!

«Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатлилиги ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишнинг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда...

...Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин — инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқла-

шувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак.

Ва бу мақсад, биринчи навбатда, ушбу этник гуруҳларни ўз ичига олувчи ҳар бир алоҳида давлатнинг вазифасидир.

Айни маҳалда бир миллат ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллатнинг ёки бошқа халқлар вакиллариининг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқармаслиги лозим. Баъзи миллат, этнослар вакиллариининг бошқаларга такаб-бурлик билан, менсимай муносабатда бўлиши каби ҳолатлар юзга чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай шароитга барҳам бериш лозим»¹.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ижтимоий ҳамкорлик деганда нимани тушунасиш?
2. Миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ғояси ҳақида сўзлаб беринг.
3. Диний бағрикенгликнинг маъно-мазмунини нима?
4. Худудимизда қандай динлар мавжуд?
5. Ислом дини ҳақида нималарни биласиз?
6. Давлат билан диний ташкилотлар муносабати қандай?

МАВЗУ БЎЙИЧА ҚИСҚА ТЕСТ

1. Юртимизда қанча элат, миллат вакиллари яшайди?

- A) 100 дан зиёд
- B) 90
- C) 130 дан ортиқ
- D) 86

2. Полиэтник давлат қандай давлат?

- A) Кўп миллатли
- B) Кам миллатли
- C) Бир миллатли
- D) Туб миллатли

3. Моноэтник давлат қандай давлат?

- A) Бир миллатли
- B) Кўп миллатли

¹ *Ислам Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.* — Т.: «Ўзбекистон», 1997, 73—74-бетлар.

- C) Кам миллатли
- D) Туб миллатли

4. Ўзбекистон қандай давлат?

- A) Полиэтник
- B) Моноэтник
- C) Кам миллатли
- D) Туб миллатли

5. Юртимизнинг кўп миллатли халқи қандай ғоя асосида яшайди?

- A) Туркистон умумий уйимиз
- B) Ўзбекистон — ягона Ватан
- C) Ўзбекистон — менинг Ватаним
- D) Ўзбекистон — менинг иккинчи Ватаним

6. «Байналмилал маъданият» маркази қачон ташкил этилди?

- A) 1990 йилда
- B) 1991 йилда
- C) 1992 йилда
- D) 1993 йилда

7. Ўшанда бу марказ қанча марказ фаолиятини бирлаштирган эди?

- A) 10 та
- B) 11 та
- C) 12 та
- D) 15 та

8. Миллатлараро тотувлик учун энг хатарли ғов нима?

- A) Миллатчилик
- B) Шовинизм
- C) Маҳаллийчилик
- D) А, В

9. Миллатлараро тотувлик ғояси нимага хизмат қилади?

- A) Тинчлик ва барқарорлик кафолати
- B) Минтақа ва давлат миллий тараққиётини белгилайди
- C) Миллатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлайди
- D) Ҳаммаси

10. Бугунги кунда Ер юзида қанча аҳоли яшайди?

- A) 5 миллиард
- B) 6 миллиарддан зиёд
- C) 7 миллиард
- D) 6,5 миллиард

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Ижтимоий ҳамкорлик — тараққиёт гарови.
2. «Байналмилал « марказ ва унинг фаолияти.
3. «Рус маданият маркази».
4. «Турк маданият маркази».
5. «Корейс маданият маркази».
6. «Араб маданият маркази».

АДАБИЁТЛАР

1. *Ислом Каримов*. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил.
2. *Ислом Каримов*. БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясидаги маъруза. 1993, 8-сентябрь. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин 2-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил.
3. *Ислом Каримов*. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил.
4. *Ислом Каримов*. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т.: «Ўзбекистон», 1995 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 1998 йил.
6. Дўстлик ва қўшничилик манфаатларини кўзлаб (ҳужжатлар тўплами). — Т.: «Ўзбекистон», 1990 йил.

12-МАШҒУЛОТ. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ЁШЛАР. МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ОР-НОМУС

Миллий истиқлол ғояси — бу келажак авлод, янги авлод ғояси, ёшлар ғояси, уларнинг ҳаётдан кўзлаётган эзгу орзу ният, бахт-саодат, тўкин, фаровон турмуш ифодачиси, ёшларнинг умиди, таянчи, пировард режаси.

2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинишида жуда чуқур рамзий маъно бор. Тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бу замон — ёшлар замони. Ёшлар ғайрат қиладиган, тиниб-тинчимаёй ишлайдиган, ташаббус кўрсатадиган, мўъжиза яратадиган замон.

Ана шундай замон йигит-қизлари қандай бўлиши керак?

Шу савол билан талабаларга мурожаат қилиб кўриш лозим. Кимнинг фикри қандай? У келажакни ва ундаги ўз ўрни, ролини қандай тушунади? Фақат баландпарвоз гаплардан нарига ўтмайдими, ёки аниқ бир салмоқли жавоб бера оладими?

Тушунчаси, орзу-истаклари қандай?

Орзуга айб йўқ, деганларидек, кимнинг орзуси осмону-кўкда-ю, кимники ҳали ҳануз тайин эмас?

Бирон талаба шу ҳақда ўйлаб кўрганми, бу фикр хаёлидан ўтган бўлса, қани, нима дейди?

Президентимиз такрор-такрор таъкидлаётганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

Шундай экан, бунинг учун нималар қилиш зарур. Ёшлар биз кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлар эканмиз деб қўл қовуштириб ўтиришлари керакми, ёки ўзлари ҳам шу мақсадда жонбозлик кўрсатишлари зарурми?!

Ҳар бир ёш йигит-қиз замон талаби — эҳтиёжига «лаббай» деб ҳозиржавоб бўлмоғи учун ишни аввало ўзидан бошламоғи лозим. Ўз-ўзини давр талаб-эҳтиёжларига монанд суръатда тарбиялаб бормоғи даркор. Ўзида авлод-аждодлари, ота-боболарига хос ажойиб, олижаноб фазилатларни камол топтирмоғи зарур.

Биринчи навбатда ватанпарвар, эркесвар, инсонпарвар бўлсин. Ўзи туғилиб ўсган элини, юртини, халқини жонидан азиз кўрадиган, эъозлайдиган, обрўйига обрў қўшадиган, қадриятларни ардоқлаб бойитадиган инсон бўлиб етишишга ҳаракат қилмоғи лозим. Эл-юртга муносиб фарзанд, ота-онасига раҳмат келтирадиган инсон бўлишга эришмоғи зарур.

Мухтасар қилиб айтганда, ўзида эркин фуқаро маънавиятини шакллантира бориши керак.

Бу жуда муҳим, ғоят долзарб аҳамиятга эга бўлган масаладир. Уни муваффақиятли ҳал этишда ёшларимиз олдида жуда мураккаб ва ниҳоятда масъулиятли фазибалар турибди.

Келажакни яхши тасаввур қилиш учун аввало ўтмишни, тарихни яхши билиш керак. Янада аниқроқ қилиб айтганда, авлод-аждодларимиздан, ота-боболаримиздан қолган бой ва бебаҳо меросни, қадриятларимизни ардоқлаб, эъозлаб, бойитиб боришимиз зарур.

Бунинг учун уларни қунт билан астойдил ўрганиш лозим. Аммо, фақат ўтмишга, аждодлар меросига маҳлиё бўлиб, улар билан ғурурланиб юришнинг ўзи билан узоққа бориб бўлмайди. Уларни кўз қорачиғидек асраш ва бойитишга ҳаракат қилиш муҳим.

Энди фақат ота-боболаримиздан қолган қадриятлар асосида яшашимиз керак деган асоссиз фикрга ҳам асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу ҳолда бугунги давр ҳаётини қабул қилмай, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этган бўламиз.

Авлод — аждоларимиздан қолган ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганишга, унинг маъно-мазмунини тўғри тушуниш, англашга жиддий эътибор бериш талаб этилади.

Авалло тил масаласини олиб кўрайлик. Ўз она тилини тўлиқ, бекаму-кўст биладиган ёшлар орамизда кўпми? Йигит-қизларимиз ўз она тилини қанчалик ўзлаштиришган?

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи-ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмоқдир.

Шундай экан, ҳар бир ёш йигит-қиз энг аввало ўз она тилини яхши билмоғи, унда бемалол сўзлаша ва ёза олмоғи ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Афсуски, айрим ёшларимиз соф ўзбек адабий тилида гаплаша олмайди, ўзаро ва бошқалар билан мулоқотда ўзбекчага русча сўзларни аралаштириб гапиради, ўзбекча жумлалар тузишда қийналади.

Умуман жамиятимизда тил маданиятини ошириш соҳасида талайгина иш қилишимизга тўғри келади. Негаки, ҳатто баъзан расмий мулоқотларда ҳам адабий тил қоидаларига риоя қилмаслик, фақат маълум бир ҳудудда ишлатадиган шева элементларини қўшиб гапириш ҳолатларининг учраб туриши жуда ачинарлидир.

Машғулот вақтида маълум мавзу бўйича талабаларни гапиртириб кўриш қизиқарли бўлади. Айрим талабалар яхши сўзлай олмайди, ўз фикрини баён қилишда қийналади, айрим вақтда қайси сўзни ишлатишни билмай, жумла туза олмайди.

Фикр-мулоҳазаси вақтида турли паразит сўзларни кўп ишлатади, айтмоқчи бўлган сўзларини айта олмайди.

Бундай ҳолларда машғулот олиб бораётган ўқитувчи унга ёрдам бериши, хато, камчиликларини кўрсатиб, тўғрилаб кетиши керак.

Ҳар қайси йигит-қиз ўзида Ватанга муҳаббат туйғусини мустаҳкамлаб бориши зурур. Токи ўз юрти, эли билан фахрланиш туйғуси ҳар бир ёшда тобора мустаҳкамланиб, чуқур илдиз отиб борсин.

Шуни унутмаслик керакки, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир ёш энг аввало ўзини Ўзбекистон фуқароси деб билсин. Бу ерда ҳар

бир йигит-қизнинг туғилиб ўсган қишлоғи ёки шаҳрига қараб ажратилмайди. Қайси қишлоқ, қайси шаҳарлик бўлишининг аҳамияти йўқ. Қаерлик бўлмасин, ҳаммаси ўзбек халқининг, ўзбек элининг фарзанди.

Маълумки, ҳозирги даврда «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонликка эрк берилмоқда. Турмушимиз тарзининг маънавий негизларига беписандлик билан қараш, ҳатто уларни кўпориб ташлашни мақсад қилиб олган хатарли хуружлар, таҳдидлар тинч, осойишта ҳаётимизга хавф туғдирмоқда.

Айрим нопок кимсалар ахлоқсизликни маданият деб ҳисоблаб, асл маънавий қадриятларимизни менсимаётирлар, уларга эскилик сарқити деб қарашга ундамоқдалар.

Онги ва қалбида миллий истиқлол ғояси жўш ураётган ҳар бир ёш бундай хуружларга бепарволик ва лоқайдлик билан қарамасдан, сергак ва ҳушёрлик билан иш тутиши, ақл-идрок ва тафаккур асосида ҳаракат қилмоғи лозим.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзи бўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва, аксинча, қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда манавият қудратли кучга айланади.

Давр талабига ҳозиржавоб, комил инсон бўлиб етишишни истаган ҳар бир фуқаро, ҳар бир ёш эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар, ноҳўя ҳаракатлардан сақланиши лозим. Худбинлик, лоқайдлик, манфаатпарастлик каби иллатлардан қочиш керак.

Инсонга хос бўлган салбий хусусиятлардан бири ҳасад одамзод ва жамият ҳаётида оғир асоратлар қолдиради.

Ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш зарур.

Бошқаларни кўролмаслик, уларнинг муваффақияти, ютуғидан қувониш ўрнига куюниш, ичиқоралик бизнинг табиатимизга мутлақо тўғри келмайди.

Муборак ҳадисларда бу ҳақда жуда яхши фикр айтилган:

«Бировга ҳасад қилишдан сақланинг, чунки олов ўтинни қандай куйдириб тугатса, ҳасад ҳам қилган савоб ишларингизни худди шундай куйдириб тугатади».

Ҳасад қилиш ўрнига очикқўнгил, самимий, хайрихоҳ, меҳрибон, гамхўр бўлишга ҳаракат қилиш керак.

Шунда оиланг, қариндош-уруғинг, дўстларинг олдида иззат-икромда бўласан, эл оғзига тушасан, дўст, ҳамроҳ, тилакдош орттирасан.

Кўролмасликдан нафақат биров, пироварди ўзинг ҳам азият чекасан, пушаймон бўласан. Ичиқора, бахил, ҳасадгўй, кўролмасларнинг иши юришмайди, фалокатга йўлиқали.

Шу боис ҳасад каби энг ёмон, разил одатга рўпара бўлманг!

Ёмон, салбий хислатлардан яна бири сотқинликдан сақланинг!

Ўз оиласи, юртини севмайдиган, енгил-елпи ҳаётни орзу қилган ва шу йўлда боридан ҳам воз кечишга тайёр одамдан сотқин чиқади.

Яқинда Ўзбекистон телевидениесининг «Ўзбекистон» канали орқали намойиш қилинган бир эшиттириш ҳақида гапириб берилса айни муддао бўлади.

Унда бир оилали, бола-чақали ўзбек аёлининг мўмай пул топиш дардида одам савдоси билан шуғулланаётган разил одамларга қўшилиб, қанчадан-қанча оилалар ҳаётини бузиб, аёл, қизларни нопок йўлга бошлагани, чет элга юбориб шу орқали харом даромад олиб юргани ҳақида ҳикоя қилинади.

Бундай жирканч ҳолларнинг кунда бўлмаса ҳам бирда учраб тураётганининг ўзи бизни, энг аввало ёшларимизни хушёр, сергак бўлиб яшашга, атроф-теварақда рўй бераётган катта-кичик воқеаларга бепарқ қарамасликка даъват этади.

Қайси бир ёш бўлмасин, иродали бўлишга ўрганмоғи лозим. Иродали йигит-қиз қанчалик оғир, мураккаб манзилларни кўзламасин, охир-пироварди албатта ўз ниятига етади. Ва, аксинча, иродасиз ёшлар бу оғир, мураккаб ҳаётда қоқилади, сурилади, синади.

Айрим ёшлар ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қарайдилар. Оиласида бўладими, қариндош-уруғ, яқинлари, дўст-биродарларида бўладими, бирон нохуш воқеа рўй берса, ўзларини дарҳол четга оладилар, дардқаш, малҳам бўлиш ўрнига, четдан туриб кузатувчи бўлиб олади. Қани нима бўларкин, нима қиларкин?! Иши юришиб кетса, биринчи бўлиб табриклагани ютуриб келади.

Ана шундай одамдан эҳтиёт бўлиш керак. Бундай одамдан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди.

Шуниси ёмонки, бундай лоқайд, бепарво, бепарқ одамни бирданнига билиб бўлмайди.

Донишмандлардан бири шундай деган экан:

«Душманлардан қўрқма — нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма — нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ — улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар бўлаверади».

Талабалардан биронтасининг ҳаётида шундай воқеалар рўй берганми? Рўй берган бўлса, қисқа сўзлаб берсин:

Ораларида ана шундай ўз она юртига сотқинлик қилган, хиёнат йўлига кириб кетган одамлар ва уларнинг қилмиш-қидирмиши ҳақида ҳикоя қиладиган материаллардан хабардор бўлган талаба бўлса, ана шу билган, эшитган, кўрган нарсалари билан ўртоқлашишни таклиф этиш зарур.

Миллий истиқлол ғояси фарзандларимиз, ўғил-қизларимиз, ёшларимизнинг келажаги буюк, истиқболи порлоқ, Аллоҳ назари тушган эркин ва озод Ватанимизга муносиб, ахлоқ-одобли, ор-номусли, уят-андишали, шарму ҳаёси кучли, ибодат ва ифбатли, умуман юксак ахлоқий туйғу ва тушунчаларга эга бўлган комил инсонлар бўлиб етишишларига даъват қилади.

Тилларда дoston бўлиб юрган ўзбек ўғлони эл-юртига вафодор, садоқатли, оиласи, қариндош-уруғи, қўни-қўшнисига меҳрибон, халқига беминнат хизмат қилишга доим тайёр, хормай-толмай ишлашга ўрганган, ишдан, ҳар қандай меҳнатдан қочмайдиган, дилкаш, елкадош, самимий, ғамхўр инсон руҳида тарбиялаб келинган. Унга муғомбирлик, худбинлик, судхўрлик, сохталик, бефарқлик, лоқайдлик, ношудлик каби салбий хислатлар бутунлай ёт, бегона. Ёмонликни ўзига ҳам, бировга ҳам раво кўрмайдиган, қўлидан келганича фақат яхшилик қиладиган, сўзи билан иши бир, мард.

Миллий истиқлол ғояси улардан шуни талаб қилади, шундай бўлишга ундайди, шундай тарбия топишига тақозо этади.

Дилкаш, лобар ўзбек қизлари ҳам йигитларимизга мос, монанд суръатда аёлларга ярашадиган, уларга гўзаллик, ифбат, шарм-ҳаё, садоқат бахш этадиган истиқлол йўлидан не-не орзу-истаклар, орзумидлар билан йигитлар ёнида ҳамроҳ, мадаккор бўлиб яшашга ўргатилган.

Афсуски, мустабид тузум даврида, собиқ шўролар замонида айрим йигит-қизларимиз ахлоқ-одоб бобида ривожланган мамлакатлардан ёпирилиб кириб келган «Оврўпача маданият» таъсирига берилди бошладилар. Уларнинг юриш-туриши, муомаласи, феъл-атво-

ри, кийинишида ўзбек йигит-қизларига мутлақо ярашмайдиган ўзгаришлар рўй бера бошлади.

Инсон одоби кийими, юриш-туришида эмас, балки ахлоқ-одо-бида дейдилар. Инсон кийими билан эмас одоби билан гўзал.

Лекин, кийимида ҳам гап кўп. Ўзи истараси иссиққина, чиройли қиз бўлатуриб, қош-кўзи, юзини қимматбаҳо крем, сурмалар билан чаплаб, эгнига ўзига ҳеч ярашмайдиган ранг ва бичимдаги энгсиз, калта, этагининг бир ёғи қисқа, бир томони узун, олди керагидан ортиқ ўйилган кўйлак, оёғига учи узун, чўзинчоқ, пойабзал кийиб олган бўлса, айтингчи кўзингизга қандай кўринади?! Унинг устига елкасига катта, беўхшов сумка осиб олиб, ҳаддан зиёд ўстириб юборган тирноқлари алланима бало рангга бўялган, қўлидаги «сотка»сини қулоғига қўйиб атроф-теварақда гавжум одам бўлишига қарамай, бутун автобус, трамвай ёки троллейбусда баралла шанғиллаб гапириб кетаётганига нима дейсиз?

Уйда, оиласида қўлини-қўлига урмайдиган, у-бу юмушларни қилиш у ёқда турсин, бирон марта пиёз, сабзи тўғрамаган танбал, ношуд қизлар йўқми?!

Йигитларимиз орасида-чи? Эртадан кечгача бекор юрадиган, ота-онасининг оғир ишини енгил қилиш, ёрдамлашиш ўрнига, кино кўриш, телевизор қулоғини бураш ёки компьютер олдидан кетмай, интернетга кириб олиб, кечгача ўтирадиганлари топилмайдими?!

Баъзи ёшлар ўзбек куй-наволари, қўшиқларини умуман эшит-майдилар, кабель бўлса бас.

Яхшиямки бундай ёшлар орамизда кам учрайди. Аммо учрапти-ку?! Ана шуниси ёмон, ана шуниси ачинарли!

Қани миллий гурур?! Ўзимизнинг урф-одатларимиз, анъаналаримиз, расм-русумларимиз яхши эмасми?!

Ўзбекона юриш-туриш, ўзбекона яшашга нима етсин!

Ошқораликни пеш қилиб, хоҳлаган ишимизни қилишга ҳақлимиз деб, телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса, ҳатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишларнинг кўпайиб қолганини нима билан изоҳлаш мумкин.

Бундай салбий кўринишлар ўзбек йигит-қизлари, ўзбек ёшлари шаънига тўғри келмайди. Орамизда онда-сонда учраб турадиган бундай ҳолатларга чек қўйишимиз зарур. Шундай яшаш керакки, ота-оналаримиз, элимиз, юртимиз ўз азиз ёшлари билан доимо фахрлансин, гурурлансин.

Ҳар бир ёш уят ва ор-номусли бўлсин. Уят ва ор-номусини йўқотган одам Аҳмад Яссавий бобомиз айтганидек, худдики ҳайвон жинсига айланиб қолади.

Ўзини ўзбек элининг чинакам фарзанди деб ҳисоблайдиган ҳар бир ёш бундай манавий хатар, таҳдидлардан тегишли хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган бўлиши шарт.

Миллий истиқлол ғояси улардан шуни талаб қилади!

САБОҚЛАР ЧИҚАРИБ ЯШАШ КЕРАК!

«... бизнинг улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биладан. Ота-боболаримизнинг онги тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибодат ва ифбат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, уят — ўлимдан қаттиқ, деган гаплар халқимиз тилида ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, аксинча бундай иборалар эл-юртимизга мансуб эзгу ва гўзал ахлоқий қадриятларнинг асл мазмунини ифода этади.

Дарҳақиқат, уят ва ор-номусни йўқотган одам Аҳмад Яссавий бобомиз айтганидек, худдики ҳайвон жинсига айланиб қолади.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг:

Олдига қўйганни емак — ҳайвон иши,

Оғзига келганни демак — нодон иши, —

деган чуқур маъноли сўзлари ҳам бу фикрни тасдиқлаб беради.

Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Шу боис юртдошларимиз айниқса, ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бир ёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак»¹.

¹ *Ислам Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008, 118—119-бетлар.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Нима учун 2008 йил ёшлар йили деб эълон қилинди?
2. Ёшлар йилида сен нима қилдинг, нимага эришдинг?
3. Миллий ғоя ёшларни нимага даъват этмоқда?
4. Ҳар бир ёш ўзида қандай фазилатларни ривожлантирмоғи лозим?
5. Ёшлик-бебошлик дейилишининг сабаби нима?
6. Мустақиллик йилларида ёшлар масалалари юзасидан қандай чора-тадбирлар кўрилди?

МАВЗУ БЎЙИЧА ҚИСҚА ТЕСТ

1. Президентимиз фарзандларимиз қандай бўлишини истайди?
А) Кучли, билимли
В) Доно
С) Бахтли
D) Ҳаммаси
2. Ёш йигит-қиз ўзида қандай маънавиятни шакллантира бормоғи зарур?
А) Эркин фуқаро маънавиятини
В) Авлод-аждодлари маънавиятини
С) Оврўпача маънавиятни
D) Умуминсоний маънавиятини
3. Келажакни яхши тасаввур қилиш учун нимани яхши билиш лозим?
А) Ўтмишни, тарихни
В) Қадриятларни
С) Маданиятни
D) Пировард режаларни
4. Абдулла Авлоний тил ва адабиёт хусусида нима деган?
А) Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёт
В) Тил ва адабиёт маънавият кўзгуси
С) Тил ва адабиёт миллат бойлиги
D) Тил ва адабиёт ривожланса, эл-да ривожланади
5. Ҳар бир ёш аввало ўзини ким деб билмоғи зарур?
А) Ўзбекистон фуқароси деб
В) Ўзбек фарзанди деб
С) Авлод-аждодлари вориси деб
D) Буюк алломалар меросхўри деб
6. Қаерда маънавият энг ожиз ва заиф бўлади?
А) Қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса
В) Инсон ўз бурчи ва масъулиятини унутиб қўйса

- C) Интизом бўшашган жойда
- D) Одамлар эътиборсиз бўлса

7. Инсон нималардан сақланиши керак?

- A) Номатқул одатлар, сарқитлардан
- B) Ёт, бегона таъсирлардан
- C) Ношуд, бепарво, лоқайд одамлар билан алоқа қилишдан
- D) Бағри қаттиқ, фақат ўзини яхши кўрадиган одамлардан

8. Ҳасад яхшими?

- A) Энг ёмон одат
- B) Чидаса бўладиган хислат
- C) Яхши
- D) Ундан сақланинг

9. Яна нимадан сақланиш зарур?

- A) Сотқинликдан
- B) Адолатсизликдан
- C) Фалокатлардан
- D) Ўринсиз асаблардан

10. Қандай одам бу огир, мураккаб ҳаётда қоқилади?

- A) Иродаси бўш
- B) Иродасиз
- C) Бировнинг ҳақидан кўрқмайдиган
- D) А, В

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Ҳозирги давр ва ёшлар
2. «Камолот» ёшлар ҳаракати ва унинг фаолияти
3. Иқтидорли ёшлар ҳақида ғамхўрлик
4. Ёш оилаларга давлат ғамхўрлиги
5. Ёш йигит-қиз қандай бўлиши керак?
6. Ёшлар мустақил ҳаётга тайёрми?

АДАБИЁТЛАР

1. *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008 йил.
2. *Ислом Каримов*. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. — Т.: «Ўзбекистон», 1999 йил.

3. *Ислом Каримов*. Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. — Т.: «Фидокор» газетаси мухбири саволлари-га жавоблар. — Т.: «Ўзбекистон», 2000 йил.
4. *Ислом Каримов*. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировад мақсадимиз. 8-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2000.
5. Халқ миллий мафкура ва зиёли масъулияти. — Т.: «Тафаккур» журна-ли, 1999, 2-сон.
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: «Ўзбе-кистон», 2001 йил.

13-МАШҒУЛОТ. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИНГ ИНСОН ОНГИ ВА ҚАЛБИГА СИНГИШИ: ЯНГИЧА УСЛУБЛАР, ЁНДАШУВЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Миллий истиқлол ғояси амалга ошиши, кутилган натижа бери-ши учун уни кишиларимиз онги ва қалбига сингдириш зарур. Мил-лий ғоя ҳар бир фуқаро, айниқса ҳар бир ёш онги ва қалбида чу-қур, мустақкам ўрин эгалласа, унинг маънавий руҳи, дунёси бақув-ват, теран, кенг бўлади, ҳеч қандай маънавий хуруж, таҳдид уни тўғри йўлдан адаштира олмайди, обрўйи, нуфузига путур етказ-майди.

Лекин, қай йўл билан бунга эришмоқ мумкин?

Бунга оддий нотиклик, ваъзхонлик билан эришиб бўлмайди. Бу бир-икки кун, ҳатто бир-икки ойлик иш эмас. Бунга йиллар керак. Бу жуда узоқ вақт давом этадиган ва мураккаб жараён. Шу билан бирга уни ҳамма баравар, бир муддатнинг ўзида сингдириб бўлмай-ди. Баъзиларда бу жараён тезроқ, бошқаларда эса узоқ вақт давом этиши мумкин.

Ҳамма гап миллий ғояни ўз қалби ва онгига сингдириб олишни истаётган ҳар бир фуқаронинг билими, онги, савияси, қобилияти, ишчанлиги ва шу каби қатор жиҳатлари қай даражада ривожланган-нига боғлиқ. Бирига тез сингади, бошқасида анча қийинчилик билан рўй беради.

Шу билан бирга миллий истиқлол ғояси инсон онги ва қалбига қандай воситалар билан сингдирилаётганига ҳам боғлиқ.

Яна бир жиҳати шуки, уни бир хил, якка-ю-ягона восита билан сингдириб бўлмайди. Бу ерда комплекс ёндашишга тўғри келади, инсон онги ва қалбига таъсир кўрсатадиган турли-туман воситалар-дан фойдаланиш зарур бўлади. Индивидуал ва комплекс воситалар-

ни талаб-эҳтиёж, ҳар бир конкрет ҳолатга мос равишда уйғунлаштириб бориш талаб этилади.

Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро, ҳар бир кекса-ёш, ҳар бир эркак-аёл, йигит-қиз қалбига йўл топа билиш керак.

Юртбошимиз айтганидек, маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзлаган мақсадга эришолмаймиз, яъни инсон қалбига йўл тополмаймиз.

Демак бу ишда энг аввало узвийлик зарур. Бошлаган ишимизни маълум муддатдан кейин тўхтатиб қўймасдан, доимо, ҳар куни, ҳар соатда давом эттириш шарт.

Иккинчидан, ҳар томонлама пухта ўйланган аниқ бир тизим ишлаб чиқиб, ана шунга қатъий риоя қилган ҳолда тинимсиз иш олиб бориш даркор.

Шу тизимда биринчи галда оила муҳити, унинг шу оила аъзолари, ёшларига таъсирига эътибор бериш зарур. Чунки, ҳар бир инсон муайян оилада туғилиб ўсади, яшайди, камол топади. Демак, унинг феъл-атвори, онги, дунёқараши, тафаккури, тасаввури, умуман барча инсоний хислат-фазилатлари дастлаб оилада шаклланади, ривожланади, сайқал топади.

Оила маънавий жиҳатдан соғлом, бақувват бўлса, унда ўсиб-улгайган бола ҳам имон-эътиқоди бут, инсоний фазилатлари яхши ривожланган бўлади. Шундай экан, ишни оиладан бошлаш маъқул. Ҳар бир оила ичига кириб бориш лозим.

Лекин, қандай қилиб?

Албатта, бу ишни якка тартибда ташкил этиб бўлмайди. Ёрдамга маҳалларни жалб этмоқ зарур. Негаки, ҳар бир маҳалла ўз ҳудудига истиқомат қилаётган оилаларнинг ҳол-аҳволларидан яхши хабардор. Қайси оила қандай нафас олаётганини яхши билади.

Маҳалла фаоллари билан шу хусусда бир фикрга келиб иш олиб борилса, яхши самара беради.

Маҳаллада табаррук кексалар билан, оила бошлиқлари, аёллар билан, ёшлар билан мунтазам суръатда муайян режа билан иш олиб бориш маъқул бўлади. Бу олижаноб ишга маҳаллада яшаётган фаолларни, зиёлиларни, обрў-нуфузли кишиларни жалб этиш зарур.

Маҳаллада муайян режа бўйича турли тадбирлар ўтказиб, уларга нафақат шу маҳалла аҳолисини, шу билан бирга шоирлар, ёзувчилар, турли соҳа мутахассисларини ҳам таклиф этиб, ўзаро ҳамкорликда иш олиб борилса айти муддао бўлади. Адабий ўқишлар, учрашувлар, турли кўргазмалар, кўрик-танловлар, доира суҳбатлари ўтказилса яхши самара беради.

Ҳар бир маҳаллада миллий истиқлол ғоясини фуқаролар онги ва қалбига сингдириш бўйича чора-тадбирлар режаси бўлиши лозим.

Гуруҳда маҳаллада яшайдиган ва ўз маҳалласи ишидан яхши хабардор, балки фаол иштирокчиси ҳисобланган талаба бўлса, гапириб берсин: маҳалласида нима ишлар қилиняпти? Яна нима қилиш керак? Қандай қилган маъқул?

Нима ёқди, нима ёқмади?

Маҳалла ҳақида қандай китобларни ўқиган. Уларда нима тўғрисида сўз юритилади?

Миллий истиқлол ғоясини одамлар онги ва қалбига сингдириш билан боғлиқ ишларни фақат маҳаллалар зиммасига юклатиб қўйиш ҳам ярамайди.

Оммавий ахборот воситалари маҳаллаларга яқиндан ёрдам бериши лозим. Образли қилиб айтганда, маҳаллаларга юриш қилишлари, аҳоли ичига кириб боришлари зарур.

Телевидение ходимлари маҳаллаларда бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиб турсалар, — жуда яхши бўлади.

Телевидениенинг ҳам мазкур маҳалла аҳолиси ўртасида олиб борадиган ойлик, йиллик тадбирлар режаси бўлиши лозим.

Телевидение маҳаллаларда, ҳар қайси маҳаллада бўлмаса ҳам, уч-тўрт маҳаллада ойда бир-икки кўрсатувлар уюштириши, ибратли оилалар, кишилар, маҳалла ҳақида лавҳалар уюштириб, ўз кўрсатувларида намойиш қилсин. Турли рукндаги эшиттиришларни, чунончи, «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи», «Меҳр кўзда», «Интеллектуал ринг» ва бошқаларнинг аввалги ва навбатдаги сонларини бевосита маҳаллаларда намойиш қилиб, уларнинг муҳокамасини ташкил этиб туриши керак.

Газета ходимлари ҳам ана шундай ишларни уюштира, жуда яхши бўлар эди. Яхши маҳалла, яхши оила, яхши фарзанд ҳақида, маҳаллаларда рўй бераётган турли яхши-ёмон воқеа-ҳодисалар хусусида мақолалар, лавҳалар, очерклар, фикр-мулоҳазалар бериб борса бўлади.

Ўзбек халқи азал-азалдан мусиқа ихлосманди, мусиқа шайдоси бўлиб келган. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг

300 йил илгари суякдан ясалган най чолғусининг топилгани фикри-мизга далил бўла олади.

Муסיқа инсоннинг руҳий камолотига жуда катта таъсир кўрсатадиган кучли восита ҳисобланади.

Мумтоз муסיқий меросимиз бевосита маҳаллаларнинг ўзида намоийш этилса, жуда катта фойда бўлади.

Шуни эсда тутиш керакки, авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида муסיқа санъати бошқа санъат турларига қараганди кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатади.

Айниқса эстрада санъатининг аҳамияти катта.

Аммо, айрим ёш ижрочилар, эстрада гуруҳининг «асар»лари санъат талаб ва мезонларидан анча йироқлиги кишини ранжитади.

Президентимиз Ислоом Каримов айтган эди: «Нафақат мавзу ва муסיқа, ижро усуллари балки саҳна ҳаракатларида ҳам очиқдан-очиқ ажнабий «оммавий маданият» кўринишларига тақлид қилиш, «юлдузлик» касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётгани чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди, албатта.

Айниқса бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир янгича услуб деб билаётгани, менимча, санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас. Маданий жамоатчилигимиз, авваламбор муסיқашунос олимлар устоз, санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очиқ билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Биз учун ахлоқий жиҳатдан номаъқул, миллий қадрият ва қарашларимизга ёт бўлган, лекин ҳозирги вақтда ҳаётимизга кириб бораётган мана шундай кўринишларни бамисоли юқумли касаллик деб қабул қилишимиз лозим. Ва айни шу асосда бундай хуружларнинг ўта хавфли ҳолат эканини англашимиз зарур»¹.

Талабалардан сўраб кўринг: Президентимизнинг ана шу фикр-мулоҳазаларидан қандай сабоқ олдилар.

¹ *Ислоом Каримов*. Юксак маънавият — энгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008, 142—143-бетлар.

Кўрсатиб ўтилган камчилик, нуқсонлар уларда ҳам учраб туради-ми? Айнан қайси камчиликлар?

Ким ана шундай эстрада кўшиқ, куйларини ёқтиради, нима учун? Қайси эстрада артистлари ёқади, нимаси билан?

Маҳаллаларда ёшлар билан учрашганда, якка тартибда ёки жамоа бўлиб, ана шу масалаларни муҳокама қилиш, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлаша бориши керак.

Кейинги йилларда ёшлар ҳаётига бағишланган, ҳар хил оммавий муаммолар ҳақида ҳикоя қилувчи турли-туман ўзбек бадиий фильмлари экранга чиқарилди. Уларда қандай маънавий-руҳий масалалар намойиш этилиши, қайси фильмлар нимаси билан ёқиши тўғрисида баҳс юритишлар ҳам катта натижа беради.

Миллий истиқлол ғоясини фуқароларимиз, айниқса ёшлар онги ва қалбига сингдиришнинг оила-маҳалла-оила тизимидан ташқари оила-боғча тизими ҳам энг кучли воситалардан ҳисобланади. Бу тизимни бошланғич, илк тизим деб ҳисоблаб, унинг ёрдамида болажонларда миллий истиқлол ғояларини, таъбир жоиз бўлса, илдиз оттириш, пойдеворини яратишда кенг ва унумли фойдаланилмоғи лозим. Бу тизим орқали Ватан туйғуси, озодлик, эркинлик, меҳрибонлик, ғамхўрлик, очиқ кўнгиллилик, самимийлик, тўғрисиўзлик, меҳнатсеварлик, виждонлик каби энг асосий, энг муҳим хислат-фазилатларни шакллантириш зарур.

Бирон ибратли боғчага экскурсия уюштириб, у ерда миллий истиқлол ғояларининг дастлабки тушунчалари бўйича ҳар бир гуруҳдаги болажонлар ёши, онги, тасаввури, қобилиятига қараб қандай ишлар ташкил этилаётгани билан танишиш фойдали бўлади.

Боғчада гуруҳ хоналари қандай жиҳозлангани, у ердаги нарсалар юқорида зикр этилган туйғу, тушунчаларни фарзандларимиз онги, қалбига қанчалик сингдираётганини таҳлил қилиб кўриш зарур.

Оила-мактаб-оила тизими бўйича қандай ишлар қилиняпти-ю, яна нималар қилиниши лозим деган масала ҳам жуда қизиқарлидир. Хўш, мактабларда ўта муҳим муаммога қандай ёндашилмоқда?

Миллий истиқлол ғоясини ёш йигит-қизларимиз онги ва қалбига сингдира боришда мактабларнинг роли ниҳоятда катталигини инкор этиб бўлмайди.

Хўш, ўқувчи ёшлар орасида бу соҳада қандай ишлар қилиняпти?

Миллий истиқлол ғояларини ёшларга тушунтириш, уларга бу масалада етарли билим бериш учун мактабларда қандай чора-тадбирлар кўриб келинаётгани хусусида қандай фикр-мулоҳазалар бор?

Мактабда ўқувчи ёшлар орасида миллий истиқлол ғоясини кенг ташвиқот-тарғибот қилиш, ўқиш-ўрганиш юзасидан тадбирлар режаси мавжудми?

Олий ўқув юртларида-чи?

Маълумки, бевосита таълим берувчи муассасалар (мактаблар, лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари) мафкуравий тарбиянинг асосий ўчоқларидир.

«Миллий истиқлол ғояси» фанидан нашр этилган дарслик, қўлланмаларда кўрсатиб ўтилганидек, қуйидаги йўналишларда иш олиб борилиши керак:

- ёшларда Ватан туйғусини шакллантириш;
- она тилимизга муҳаббат уйғотиш;
- миллий қадриятларга муҳаббатни кучайтириш;
- эзгулик тимсоли аёлни улуғлаш;
- оиланинг ёшларда ватанпарварлик хиссини тарбиялашдаги ролини оширишга кўмаклашиш;
- мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафкуравий, ғоявий тарбияни узлуксиз кучайтириб бориш.

Шу мақсадда ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича ўтказилаётган маърузалар, семинар, амалий машғулотлар давомида турли даврий нашрлар, тематик плакатлар, кўргазмали воситалар, айниқса телевизор, компьютерлардан, интернет материалларидан кенг фойдаланишга интилиш зарур.

Юқорида таъкидлаганимиздек, миллий истиқлол ғоясини кишиларимиз онги ва қалбига сингдиришнинг ҳамма учун баб-баравар ягона усули йўқ. Қаерда, кимларнинг орасида иш олиб борилаётганига қараб, ўша муҳитга мос йўللар, воситалар қўлланилади.

Фикримизча, энг муҳими — бу ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Ҳар ким ўз-ўзини тарбиялай бориши, ижобий фазилатларига эрк бериб, ривожлантириб, салбий одатларини йўқотишга ҳаракат қилиб борса, ҳеч қандай тарғибот-ташвиқотга ўрин қолмайди. Минг гапиргин, минг кўрсатгин, минг эслатгин, агар ўзида бўлмаса, ҳеч қандай натижага эриша олмайсан.

Эл-юрти, Ватани, оиласига садоқатли, эс-хушини таниган, оққоранинг фарқига бора оладиган ҳар қандай инсон миллий истиқлол ғояларини чуқур ўзлаштириб, онги ва қалбининг тубидан чуқур жой беради, бутун онгли ҳаёти давомида уларга амал қилиб яшайди.

Бундай ўз-ўзини бемалол идора қила оладиган инсонга салгина туртки, далда, мадад бериб юборилса, бўлди, у ёғини ўзи қилаверди.

Бу соҳада қилинадиган ишлар ҳали жудаям кўп. Миллий истиқлол ғояларини кишиларимиз онги ва қалбига чуқур сингдириш учун бир эмас, бир неча йиллар тинмай иш олиб бормоғимиз лозим. Бу йўлда янгидан-янги самарали йўлларни излаб топиш ва кундалик ҳаётимизга дадил жорий қила боришимиз даркор.

Президентимиз Ислом Каримов бу тўғрида шундай дейди:

«Айниқса бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Фақат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий информацион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бугунги кунда муҳим вазифамизга айланиб бораётганини чуқур тушуниб олишимиз зарур»¹.

ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛИШИМИЗ ЗАРУР

«Маънавият ҳақида ҳар қандай даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки,

¹ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008, 126—127-бетлар.

биз кўзланган мақсадга эришолмаймиз, яъни инсон қалбига йўл тополмаймиз.

Шунинг учун ҳам биз бугунги кунда таълим-тарбия соҳасидан бошлаб, матбуот, телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз зарур.

Айниқса, барча даврларда ҳам гоят мураккаб ва масъулиятли бўлган бу ишларни ўз зиммасига олган, эски қолиплардан воз кечиб, бу соҳада янги йўللарни очиб бераётган, одамларнинг дунёқарашини янада бойитиш учун тинимсиз меҳнат қилаётган фидойи инсонларнинг бир қарашда кўзга ташланмайдиган, лекин катта қунт, билим ва тажрибани талаб қиладиган интилиш ва амалий ҳаракатларини кенг қўллаб-қувватлашимиз, уларнинг самарали натижаларга эришиши учун ҳар томонлама шароит яратиб беришимиз зарур»¹.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Истиқлол ғоясини инсон онгига сингдиришдан мақсад нима?
2. Онгига сингдириб яна қалбига жойлашнинг нима кераги бор?
3. Инсон онги ва қалбига сингдиришнинг қандай воситаларини биласиз?
4. Ғоявий тарбия деганда нимани тушунасиз?
5. Оила ва маҳалланинг роли.
6. Таълим муассасаларида нима қилиш мумкин?

МАВЗУ БЎЙИЧА ҚИСҚА ТЕСТ

1. Қадимда тарбия қачон амалга оширилган?
А) Меҳнат фаолияти вақтида
В) Турли урф-одатлар, маросимлар ўтказиш пайтида
С) Оилавий муносабатлар жараёнида
D) А, В

¹ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008, 129-бет.

2. Ғоявий тарбия нима?

- A) Шахс тарбиясининг муҳим йўналиши
- B) Мақсадга интилишга ўргатиш
- C) Эзгуликка ундаш
- D) Қадриятлар билан таништириш

3. Мафқурани зўрлаб сингдириб бўладими?

- A) Сингдириб бўлмайди
- B) Бўлади
- C) Самара бермайди
- D) Нотўғри бўлади

4. Мафқуравий тарбиянинг мақсади нима?

- A) Ҳар бир фуқаро, ижтимоий қатлам, гуруҳ тарбиявий даражасини таъминлаш
- B) Одамларда инсоний фазилатларни шакллантириш
- C) Мафқуравий иммунитетни мустаҳкамлаш
- D) Комил инсонларни етиштириш

5. Фуқаролик масъулияти нима?

- A) Жамият манфаатларини кўзлаб иш қилиш
- B) Ўз манфаатини кўзлаш
- C) Фуқаролик манфаатини юқори қўйиш
- D) Халқи, юртига содиқлик

6. «Имон» сўзининг луғавий маъноси қандай?

- A) Ишонч
- B) Умид
- C) Истак
- D) Мақсад

7. Сиёсий ва ҳуқуқий онгнинг ўсишида қандай ташкилотлар катта роль ўйнайди?

- A) Сиёсий партиялар
- B) Жамоат ташкилотлари
- C) Оммавий ахборот воситалари
- D) Нодавлат, ноижорат ташкилотлари

8. Мафқуравий янгилашишлар жараёнининг муҳим хусусияти нима?

- A) Янгича, илғор фикрлаш
- B) Одатий фикрлаш
- C) Давр талабига мослашиш
- D) Талаб-эҳтиёжни ҳисобга олиш

9. Жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги нималар билан белгиланади?

- A) Аёлларга бўлган муносабат билан
- B) Аёллар жамиятда қандай роль ўйнаётгани билан
- C) Аёлларга қандай шарт-шароитлар яратиб берилгани билан
- D) Аёллар билим даражаси билан

10. Миллий ғояни инсон онги ва қалбига сингдиришда нималар муҳим омил ҳисобланади?

- A) Анъаналар, удумлар, расм-русумлар
- B) Урф-одат, маросим, муносабатлар
- C) Кўни-кўшничилик алоқалари
- D) A, C

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Ғоявий тарбия ва унинг аҳамияти.
2. Соғлом мулоқот маданияти.
3. Сўз — ғоявий таъсир воситаси.
4. Эзгу ғоя ва эътиқодни шакллантирувчи омиллар.
5. Ижтимоий фикр ва унинг аҳамияти.
6. Ёшларни ғоявий тарбиялаш.

АДАБИЁТЛАР

1. *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008 йил.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: «Ўзбекистон», 2001 йил.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (маъруза матнлари учун материаллар). — Т.: «Янги аср авлоди», 2001 йил.
4. *Б. Тўраев*. Миллий мафкура ва миллий ғоянинг концептуал асослари, илмий-назарий манбалари, тарғибий-ташвиқий услублари ва воситалари, Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. — Т.: «Университет», 2001 йил.

14-ЯКУНИЙ МАШҒУЛОТ

Ўқув режасида белгиланган семинар машғулатларининг охирида якуний машғулот ўтказилади.

Якуний машғулотлардан асосий мақсад талабалар «Миллий истиқлол ғояси» фанини нечоғлик пухта ўзлаштира олганликларини аниқлашдан иборат.

Талабалар мазкур фанни ўқиш-ўрганишда қайси масалаларни яхши тушунишмади, қандай муаммолар уларни кўпроқ қизиқтирмоқда, уларнинг ечими ҳақида қандай фикр-мулоҳаза юритмоқда, — хуллас, фанни мукамал ўрганишлари учун уларга қай жиҳатдан ёрдам бериш зарур деган масалаларга эътибор бериш керак.

Якуний машғулотда талабаларни қўлланма сўнгида берилаётган иловалар билан яқиндан таништириб чиқиш лозим.

Улардан ёзма иш ёздириш, гуруҳий суҳбат ўтказиш, уйга топшириқ бериш мақсадларида фойдаланса бўлади.

ФАН БЎЙИЧА УМУМИЙ ТЕСТ

1. «Гоя» атамасининг туб маъноси.
2. Гоя нима?
3. Гоялар асосан неча хил бўлади?
4. Бунёдкор гоя қандай гоя?
5. Вайронкор гоя қандай гоя?
6. Бунёдкор гоялар қайсилар?
7. Вайронкор гоялар қайсилар?
8. Миллий истиқлол мафкураси қанча гояни ифодалайди?
9. Улар қайси гоялар?
10. Гоялар келиб чиқиши, мазмуни жиҳатидан неча хил бўлади?
11. Қадимда Турон заминида қайси дин расмий мафкура ҳисобланган?
12. Ўрта асрларга келиб қандай гоялар кучайди?
13. XVII асрда қандай таълимот кенг ёйилди?
14. Тараққиётга хавф туғдираётган иллатлар.
15. Қандай даъват ҳамиша янграб турибди?
16. Глобаллашув нима?
17. Глобаллашувнинг ижобий томонлари.
18. Глобаллашувнинг салбий томонлари.
19. Ақидапарастлар нима қилишмоқчи?
20. Глобаллашув шароитида миллий гояга эҳтиёж ортадими, камаядими?
21. Иммуниетет нима?
22. «Иммуниетет» сўзининг маъноси?
23. Мафкуравий иммуниететнинг биринчи унсури?
24. Мафкуравий иммуниететнинг иккинчи асосий қисми?

25. Мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим унсури?
26. Гоя том маънода гоя бўлиши учун нима қилиш керак?
27. Гоя қачон рағбатлантирувчи кучга айланади?
28. Мафкуравий курашнинг бош мақсади?
29. «Полигон» нинг маъноси нима?
30. Файриисломий гояларнинг мақсади.
31. Гоявий бўшлиқ нима?
32. Ўзбекистонда бундай бўшлиқ қачон юз берди?
33. Гоявий бўшлиқ вақтида қайси гоялар таъсир ўтказа бошлади?
34. Яна қайси кучлар ва ҳаракатлар таҳдид сола бошлади?
35. Ваҳҳобийлик оқими қачон, қаерда пайдо бўлди?
36. Бу оқимнинг мақсади нима эди?
37. «Хизбут-таҳрир» оқимига ким, қаерда, қачон асос солган?
38. «Хизбут-таҳрир» оқимининг мақсади нима эди?
39. «Хизбут-таҳрир» чилар кимларни ўз йўлига оғдиришга ҳаракат қилди?
40. Кимлар кўпроқ зарарли таъсирларга берилади?
41. Қандай одамлар бахтли?
42. Ҳар қайси маҳалла ўз худудида нимага алоҳида эътибор бериши керак?
43. Ҳимоя нима?
44. Ҳимоядаш деганда нима назарда тутилади?
45. Чет эл сармоялари келишининг асосий шарти нима?
46. Эртанги кунимиз нимага боғлиқ?
47. Мустақиллик йилларида фуқароларимизда қандай ўзгаришлар сезилмоқда?
48. Президентимизнинг қайси асарида эътиқод ҳақида сўз юритилади?
49. Миллий истиқлол гоясини сингдиришга кимлар ҳалақит беради?
50. Ҳар бир ўзбек фарзанди қандай яшашга эришмоғи зарур?
51. Мафкура биз учун нимани англатади?
52. Мафкурамизнинг маъно-мазмунини белгиловчи энг муҳим омил нима?
53. Ўзликни англаш нимадан бошланади?
54. Тарихий хотираси бор инсон қандай инсон ҳисобланади?
55. Генерал Скобелев императорига нима деб ёзган?
56. Шўролар даврида ташқи дунё билан алоқамиз бормиди?
57. Қандай халқни енгиб бўлмайди?

58. Халқимиз нималарни асраб-авайлаб келди?
59. Улкан маънавий руҳий ўзгаришларга эришишимизда нима катта роль ўйнади?
60. Чинакам ватанпарвар инсон ўз-ўзига қандай савол бериб яшаши керак?
61. Маънавият қачон юксак бўлади?
62. Маънавият манбаи нималардан иборат?
63. Қадриятларни тиклаш қайси шароитда рўй берди?
64. Миллий ифтихорни тиклашда нима ғоят муҳим ўрин тутди?
65. Маънавий уйғонишнинг манбаи нима?
66. Минг йиллар давомида Марказий Осиё қандай марказ бўлиб келди?
67. Бу заминда кўп асрлар мобайнида кимлар яшаб келган?
68. Халқ руҳи қудратининг биринчи белгиси нима?
69. Биз учун Турон замин қандай аҳамиятга эга?
70. Ислом маданияти ўзида қандай асосларни жамлаган?
71. Миллий ғоя нималарга асосланади?
72. Миллий ғоя нималардан озиқланади?
73. Миллий ғояда нималар ўз ифодасини топган?
74. Миллий ғоя нималарга хизмат қилади?
75. Миллий ғоя нималарга сафарбар этади?
76. Миллий ғоя қандай туйғуни қарор топтиради?
77. Миллий ғоя қандай йўл билан сингдирилади?
78. Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти мағзини нима ташкил этади?
79. Ҳар бир халқ қалбида яшайдиган энг азиз, муқаддас туйғу нима?
80. Мафкура қандай куч?
81. Ҳамма нарсадан улуг ва олий неъмат нима?
82. Халқимиз қандай қилиб маррага интилмақда?
83. Собиқ шўролар даврида қандай аҳволда эдик?
84. Эндиликда биринчи галда қандай устувор йўналишда иш олиб бормоғимиз керак?
85. Иккинчи устувор йўналиш-чи?
86. Учинчи устувор йўналиш нимадан иборат?
87. Тўртинчи устувор йўналиш-чи?
88. Бешинчи устувор йўналишда нималар қилинади?
89. Олтинчи устувор йўналиш?
90. Еттинчи устувор йўналиш вазибалари нималардан иборат?

91. Эркинлик нималарни ўз ичига олади?
92. Демократия кимнинг иродасини ифодалайди?
93. Демократик ривожланишда нима катта аҳамиятга эга?
94. Кишиларни нима бир-бирига яқинлаштиради?
95. Демократик ривожланиш учун ҳар бир фуқарода қандай туйғу кучли бўлиши зарур?
96. Демократия дарсхонаси нима?
97. Президентимиз ўз сўзида ҳақиқий қаҳрамонликни қандай таърифлади?
98. Нега халқ қарвонини ҳеч қандай куч ортга қайтара олмайди?
99. Бизнинг эзгу ниятларимиз замирида нималар мужассам?
100. Биз доимо нимани юксалтира боришимиз зарур?
101. Юртимизда қанча элат, миллат вакиллари яшайди?
102. Полиэтник давлат қандай давлат?
103. Моноэтник давлат қандай давлат?
104. Ўзбекистон қандай давлат?
105. Юртимизнинг кўп миллатли халқи қандай ғоя асосида яшайди?
106. «Байналмилал маъданият» маркази қачон ташкил этилди?
107. Ўшанда бу марказ қанча марказ фаолиятини бирлаштирган эди?
108. Миллатлараро тотувлик учун энг хатарли ғов нима?
109. Миллатлараро тотувлик ғояси нимага хизмат қилади?
110. Бугунги кунда Ер юзида қанча аҳоли яшайди?
111. Президентимиз фарзандларимиз қандай бўлишини истайди?
112. Ёш йигит-қиз ўзида қандай маънавиятни шакллантира бормоғи зарур?
113. Келажакни яхши тасаввур қилиш учун нимани яхши билиш лозим?
114. Абдулла Авлоний тил ва адабиёт хусусида нима деган?
115. Ҳар бир ёш аввало ўзини ким деб билмоғи зарур?
116. Қаерда маънавият энг ожиз ва заиф бўлади?
117. Инсон нималардан сақланиши керак?
118. Ҳасад яхшими?
119. Яна нимадан сақланиш зарур?
110. Қандай одам бу оғир, мураккаб ҳаётда қоқилади?
111. Қадимда тарбия қачон амалга оширилган?
112. Ғоявий тарбия нима?
113. Мафкурани зўрлаб сингдириб бўладими?
114. Мафкуравий тарбиянинг мақсади нима?

115. Фуқаролик масъулияти нима?
116. «Имон» сўзининг луғавий маъноси қандай?
117. Сиёсий ва ҳуқуқий онгнинг ўсишида қандай ташкилотлар катта роль ўйнайди?
118. Мафкуравий янгиланишлар жараёнининг муҳим хусусияти нима?
119. Жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги нималар билан белгиланади?
120. Миллий ғояни инсон онги ва қалбига сингдиришда нималар муҳим омил ҳисобланади?

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚАЙСИ АСАРИДА ШУНДАЙ ДЕЙИЛГАН?



ЮРТБОШИМИЗНИНГ ҚУЙИДАГИ АСАРЛАРИДА МАФКУРА, МАЪНАВИЯТГА ОИД ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА СЎЗ ЮРИТИЛГАН?




ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИНГ МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ҚАЙСИЛАР?

(жавоблар тўғрими ёки нотўғрими?)

- Миллатнинг ўтмиши, ўлмас руҳими ё ҳозирги куними?
- Жамоа-жамоа бўлиб яшашми ёки ёлғиз яшашми?
- Аёл зотига эҳтиромми ёки тенгликми?
- Она тилини яхши билиш зарурми ёки шарт эмасми?
- Адолат, ҳалоллик бўлиши керакми ё бунинг аҳамияти йўқми?
- Меҳр-оқибатми ё ҳар ким ўзичами?
- Сабр-қаноат, шукроналик ё тоқатсизлик?
- Меҳнатсеварлик ё бировларни ишлатиш ҳисобига бойиш?
- Авлод-аждодларга ҳурмат, эътибор ё бепарволик?
- Миллий мафкура элу-юртни бирлаштирадими — йўқми?

ҚАЙСИ ЖАВОБ НОТЎҒРИ?



САВОЛ БЕРАМИЗ, ЖАВОБ КАЙТАРИНГ!

1. Фуқаро дегани нима дегани?
2. «Ўтиш даври»нинг маъноси.
3. Шахс нима?
4. Оила нима?
5. «Фуқаро эркинликлари» қандай эркинликлар?
6. Маҳаллий нима?
7. Қадриятнинг маъноси.
8. Қандай қадриятларни биласиз?
9. Миллий қадрият нима?
10. Умуминсоний қадрият нима?
11. Диний қадриятларга нималар киради?
12. Тарихий қадриятлар деганда нималарни тушунасиз?
13. Тарих хотираси нимага керак?
14. Тарихий обидаларнинг қандай аҳамияти бор?
15. Меъморий обидалар хусусида сўзлаб беринг.
16. Бозор инфраструктурасига нималар киради?
17. Бозорда рақобат борми?
18. Бозорда нарх-навони ким белгилайди?
19. Давлатнинг бозор нарх-навосига аралашшига ҳаққи борми?
20. Хусусийлаштиришдан мақсад нима?

КИМ ТЎҒРИ ЖАВОБ БЕРАДИ?

1. Инвестициями ё сармоями?
2. Тасаввуфми ё сўфийликми?
3. «Куч — адолатда»ми?, «Адолат — кучда»ми?
4. Миллий қадрият ё маҳаллий қадрият.
5. Шахс ё индивид.
6. Шахс жамиятга боғлиқми ё жамият шахсгами?
7. Инфраструктура ё инфратузилма.
8. Солиқ ихтиёрийми ё мажбурийми?
9. Тадбиркор ким-у, ишбилармон ким?
10. Реал даромадга нималар киради?
11. Нуклеар оила яхшими, мураккаб оилами?
12. Ўғил яхшими ё қизалоқ?
13. Арзон сотиб, тез сотган маъқулми, шошилмай сотиб, қиммат сотганми?
14. Бозорда нима иш қилиш мумкин?
15. «Оқсоқол» деб атаган тўғрими, ё фуқаролар йигини раиси деб-ми?
16. Қонун устуврми ёки ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар?
17. Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий билим. Қайсиниси тўғри?
18. Ҳуқуқий онг у қандай онг?
19. Олдин давлат тасарруфидан чиқариладими ёки аввал хусу-сийлаштириладими?
20. Шахсий манфаат устуворми ёки жамоат манфаати?

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-машғулот. «Гоя» ва «Мафкура» тушунчаларининг моҳияти	4
2-машғулот. Глобаллашув шароитида миллий гояга эҳтиёжнинг ортиши	12
3-машғулот. Мафкуравий иммунитетни шакллантириш — хавфсизлик ва барқарорлик омили	24
4-машғулот. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий гоянинг зарурлиги ва аҳамияти	33
5-машғулот. Миллий гоя — халқнинг ишончи ва эътиқоди	41
6-машғулот. Миллий гоя — ўзликни англаш ва тараққиёт омили	50
7-машғулот. Миллий гоя ва миллий-маънавий қадриятлар	58
8-машғулот. Миллий гоянинг умумбашарий тамойиллари	68
9-машғулот. Миллий истиқлол гоясининг бош мақсади — озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш	76
10-машғулот. Миллий гоя ва демократик ривожланиш	85
11-машғулот. Миллатлараро тотувлик, миллий ва диний бағрикенглик	93
12-машғулот. Миллий гоя ва ёшлар. Миллий гурур ва ор-номус	103
13-машғулот. Миллий истиқлол гоясининг инсон онги ва қалбига сингиши: янгича услублар, ёндашувлар ва технологиялар	113
14-яқуний машғулот	122
1-илова	128
2-илова	129
3-илова	130
4-илова	131
5-илова	132
6-илова	133

Э. Холиқов, М. Лафасов,
М. Рустамов, У. Убайдуллаев,
Х. Жуманиёзов

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ҒАНИДАН
СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ
ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ**

(қисқа матнлар, услубий тавсиялар)

Тошкент — «Турон-Иқбол» — 2010

Муҳаррир	Ў. Қўлдашева
Бадий муҳаррир	Э. Муратов
Техник муҳаррир	Т. Смирнова
Мусахҳиҳ	С. Абдунабиева
Компьютерда саҳифаловчи	К. Голдобина

Босишга 08.04.10 да рухсат этилди. Бичими 60×84¹/₁₆.
«Times» гарнитурасида офсет босма усулида босилди.
Шартли б.т. 7,9. Нашр т. 8,42.
Адади 1000 нусха. 269-рақамли буюртма.

«TURON-IQVOL» нашриёти.
100182. Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро кўчаси, 51-уй.
Телефон: 244-25-58. Факс: 244-20-19

«Toshkent Tezkor Bosmaxonasi» МЧЖ да чоп этилди.
100200. Тошкент, Радиал тор кўчаси, 10-уй,
тел: 228-00-55.